

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№3. 2020

*Баҳор таширифидан
қалбларда виқор*





Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА...

Озод ва обод юртимиз аҳолисини яшариш ва меҳр-мурувват байрами – Наврӯз айёми билан чин дилдан муборакбод этамиз. Наврӯз хонадонларингизга олам-олам қувонч ва шодлик олиб келсин!




УТТ аппарати

«BREEDR CONSULT» ОК жамоаси



Резина ётоқлар



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари



Сигир елинини дезинфекция қилиш ва ускуналарни ювиш воситалари



Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиш ускунаси ва заллари

Тошкент ш., Аҳмад Дониш, 22.
тел. 71-226-65-96; +998 91-192-07-55;
+998 97-444-00-16; +998 94-647-10-03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ЛИМОНЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислох қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, республикада 2018-2019 йилларда 46 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий кредит линиялари жалб қилиниб, 730 гектар майдонда замонавий лимонзорлар барпо этилди, лимон етиштириладиган иссиқхоналар умумий майдони 1 221 гектарга етказилди.

Шу билан бирга, инновацион технологиялар асосида янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмаётганлиги, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмаганлиги оқибатида соҳадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмапти.

Республикада лимончилик тармоғини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон етиштириш ҳажминини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмасининг:

“Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси номини “**Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар**” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) деб ўзгартириш;

тажриба тариқасида Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида Уюшма иштирокида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги **Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

кооперация шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларга етказиш;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этиш ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

мавжуд иссиқхоналарни модернизация қилиш ҳамда серҳосил, экспортбоп лимон навлари коллекциясини ва кўргазмали лимон плантацияларини яратиш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, экспорт ва импорт маҳсулотларини сертификатлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, шунингдек, манзарали ўсимликлар, гуллар ва кўкаламзорлаштириш экинлари кўчатларини етказиб бериш;

маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар билан таъминлаш;

цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни қайта ишлаш, янги инновацион технологияларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш;

соҳани ривожлантириш бўйича хорижий технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, янгиларга оид ролик ва махсус кўрсатувлар тайёрлаш.

Марказ фаолияти банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари, хомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Уюшма билан биргаликда **икки ой муддатда:**

Марказга Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудидан бино ва иссиқхона учун 12 гектар ер майдони ажратилишини;

Уюшма, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда хусусий шерик ўртасида уч томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Уюшманинг **2020 йил 1 мартдан бошлаб** лимонзорларни барпо этишнинг қуйидаги тартибинини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

янги барпо этиладиган лимонзорлар учун стандартларни (кўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди;

лимончилик тармоғини ривожлантиришда илғор хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини ташкил қилади;

лимонзорларни ташкил этиш харажатларини молиялаштириш учун

халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грант маблағларини жалб этиш чораларини кўради;

қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) раҳбарлари ва лимон етиштирувчилар учун ўқув-семинарларни ташкил қилади;

сертификатланган ва кафолатланган лимон кўчатларини етиштириш бўйича махсус кўчатхоналарни ташкил этади ҳамда лимон кўчатларини етиштирувчи хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар хокимликлари:

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантиради ҳамда уларга лимон етиштирувчиларни бириктиради;

лимонзорлар учун талаб қилинган ер майдонларининг қисқа муддатларда ажратилишини ва белгиланган стандартлар асосида барпо қилинишини таъминлайди;

хосилдорлиқни ошириш ва махсуслот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

в) қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар):

лимон етиштирувчилар билан ўзаро ҳамкорлик асосида кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, етиштирилган махсуслотни саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича самарали иш юритиш тизимини жорий қилади;

лимонзорларни барпо этади ва уларни лизинг шартлари асосида узок муддатга тадбиркорлик субъектларига беради, агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мутахассис ажратади, илмий асосланган агрономик тавсиялар бериб боради;

лимон етиштирувчилар талаби асосида уларни лимон кўчатлари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш махсуслотлари ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлайди;

соҳа олимлари ва кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиб, лимон етиштирувчиларнинг малакасини ошириб боради;

г) махсуслот етиштирувчилар:

кооперация талаблари асосида лимон кўчатларининг тўлиқ экилишини, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

лимонзорларни барпо этиш бўйича харажатларнинг келишилган қисми бўйича дастлабки тўловларни амалга оширади;

тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган махсуслотларнинг белгиланган вақтда ва сифатда етказиб берилишини таъминлайди.

4. Қуйидагилар:

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишга тушадиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати

1-иловага мувофиқ;

лимон етиштиришга ихтисослаштирилдиган ҳудудлар рўйхати **2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. Белгилансинки:

а) лимонзорлар пахта ва ғалладан бўшаган ҳамда фойдаланишга киритилдиган ер майдонларида ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда барпо этилади;

янги лимонзорлар “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ажратилдиган, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) 2020 йил 1 мартдан бошлаб кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига:

янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;

лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт (темир йўл ва

авиация транспорти) харажатларининг 25 фоизигача бўлган миқдори Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида коплаб берилади.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон қароридан назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агросоноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

тижорат банклари билан биргаликда лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг **100 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб этилишини;

“Туробанк” акциядорлик тижорат банки билан биргаликда халқаро молия институтларининг **100 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит линияларини лимончилик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **бир ой муддатда** лимончилик бўйича 2020-2024 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантирсин ҳамда уларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Бунда лимон кўчатларининг иссиқхона ва очиқ майдонда парвариш қилинадиган янги навларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашиш, инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.



9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига:

бир ой муддатда лимончиликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ресурс тежовчи технологияларга асосланган лимонзорларни барпо этиш ва парваришlash, маҳсулот етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

икки ой муддатда лимон экиш, парваришlash, етиштириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва экспорт қилиш масалалари бўйича фермер ҳамда дехқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ва тадбиркорлик субъектлари учун жойларда ўқув-семинарларини ўтказиш;

етақчи хорижий институтлар билан лимончиликни ривожлантириш ва илғор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш бўйича илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ҳузурида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш бўйича **кичик инновацион корхона** ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бунда корхонанинг асосий вазифаси **“фан – таълим – ишлаб чиқариш”**нинг узвий интеграциясини таъминлаш, дарс машғулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш ва талабаларда амалий кўникмаларни шакллантириш эканлигига эътибор қаратилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда университетнинг 3-босқич талабалари орасидан саралаб олинган талабалар учун цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш технологиялари бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрловчи **маҳсус гуруҳларни** ташкил этсин.

Бунда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш, замонавий технология воситалари билан таъминлаш Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлик маблағлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. “Ўзстандарт” агентлигига халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар, жумладан, лимон маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида сертифицирлаш ишларини жадаллаштириш юклатилсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар бўйича илғор технологиялар, фан ва ишлаб чиқаришдаги ютуқларга оид маҳсус кўрсатувларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Уюшма билан биргаликда **икки ой муддатда** 2020 йилда қўшимча **2,5 минг** гектар ер майдонида амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

зарур ҳолларда, Уюшма таклифига асосан мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижроси куйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси А.Д.Вахабов, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж.Тешев –

ушбу қарор ижросининг ташкил этилишини, 2020 йилда амалга ошириладиган лимончилик йўналишидаги лойиҳаларнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши, лимонзорлар учун ажратиладиган субсидияларнинг мақсадли йўналтирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Н.Э.Нажимов – давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш, соҳада кооперация муносабатларини шакллантириш ҳамда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ф.Ж.Раҳимов, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси бошқаруви раиси Т.А.Жалилов – халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши, ташқи бозорлар конъюнктураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши ва лимон экспорти географияси кенгайтирилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари – лимонзорлар барпо этиш учун ер майдонларини ажратиш, кооперация муносабатларини шакллантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўрсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари – лимонзорлар барпо этиш ва худудларни лимончиликка ихтисослаштириш чораларини кўрсин, “Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар” уюшмаси фаолиятига кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
*Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 февраль*

КЎКЛАМНИНГ ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

Баҳор, Аёл, Наврўз. Бу уч сўзни бир-бирдан айро тушуниб бўлмайди. Яшариш фасли баҳор кириши билан ҳаё ва гўзаллик тимсоли бўлмиш аёлларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз. Орадан кўп ўтмай энг қадимий, энг азиз байрамларимиздан бири Наврўзи олам кириб келади. Бу уч сўз замирида яшариш, нафосат, севги, меҳр-оқибат, вафо, садоқат тушунчалари мужассам.

Баҳор ташрифидан бутун борлик уйғонмоқда. Қуёшнинг илик тафтидан тупрок тўлғонди, кир-адирлар яшил рангга кирди. Боғларда ўрик, гилос, шафтолилар бодрок-бодрок гуллади. Митти жониворлар — чумолию асаларилар ғайратини намойиш этиб, тиним билмайди. Жамики жонзотда жонланиш бошланди.

Табиатнинг жонланиши, гўзаллик ва нафосатга бурканиши билан баҳор йилнинг энг дилбар фасли бўлса, оиланинг баҳори назокат ва нафосатли аёлдир. У меҳрибон она, садоқатли рафика, оқила тарбиячи.

Халқимиз азалдан аёлларни ардоқлаб, шарафлаб келган. Бугун ҳам улар эъзозда, жамият ҳаётида фаол. Ўзбек аёли ким эканлигини жаҳонга намоён қилаётган олима-ю тадбиркор, шоира-ю шифокор, депутату сенатор хотин-қизларимиз бисёр. Аёлларимиз орасидан 16 нафар “Ўзбекистон Қаҳрамони”, 6 нафар академик, 540 нафар фан доктори, қарийб 5 мингдан ортки фан номзодлари етишиб чикқани уларнинг жамиятда нуфузи юксак эканидан далолатдир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан онажонларимизни, опа-сингилларимизни самимий кутлаймиз. Уларнинг юзларидан ҳеч қачон табассум аримасин. Барча эзгу ишларида омад ёр бўлсин. Бахтимизга доим ҳаётимиз кўрки бўлиб юраверсинлар.

Кўклам ташрифиди кекса отахону онахонлар қалбига илиқлик бағишлади. Улар дилда, тилда шукроналик билан умрларининг навбатдаги янги йили — Наврўз ила юзлашдилар. Завки тошиб, кир-адирда ўйнаб, варрак учуриб, йираб юрган набираларга термулиб ҳаёти зарварақларидаги олис хотираларни маҳзунгина эслашга тутиндилар.

Ҳамал сабосидан бободехқон руҳи кўтарилди, билакларида ғайрат жўшди, ниятини бутун қилиб, баракали йирмон уюшни кўнглига тугиб, даласига йўл олди.

Ғаллакор бугун даласига туриб, қишдан омон чикқан майсалар ташвишини

чекмоқда, пахтакор эса ҳар дами ганимат билиб, ғайрат қилмоқда. Агар назар ташласак, деҳқон учун тўртта фаслнинг ҳам рисоладагидек келганини ҳеч ким эслай олмайди. Қайсидир фасл, қайсидир ой, баъзан бутун йил деҳқонга турлича нуқулайликлар туғдирган. Бир сўз билан айтганда, табиат инжиқликлари билан деҳқон аҳли ҳамиша юзма-юз туриб меҳнат қилиб келаётир. Бу гал унинг кириб келаётган йилдан умиди катта. Шунинг учун ҳам бугун деҳқон экинлар парваришию, уруғ қаш юмушларини тезкорлик билан амалга ошириш чораларини кўрмоқда.

*Ҳар тунинг Ҳадр ўлибон,
Ҳар кунинг ўлеин Наврўз.
Алишер Навоий.*

Боғбон кийғос гулга кирган боғига боқиб, кўклам юмушларини режалаштириганча кишининг аёзидан омон чикқан дарахтлар, қўчатлар парваришини бошлаб юборди. Новдалардаги нафис гулларга боқиб, эрта бир кун дастурхонларга тортилажак мева-чеваларни кўз олдига келтириб, кўнгли тоғдек ўсди.

Чўпоннинг хонанишин кунлари ортда қолди. У кўнгли соғинган кенгликларга — яйловларга сурувини бошлади. Танидан кишининг чарчоғи кўтарилгандек бўлди. Чунки чўпон кенгликлар одами.

Бу жараёнлар инсон ва табиатнинг бир-бирига уйғунлигидан далолат, албатта. Шунинг учун ҳам халқимиз азалдан Наврўз — йилбошини ўзига хос аъналар, байрамона тадбирлар билан қарши олган. Кун билан тун тенглашган ушбу санада бувиларимиз сумалак, кўк сомса каби баҳор таомларини элу юртга тортиқ қилиш билан овора бўлишса, боболаримиз ҳалим тайёрлашга киришади. Бу аъналарнинг замирида келаётган деҳқончилик йилининг қутли ва баракали бўлиши нияти мужассам.

Экин-тикин, дов-давхлар ривожланиши, ҳосил бериши, энг аравал, куёш ва ерга боғлиқдир. Инсон ана шу икки хилқатни

бирлаштириб турадиган сабабчи воситасини ўтайди. Бу саъй-ҳаракат Наврўз айёмининг улкан шодиёна сифатида нишонлайди.

Яшариш ва янгилиниш фасли — Наврўз айни мустақиллик йилларида юксак мақомда ва оммавий равишда умумхалқ байрами сифатида узлуксиз нишонланадиган бўлди. Пойтахтимизда, вилоятларда, қишлоқ ва овулларда бу байрам зўр шодиёна, хурсандчилик асносида нишонланиб, турли халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, лапарлар, термалар айтишуви эл-юрт кўнглига завқу шукҳ тақдим қилади. Бу воқелик эса қадим аждодларимиз руҳияти бугунги кунда ҳам жамиятимиз ҳаётида акс этаётганидан далолат. Бу эса ватанпарварлик туйғуларини, ўтмиш кадриятларига ихлос ҳиссиётларини янада жонлантиради.

Айниқса, мазкур байрамда ногиронлар, яқка-ёнгиз кексалар ҳолидан хабар олиш меҳр-оқибатга, ўзоро келишмай қолган кишилар ярашиши эса эзгуликка йўғрилганлиги билан ҳам аҳамиятга эришди. Наврўз кунлари ҳеч бир инсон меҳру эътибордан четда қолмайди.

Аваллари бир неча мамлакатлар доирасида нишонланаётган байрам ҳозирги кунда бутун сайёрамиз миқёсида халқаро байрам сифатида эътироф этилаётганлиги Наврўзнинг оламшумул нуфузини тасдиқлайди. Хусусан, 2010 йилда БМТ томонидан 21 март — Халқаро Наврўз куни деб тан олингани фикримиз далилидир.

Ҳақиқатдан ҳам, азалий миллий байрамларимиздан бўлган Наврўз халқимизнинг урф-одағларига, аънаваларига, миллий кадриятларига, маънавиятига чуқур сингиб кетган улғ айёмдир.

Шунингдек, бу айём меҳнат байрами ҳамдир. Шу кунлари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олган.

Ана шу кўтаринкилик халқимиз қалбига мамлакатимизнинг жадал ривожланаётгани, турмушининг тобора фаровонлашаётгани, осмонимиз мусаффолиги-ю элу улус тинч-осойишта ҳаёт кечираётгани шукроналик туйғуларини жўштиради, албатта.

Шу байрамона кайфият юртимиз аҳлини ҳеч қачон тарк этмасин.

Тоҳир ДОЛИЕВ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг вазирлик тизимида ижросига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Б.Тожиёв, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Р.Мамутов, сув хўжалиги соҳасида ҳамкор хорижий ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



СУВ ХЎЖАЛИГИ: РЕЖАЛАР УЛКАН, ИМКОНИАТЛАР ЕТАРЛИ

Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилда республикамиз бўйича 44 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 24,8 минг гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган. Мазкур соҳада давлат қўллаб-қувватлови, хусусан, субсидиялар ажратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. 2020 йилда ҳам сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун 300 млрд. сўм ажратилади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимлари учун гектарига 8 млн. сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 млн. сўм, дискретли суғориш учун 1 млн. сўмдан ажратиш назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб

суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдорда коплаб берилмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунга қадар 130 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан томчилатиб суғориш технологияси 77,4 минг гектарни ташкил этади. 2020 йилда сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни 250 минг гектарга етказиш режалаштирилган. Шу тартибда иш олиб бориб, тежамкор технологиялар қўлланиладиган майдонлар 2025 йилга бориб жами 1 млн. гектарга, жумладан, томчилатиб суғориладиган майдонлар 250–300 минг гектарга етказилади.

Сув ҳисобини юритишни автоматлаштириш

Президентимизнинг Мурожаатномасида сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини,

сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарурлиги белгилаб берилди. Бу борада вазирлик тизимида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан имзоланган битимга мувофиқ, республикамизнинг асосий йиллик сув объектларига замонавий “Ақлли сув” тизими жорий қилинапти. Ўтган йили KOICAнинг грант маблағи эвазига молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида, 61 та сув хўжалиги объектларига сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилди.

Ушбу тизим 2020 йилда яна 90 та объектада жорий қилинади. “Ақлли сув” тизимини 2025 йилда 300 тага, 2030 йилга бориб эса 1000 тага етказиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси тўғрисидаги маълумотларни онлайн узатиш, мониторинг юритиш ҳамда суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини яратиш мақсадида 2020 йилда 2000

дона, 2025 йилда 6000 дона ва 2030 йилгача 27270 дона кузатув қудуқларида геоахборот тизимлари ўрнатилади.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда 2020 йилда 10 та, 2020–2021 йилларда 20 та ва 2030 йилгача 100 та сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнлари ва сувни назорат қилиш ишлари автоматлаштирилади.

Соҳада кадрлар масаласига ва уларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилда 500 нафар, 2021 ва 2022 йилларда 800 нафар, 2030 йилга қадар эса жами 5000 нафар олий маълумотли ёш мутахассислар ишга олинди. Шунингдек, соҳадаги 7000 нафар раҳбар-ҳодимларнинг малакаси оширилади.

Сув хўжалигидаги илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишга жорий йилда ўтган йилга нисбатан 2,2 баравар кўп

ёки 2 млрд. 200 млн. сўм маблағ ажратилади. 2021–2022 йилларда ушбу рақамни 3,5 млрд. сўм ва 2030 йилгача 5,0 млрд. сўмгача етказиш режалаштирилган.

Сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси

Президентимизнинг Мурожаатномасида Сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини жорий йил 1 апрелга қадар тасдиқлаш учун киритиш вазифаси белгиланган.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг грант маблағлари ҳисобига халқаро экспертлар ҳамда сув хўжалиги соҳовчи хужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослашган Австралиянинг “Aither” компанияси мутахассисларини жалб қилган ҳолда хужжат лойиҳаси тайёрланди.

Хабарингиз бор, норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ре-

спубликаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига кўйилди.

Концепция лойиҳасидан:

- сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

- соҳада автоматлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

- ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ва бетонлаштириш ишларини амалга ошириш орқали уларнинг фойдали иш коэффициентларини ҳозирги 0,63 дан 0,73 гача етказиш, 1 миллион гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш;

- мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш эвазига шўрланган майдонларни ҳар йили 1 фоизга камайтириш, шунингдек, 298,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан майдонларни қайта фойдаланишга киритиш;

- 2030 йилгача хизмат муддатини ўтаб бўлган насос агрегатлари ва двигателларни энерготехмакорларига алмаштириш ҳамда насос станцияларини энерготехмовчи қурилмалар билан жиҳозлаш ҳисобига электр энергияси истеъмолини ҳозирги 8,0 млрд. кВт. соатдан 6,0 млрд. кВт. соатгача қисқартириш;

- соҳада бозор иқтисодиёти тамойилларни ривожлантириш, шунингдек, 50 та сув хўжалиги объектини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга бериш вазифалари ўрин олади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларида тушган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**



ИЛМИЙ ЁШЛАР АГРАР СОҲА КЕЛАЖАГИДИР

Қишлоқ хўжалиги вазири ёш олим ва тадқиқотчилар билан учрашди

Мамлакатимизда 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Йил номидан келиб чиққан ҳолда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳасида илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларида ўзаро фикр алмашиш мақсадида вазир Жамшид Ходжаев тизимда фаолият кўрсатаётган ёш олим ва тадқиқотчилар билан учрашди.

Учрашув аввалида вазир соҳада илм-фан, инновацион фаолият таҳлили ва мавжуд муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтди. Хусусан, глобал иқлим ўзгариши, аҳолининг демографик ўсиши, мавжуд ер, сув, моддий ресурслар чекланганлиги, ички ҳамда ташқи бозорлар конъюнктурасидаги талаблар ҳамда рақобатнинг кучайиши аграр фан ва ишлаб чиқариш олдига мураккаб муаммо ва вазифалар кўяётгани айtilди.

Таъкидланишича, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот муассасалари томонидан сўнгги 10 йилликда гўзанинг 20, буғдойнинг 30, арпа ва тритикаленинг 10, мойли экинларнинг 10, меванинг 25,



узумнинг 10, озуқабоп экинларнинг 10, картошка ҳамда сабзавотларнинг 40, полиз экинларининг 15 дан ортиқ нав ва дурагайлари яратилган.

Шунинг билан бир қаторда, селекция ва уруғчилик тизимини тубдан ислох қилиш талаб этилмоқда. Сабабот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар уруғчилиги, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари импорти охириги 3 йилда қарийб 2,5 марта ўсиб, 40 млн. АҚШ долларига етиб қолди. Уларнинг экспорти эса, 1,5 мартага камайиб, бор-йўғи 78,6 минг долларни ташкил қилмоқда. Бу рақамлар соҳадаги ҳақиқий ахволни кўрсатиб турибди.

Қишлоқ хўжалигида рақамли, био ва нанотехнологияларни қўллаш йўналишидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас ва ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

– Албатта, соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар фақат юқорида таъкидланганлар эмас ва бу ҳақда узоқ гапириш мумкин, – деди Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев. – Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад эса Стратегияда белгиланган устувор йўналишлар ва вазифаларни амалга оширишда тизимдаги ёш олимларимиз салоҳияти, ғайрат-шижоатидан фойдаланиш ҳамда тадқиқотларнинг амалий самардорлигини ошириш бўйича зарур омиллар тўғрисида Сизлар билан очик мулоқотда бўлиш, таклиф ва мулоҳазаларингиз юзасидан мунозаралар ўтказиб, ҳаракат режаларимизни белгилаб олишдир.

Видеоконференция тарзида бўлиб ўтган учрашувда тизимдаги илмий-тадқиқот муассасалари, Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг Нукус, Андижон, Термиз филиаллари, тажриба станцияларида фаолият юритаётган ёш олимлар ва тадқиқотчилар, мутасадди раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.



ҒАЛЛА ПАРВАРИШИ МЎЛ ҲОСИЛ ЗАМИНИДИР

Азал-азалдан халқимиз нонни энг улуғ неъмат деб билади ва уни доимо қадрлаб келади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ғаллачилик иқтисодий тизимнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги натижасида катта харажатлар эвазига четдан дон олиб келинишига барҳам берилди ҳамда халқимиз ўз донига ва ўз нонига эга бўлди.

Республикада Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва унинг Қашқадарё филиали, ҳудудий илмий-тажриба станцияларининг ташкил этилиши ҳамда шу соҳада етакчи бўлган хорижий илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги натижасида бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий асосланган тизими йўлга қўйилди.

Ҳар бир ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган серҳосил янги ғалла навлари яратилди, уларни етиштириш агротех-

никаси ишлаб чиқилди ва бирламчи уруғчилик тизими ташкил этилди.

Бунинг натижасида кейинги йилларда ғалладан кафолатланган ҳосил етиштириш имконияти яратилди. Республикада ўтган йили ялпи бошоқли дон етиштириш ҳажмлари 7 миллион тоннадан ошди, ҳосилдорлик суғориладиган ерларда ўртача 65,3 центнерга етказилди. Жойларда илғор ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари эса 80-90 центнердан ҳосил олишга эришди.

Мисол учун, 2019 йилда бошоқли дон ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштиришда янги тизимнинг татбиқ этилганлиги натижасида маблағ масаласи тўлиқ ҳал этилиб, экишдан олдин далаларга физик ҳолда ўртача 110 кг.дан фосфорли, 46 кг.дан калийли ва вегетация даврида ўртача 680-700 кг.дан азотли минерал ўғитлар билан озиклантирилди;

ғалла вегетацияси даврида касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши самарали ва таъсир этиш даражаси юқори бўлган янги кимёвий препаратлар қўлланилди ҳамда республикада биринчи марта фунгицид, акарацид, гербицид ва биостимуляторларни “тўртлик аралашма” ҳолатда 2 марта ишлов ўтказилди.

Бундан ташқари, вегетация даврида Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бошоқли дон экинлари ўртача 5-6 маротаба, қолган вилоятларида 4-5 маротаба шарбат усули билан қондириб суғорилганлиги натижасида ғалладан улкан ҳосил олишга эришилди.

Шунингдек, ғаллани ўз вақтида ўриб-йиғиб олишни тўғри ташкил қилган Термиз, Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Қизирик, Бойсун, Шеробод, Қоровулбозор, Вобкент, Олот, Ғиждувон, Мирзиёзор, Косон, Нуробод, Мирзаобод, Ховос ва Сардоба каби бир қатор туман ғаллакорлари ҳар гектардан ўртача 60-65 центнердан ҳосил етиштириб давлатга дон сотиш шартнома режасини республикада биринчилардан бўлиб бажаришга эришдилар.

Ғалла ўрим-йиғим ишларини тўғри ташкил этган Бухоро ва Андижон вилоятида ўртача ҳосилдорлик 67 центнерни, Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 63 центнерни, Сирдарё ва Қорақалпоғистон Республикасида 51 центнерни, қолган вилоятларда 59 центнерни ташкил этди. Республика бўйича ўртача ҳосилдорлик 65,3 центнер бўлди.



Ғаллачилик соҳасида эришилган шундай ютуқларнинг омили миришкор фермер ва деҳқонларимизнинг йил давомида қилган машаққатли меҳнати ва яратиб берилган тизимни тўғри ташкил этилиши, десак ҳеч ҳам адашмаган бўламиз.

Энг асосийси, муҳтарам Юртбошимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бошоқли дон етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамоийилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада оширишга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш орқали “давлат буюртмаси”дан босқичма-босқич воз кечиш белгилаб берилди.

Ушбу берилган таклиф фермер ва деҳқон хўжалиқларининг азалий орзуси бўлиб, ўзининг тарихийлигидан ташқари соҳадаги туб бурилиш ёки инқилобий ўзгариш бўлди десак, ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Бугун фермер ва деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида асосий куч бўлиб, нафақат мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жиҳатдан обод ва фаровон қилишда беқиёс ишларни амалга ошираётганини халқимиз фахр ва ғурур билан ҳис қилиб турганлиги ҳам айна ҳақиқатдир.

Маълумки, етиштирилган донни, шу жумладан, қолипни нон ва ун маҳсулотлари нархининг эркинлаштирилиши муҳим қадамлардан бири бўлди. Бунга пухта тайёргарлик кўрилганлиги натижасида бозорда дон нархининг барқарорлиги таъминланди.

Бошоқли дон етиштиришни эркинлаштириш, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини оширишга, иқтисодий ўсишга ва пировард натижада самарадорликка эришишга олиб келади. Яратилган бундай қулай имконият ва имтиёзлар ҳар йилгига нисбатан янада кўпроқ ҳосил олиш имкониятини яратади.

Буни тўғри тушуниб етган ғаллакорларимиз ўзларига бириктириб берилган ер майдонларининг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, фермер хўжалигини иқтисодий манфаати учун ишламоқдалар.

Она заминимизнинг ҳар бир қаричини эъзозлаган ва “ҳар қарич

еримиз зарга тенг” эканлигини тўғри тушуниб етган илғор, тажрибали миришкор ва жонкуяр фермерларимиз бугунги кунда ғалла майдонларида баҳорги биринчи озиклантириш ишларини якунлаб, пешма-пеш шарбат усулида суғоришни амалга ошириб, кафолатланган юқори ҳосил ва даромад олишга пухта замин яратмоқдалар.

Республикамизда бу йилги қиш мавсумининг кўп йиллик ўртача ҳароратга нисбатан илиқ ва қурғоқчил келиши кузги бошоқли дон экинлари ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Соҳа олим ва мутахассисларнинг кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, кузги бошоқли дон экинларида қишқи тиним даврини бир маромда ўтамай, қисман ривожланишда давом этди.


Бундай ҳолат, албатта, ривожланишдан орқада бўлган ва кеч экилган ғалланинг яхши томонга ўзгариши учун ижобий таъсир қилди. Бироқ, аксарият эрта муддатларда экиб ўз вақтида ундириб олинган ғалла кўчатлари қисман ривожланиши натижасида ўсимлик маълум даражада ўз

вожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган.

Ривождан орқада қолган ғалла майдонларида туплаш жараёнлари об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига қараб март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этади, яъни бугунги кунда экилган ғалламизни қўшимча туплатиш (бошоқ шакллантириш) учун яна 20-22 кунлик муддат мавжуд.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, қуйидаги агротехник тадбирларни амалга оширишни тавсия этамиз:

соҳанинг олим ва мутахассислари томонидан ҳар бир контурларга экилган ғалланинг ўсиш ва ривожланиши бўйича мониторинг ўтказиш, биринчи азотли озиклантиришни якунлаш, шарбат усулида пешма-пеш суғоришни ташкил этиш, ғалла ниҳолларининг ҳолатига қараб баргдан қўшимча озиклантириш, яъни суспензия сепиш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталарга эга бўлган биопрепаратларни қўллаш каби агротехника



энергиясини сарфлашига тўғри келди.

Шунингдек, қишқи ҳароратнинг илиқ бўлиши, ерда қорли қоплама бўлмаганлиги ҳашорат ҳамда касалликларни қиш даврида бўладиган совуқлардан зарарланмай сақланиб қолишига ҳам сабаб бўлди.

Республика бўйича 48 минг гектар ривождан орқада қолган, яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркундаларнинг ри-

тадбирларини ўтказиш самарали ҳисобланади;

ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири бу ғалла майдонларида баҳорги азотли ўғитлар билан навбатдаги иккинчи озиклантиришни амалга оширишдир. Март ойида ғалла туплаш давридан найчалашга ўтади. Кузги буғдойнинг найчалаш даврида ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси поялар сонининг кўпайиши ҳисобига

азотли минерал ўғитга бўлган талаби энг юқори даражада бўлади.

Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40-50 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-350 кг. меъёрга берилиши тавсия этилади. Ўсимликнинг найлаш даврида маҳсулдор поялар ҳамда поялар ичида бошоқлар шаклланади. Найчалаш даврининг давомийлиги нав пишиб етилиш хусусиятларидан келиб чиқиб, 25-35 кунни ташкил этади.

Бошоқли дон экинлари бу фазада бутун ўсув даври давомидаги қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Ғалланинг найчалаш даврида намлик ва озуқа моддалар етишмаслиги, ўсимлик ҳамда найча ичида шаклланидиган бошоқнинг ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатади ҳамда кутилаётган дон ҳосилини пасайишига олиб келади.

Март ойида ғаллани азотли ўғитлар билан иккинчи озиклантиришни ўтказиш ҳамда барг орқали суспензия билан ишлов бериш натижасида ғалла ниҳолларини ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Шунга асосан март ойи давомида суспензия сепиш тадбирини 2 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баргдан озиклантириш ўсимликнинг фотосинтез жараёнини жадаллаштиради, барг сатҳини қалинлаштириш ҳисобида касаллик ва зараркунандаларга чидамликни оширади. Ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик модданинг кўпайиши натижасида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади.

Шунинг учун, таркибида азот, фосфор ва калийли макроэлементлардан ташқари бор, молибден, мис, темир каби ўсимлик барги орқали ўзлашадиган микроэлементлар ҳам мавжуд мураккаб ўғитлар билан март ойида 2 марта ва апрель ойида 1 марта махсус пуркагичли мосламалар ёрдамида сепиб, озиклантириш яхши самара беради.

Ғаллани озиклантиришда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда гектарига 600-700 м³ меъёрга суғориш ишларини ўтказиб, чекланган дала нам

сиғимини 70-75-70% бўлишини таъминлаш зарур.

Суғориш ишларини маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида амалга оширилганда, ўсимлик томонидан тупроқда етишмаётган микроэлементлар билан таъминланишига замин яратилади.

Ғалла майдонларида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра аниқланган бегона ўтлар турларига қарши курашишда, гербицидларни танлаш ва, албатта, бегона ўтларнинг ривожланиш даврини инobatга олиш зарур бўлади. Бунда ғаллазорлардаги бегона ўтларнинг 3-5 барг ривожланиш даврида гербицидлар билан ишлов бериш, гербициднинг самардорлигини оширади.

Гербицид билан ишлов ўтказилмаган ғалла майдонларини озиклантириш учун берилган минерал ўғитларни, сувни ва ёруғликни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъмол қилиши ҳисобида, ғалладан олинадиган дон ҳосилини камайиши ва дон сифатига салбий таъсир кўрсатиши олиб борилган кўп йиллик тажриба натижаларида ўз исботини топган.

Бу даврда зарарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари бўлган майдонларда биринчи навбатда профилактика ишлови уйғунлашган ҳолда ўтказилса, ушбу ҳашарот ва касаллик кенг тарқалишининг олди олинади.

Жорий йилда баҳор ойлари серёғин бўлиши кутилаётганлиги сабабли ғалла майдонларида сариқ ва қўнғир занг, ун-шудринг каби замбуруғли касалликлар кенг тарқалиши ҳамда бу касалликлар қарши ишлов берилмаган тақдирда дон ҳосилини 30-35 фоизга камайиши башорат қилинмоқда.

Сариқ занг ва бошқа замбуруғли касалликлар республиканинг жанубий ҳудудларида март ойининг биринчи ўн кунлигида, қолган вилоятларда иккинчи ўн кунликда пайдо бўлиш эҳтимоли бор. Шунинг учун етарли миқдорда фунгицидлар захирасини яратиш ва уни сепиш мосламаларини мавсум учун шай ҳолатга келтириш зарур.

Бошоқли дон экинларни зарарли хасва, шиллик қурт (пьяви-

ца), арракаш, шира ва трипс каби ҳашаротларга қарши ишлов беришда инсектицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра ғаллазорлардаги ҳашаротлар зарари ҳисоб-китоб қилинганда, биргина зарарли хасва 40 фоизгача, шиллик қурт (пьявица) 20 фоизгача, пая арракаши 50 фоизгача, шира ва трипслар 20 фоизгача дон ҳосилдорлигини йўқотишга олиб келади.

Юқоридагиларни инobatга олиб, ғалла майдонларида бегона ўтлар, “занг” ва бошқа касалликлар ҳамда зарарли ҳашаротларни кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида март ойида “Тўртлик аралашма” билан биринчи ишлов беришни штангали пуркагичлар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ғалла етиштиришда иқтисодий самардорлик кўрсаткичларининг ижобий бўлишига олиб келади.

Етиштирилган ғалла ҳосилини ўз вақтида ўриб йиғиб олиш асосий тадбирларда бири бўлиб, бунга пухта тайёргарлик кўриш керак бўлади. Агар пишиб етилган ғалла ўз муддатида ўриб-йиғиб олинмаса, кечиктирилган ҳар бири ҳосил 2-3 центнердан дон тўкилиб, ҳосил камайишига олиб келади ва бу жуда катта иқтисодий зарар келтириши мумкин.

Шунинг учун, ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўриш учун ўрим-йиғимида қатнашадиган дон ўриш комбайнларини таъмирлаш ишларини сифатли қилиб якунлаш, 1 апрелга қадар тайёрлов чизигига қўйиш ҳамда мавсум давомида узлуксиз ишлаши учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар захирасини тўлиқ яратиш чораларини кўришимиз керак.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда юқоридаги тавсиялар асосида белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатларида ва сифатли бажарилиши мўл ҳосил олишга замин яратади.

Шухрат ТЕШАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, қ.х.ф.д., профессор,

Равшанбек СИДДИҚОВ,
ДДЭИТИ директори, қ.х.ф.д.,

Қаҳрамон ТўРАҚУЛОВ,
мустақил изланувчи, қ.х.ф.н.

БОҒЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

Боғ ва токзорларда ҳосилни ошириш ҳамда сифатини яхшилаш омиллари

Айни пайтда, боғлар майдони 270 минг гектардан ортиқ, токзорлар майдони эса 148 минг гектар бўлиб, шундан интенсив боғлар майдони 44 минг гектардан зиёдни ташкил этади. Жорий йилда яна 6 минг гектар интенсив боғ ва 8 минг гектар токзорлар барпо этилади. Аммо ана шундай катта майдонлардаги боғ-токзорлардан талаб даражасидаги сифатли мўл ҳосил олишга эриша олмаяпмиз. Бунинг асосий сабаблари боғ-токзорларга ўз вақтида агротехник тадбирлар: суғориш, ўғитлаш масалаларига эътибор етарли даражада бўлмапти.

Маълумки, кейинги 2-3 йил давомида республикамизга баҳор эрта кириб келмоқда. Қиш ойлари (декабрь, январь, февраль) ҳавонинг илқ келиши, ёғингарчиликнинг кам бўлиши кузатилмоқда. Натижада боғларда, айниқса, данакли боғларда ҳосил куртакларининг эрта уйғонишига сабаб бўлмоқда. Ёғингарчиликнинг кам бўлиши, тупроқда намликни етарли даражада бўлмаслиги мевали дарахтларнинг яхши ўсиб ривожланишига, боғларда меваларнинг тўлиқ шаклланимай, майда бўлиб стандарт талабига жавоб бермай қолаётир. Бунинг олдини олиш учун айни шу кунларда боғ ва токзорларга яхоб сувини имкон даражасида 1-2 марта бериш зарур. Бунда боғлар 1500-2000 м³/га., токзорлар 1200-1500 м³/га. меъёрдаги сув билан 3-4 кун давомида суғорилса, тупроқ чуқур намланади ҳамда дарахтларнинг куртакларининг уйғониши бироз кечикади. Яхоб сувини қониқиб ичган боғларда дарахтлар ва токзорларнинг асосий илдизлари жойлашган тупроқ қисми яхши намланади ҳамда тупроқ ҳарорати анча пасайиши боис дарахтлар куртакларининг ҳаракати 8-10 кун кейинга сурилади. Афсуски, кўп жойларда бунга етарлича эътибор берилмаяпти.

Кўп йиллик кузатишларга кўра, март ойи давомида республикамизда қисқа муддатли совуқлар тез-тез тақрорланиб туриши дарахтларга салбий таъсир этиши кузатилмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида боғнинг ҳар бир гектар майдонда тутатиш учун гўнг, хашак ва хазон аралашмасини йиғиб қўйиш (уюмлар сони 150-200 та) зарур. Совуқ ҳаво келиши олдида ушбу уюмлар тутатилади. Натижада ҳаво ҳарорати бироз кўтарилиб, дарахтлар совуқдан қутқариб қолинади. Яна бир муҳим тадбир бу совуқ кузатилиши олдида боғ қатор ораларидаги суғориш

ариқларидан сувни жилдирашиб оқизиб қўйишдир. Бунда боғдаги ҳаво ҳарорати 2-3 °С га кўтарилиб, дарахтлар совуқ уришдан сақлаб қолинади.

Дарахтлар буталиб, шакл берилгандан сўнг ҳаво ҳарорати +5°С дан юқори бўлганда, дарахтлар куртак чиқармасдан олдин уруғ мевали дарахтлар парша (кўтир), монилиоз (монилиоз куйиш) касалликларига қарши 3% ли Бордо суюқлиги ёки 5% ли ООҚ (олтингугурт охак қайнатмаси) билан жиққа хўллаб ювилади. 10-12 кундан сўнг пуркаш ишлари тақрорланади.

Данакли мева боғларида (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос) монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг



бужмалоқлигига қарши 5% ли ООҚ ёки 3% ли Бордо суюқлиги, 1% ли мис купороси, ёки 2-3% ли темир купороси билан эрта баҳорда куртаклар бўртиш арафасида ишлов берилади. Дарахтлар гуллаб бўлгач, Бордо суюқлигининг 1% ли (100 л. сувга 1 кг. мис купороси ва 1 кг. сўнмаган охак қўшилади) эритмаси билан пуркалади. Бундан ташқари, чуқур таъсир этувчи фунгицидлар ҳам яхши самара беради. Баҳорда дарахтлар гуллаб бўлгач, "Топсин-М" (1л./га) препаратини 0,1% ли қилиб сепиш яхши самара беради, "Байлетон" (0,2-0,3 л./га), "Фоликур" (0,25л./га), "Вектра" (0,3 л./га) препаратларидан ҳам фойдаланса, самараси яхши бўлади.

Республикамизда боғ-токзорлар

майдони йилдан-йилга ортиб, ҳар йили 8-10 минг гектар майдонларда янги истиқболли интенсив боғлар ва токзорлар ташкил этилмоқда. Янги боғ-токзорлар барпо қилишда хатоликка йўл қўймаслик керак.

Мевали дарахтларнинг кўчатлари уч хил пайвандтагларда, яъни пакана пайвандтаг (паст бўйли), ўрта ўсувчи ва кучли ўсувчи пайвандтагларда кўпайтирилади. Яъни боғлар барпо қилишдан олдин уларни шамоллардан, совуқ ҳаво оқимларидан сақлаш мақсадида боғ атрофини ихоталаштириш зарур. Бунда янги барпо қилинадиган боғни химоя қилиш мақсадида ўрик, жийда ёки ёнғоқ каби кучли ўсувчи дарахт кўчатларини экиш ишларини олиб бориш керак. Янги боғ барпо этиш учун танланган майдон эрта баҳорда (март ойи бошида) кўчат экилишидан олдин текисланиб, 35-40 см. чуқурликда плантаж сўқа ёрдамида ҳайдалади, тупроқ етилиши билан чизелланади ҳамда кетма-кет мола қилиниб, кўчат экиш учун режа тортилади.

Режа тортишда экиладиган кўчат турларига қараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5х2,5 м., ўрта ўсувчи 3,5х3 м., нок кўчатлари 3,5х2 м., ўрта ўсувчи 3,5х2,5 м., ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсувчи кўчатларда олма навига қараб 5х3 м., 5х4 м., нок учун 5х3 м., 5х4 м. схемаларда экиш тавсия қилинади. Кучли ўсувчи мевали дарахтларнинг кўчатларини қуйидаги схемаларда экиш тавсия этилади: олма 8х7 м., 8х6 м., нок 8х8 м., 8х5 м., беҳи 6х4 м., 5х4 м., ўрик ва гилос 8х7 м., 8х6 м., олхўри 6х5 м., 6х4 м., шафтоли 6х4 м., 5х4 м., олча 6х4 м., хурмо 6х6 м., 6х5 м., бодом 6х5 м., 6х4 м., ёнғоқ 8х8 м., 8х7 м., қорағат (смородина) 3х1,5 м., 3х1 м., малина 2,5х1 м., 2,5х0,5 м., ток кўчатлари 3х2,5 м., 3х2 м. Янги кўчат экиладиган майдонларда режа қозиклари ўрнатилгач, унга назорат қозиклари ўрнатилиб, кўчат экиладиган чуқурлар қовланади. Чуқурлар КЯ-100 махсус агрегатида ёки қўлда 60х60х60 см. хажмда қовланади.

Чуқурларни қовлашда аввал тупроқнинг юза 20-25 см. қисми бир томонга, чуқурнинг тагидаги қисми иккинчи

томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г. фосфорли, 30-40 г. калийли ўғитлар ҳамда 8-10 кг. чиринган гўн тупроқ билан аралаштириб солиниб, кейин кўчат экилади.

Янги экиладиган кўчатларни экиш учун кўчатзордан экиш майдонига олиб боришда кўчатларнинг илдиз қисми шамолламаслиги учун уларни похол, брезент ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйилади.

Кўчатларни экишдан олдин майдон олдида катта чуқурда аталасимон лой тайёрланиб, унга 8:1, 10:1 миқдорда молнинг суюқ шатмоғи қўшилади. Шатмоққа кўчатларнинг илдизи бирмабир яхшилаб ботириб олинади. Бунда экилган кўчатларни тезлик билан суғоришнинг имкони бўлмаган жараёнда ижобий таъсири катта бўлади. Кўчатлар экилиб бўлингач, дархол суғориш ариқлари олиниб, кўчатлар суғорилади. Ёш ниҳолларнинг танаси оҳак билан оқланиб чиқилади.

Мевали кўчатларни экишда уларнинг турлари, навлари ҳамда кўчатнинг пайвандтагига эътибор бериш зарур.

Янги боғ барпо қилингач экилган янги кўчатларга шакл бериш, боғ қатор ораларини ҳайдаш, дарахт тағларини чопиш, минерал ўғитлар солиш каби ишлар бажарилади.

Резавор мевали ўсимликларда эрта баҳорда қулупнайзор қатор оралари

ва туп атрофи юмшатилади. Март ойининг бошларида, тупроқ қуриши билан қулупнайзорда ўсимлик тупларининг эски барглари йиғиб олиниб, даладан ташқарига чиқариб, ёқиб юборилади. Сўнгра ўсимлик қатор ораларига ишлов беришдан олдин минерал ўғитлардан 90 кг. азотли ва 50-60 кг. фосфорли ўғит солиниб юмшатилади, туп атрофи қўлда чопиқ қилиниб, қулупнайзор суғорилади. Орадан 20-25 кун ўтгач иккинчи марта ишлов берилади, яъни қатор оралари ўтоқ қилиниб, юмшатилади.

Токзорларда эрта баҳорда таъмирлаш ишлари, яъни темир бетон устунларни тўғрилади, симларни тортиб чиқиш, устунлар тағларини зичлаш ишлари тугалланади.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим ҳудудларда ойнинг охиридан кўмилган ток туплари очилиб, симбағазларга кўтариб боғлаш ишларини амалга ошириш зарур. Токзорларда ток ораларида қуриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун новдаларни пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Токлар симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор ораларига маҳаллий ўғитлардан гўн 10-20 т/га., минерал

ўғитлардан соф холда азотли 60 кг/га., калийли 30 кг/га. ҳисобида солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.



Ток кўчатларини экиш ҳам мевали дарахтларнинг кўчатларини экиш усулида ўтказилади. Бунда экилган кўчатларнинг 4-5 та куртаги қолдирилиб, қолган қисми кесиб ташланади. Кўчатлар сифатли қилиб экилса, улар давомида ўсиб-ривожланиб, кўп йиллар давомида мўл ва сифатли ҳосил беради.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н., илмий ходим,
Хилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф. ф.д. (PhD), илмий ходим,
Жамшид АГЗАМХОДЖАЕВ,
Абдурахмон ПАРДАБОЕВ,
кичик илмий ходимлар,
Академик М.Мирзаев номидаги
БУВаВИТИ.

ЯНГИ НАШРАЛР

РЕЗАВОР МЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Р.М. Абдуллаев, Х.Р. Абдуллаева

РЕЗАВОР МЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАР



Яқинда Тошкентдаги “EFFECT-NASHR” нашриёти томонидан Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Республика Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари Равшан Абдуллаев ва Хилола Абдуллаеваларнинг “Резавор мевали ўсимликлар” номли китоби босмадан чиқди.

Маълумки, республикамизда резавор меваларга эътибор борган сари кучаяётганлиги сабабли уларнинг тур ҳамда навлари кўпаймоқда, ҳосилдорлиги ортиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кенгаймоқда. Резавор мевалар ичида ер тути, қорағат, хўжағат, крижовник ва чаканда кабиларга талаб катта бўлиб, улар аҳоли томонидан севиб истеъмол қилинади. Резавор мевалар хуштаъм, парҳезбоқ, доривор, техно-

логик хусусиятларга эга бўлиб, улар қимматбаҳо озиқа ва қайта ишлаш учун хомашё ҳисобланади. Ўзбекистонда резавор экинлар етиштириш катта истиқболга эга.

Ушбу китобда резавор экинларнинг биологияси, кўчатларини ўтқизиш технологияси, уларга ишлов бериш, ўғитлаш, уларнинг касаллик ва зараркундаларига қарши курашиш, шунингдек, уй шароитида меваларни қайта ишлаш масалалари ёритилган.

Кенг китобхонлар оммаси ва деҳқон хўжаликлари, ҳаваскор боғбонлар, томорқаси бор кишиларга мўлжалланган мазкур қўлланма резаворчилик билан шуғулланувчи махсус фермер хўжалиklarининг ходимлари учун ҳам фойдалидир.

Бахтиёр ЭСОНОВ.

ЧИГИТ ЭКИШ СИФАТИ – ҲОСИЛ БАРАКАСИ

Чигит экиш ва униб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов бериш энг муҳим, энг нозик агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Зеро, бу тадбирлар оби-тобида, сифатли бажарилмаса, майдонларда бир текис кўчат олинмайди, ҳали нимжон ниҳоллар зарарланиб нобуд бўлади.

Ҳозирда агрокластерлар ва фермерлар далаларида 60, 76 ва 90 см кенгликдаги қатор ораларида ҳамда 60+30 см қўшқатор схемада пахта етиштирилмоқда. Бу қатор ораларида СТХ-4, СЧХ-4А, СЧХ-4 механик ва “Кейс-1200”, “Т-РNM-5” DAIICHI, “Agromaster”, “KUNN Planter” пневматик сеялкалар, КРХ-4, КРТ-4 чопик культиваторлари ишлатилади. Чигитни 60+30 см. схемада қўшқаторлаб экишда СЧХ-4Б сеялкаларидан фойдаланилади.

Чигит экишга киришишдан олдин сеяланинг бутлиги, қисм ва деталлари пухта маҳкамланганлиги текширилади, экиш жараёни ва сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган қисмларга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, тукли чигит экиладиган бўлса, экиш аппаратларидаги ғалтаклар тишларининг учлари айланиш йўналишига қараб ўрнатилган ва ейилиб кетмаган, экиш тирқишлари кенглигини созлайдиган тўсиқчалар гайкалар бўшатиладиган эркин суриладиган, ўғитўтказгичлар аппарат билан сошникларга тўғри уланган бўлиши керак. Сошникларнинг сирпанғичлари горизонтал ҳолатда, барқарор туриши лозим.

Сошникларнинг тагига фақат соз ҳолатдаги зичлагичлар маҳкамланади. Чунки зичлагичлар доимо тупроққа ишқаланиб ҳаракатланади. Агарда уларнинг сирти ейилиб кетган бўлса, сошник очиб кетган ариқчанинг туби етарли даражада зичланмайди. Натижада бундай ариқчага тупроқнинг пастки қатламларидан намлик етарлича тортилмайди ва уруғларнинг униб чиқиши қийинлашади. Демак, ейилиб кетган зичлагичларни янгисига дарҳол алмаштириш талаб этилади.

Агар уруғ белгиланган меъёрдан ортиқча сарфланса, экиш аппаратларидаги тирқишни торайтириш, кам бўлса – кенгайтириш зарур.

Чигит уялаб экилганда уялар ора-

сидаги масофани ўзгартириш учун уяловчи аппаратдаги парракли дискни парраклари сони кўпроқ ёки камроқ бўлган бошқа дискка алмаштириш ёки аппаратларни ҳаракатга келтирувчи валдаги 12, 16, 18 ва 25 тишли юлдузчалар блокдан фойдаланиб, уяловчи аппаратнинг айланишлар сонини ўзгартириш даркор.

Чигитни тупроққа кўмилиш чуқурлиги сошникнинг сирпанғичини кўтариб-тушириш йўли билан тупроқ шароитига қараб 3-8 см атрофида соланади. Ер оби-тобида бўлса, чигитни 4-5 см чуқурликка кўмиб кетадиган қилиб созлаш мақсадга мувофиқ.



Сеялка сошниги ҳамда тупроқни зичловчи-шиббаловчи ғилдиракларнинг тупроққа кўрсатадиган босими секциялардаги тарангловчи пружиналар ёрдамида соланади. Бу босим 25-30 кг ни ташил этиши керак. Пружинанинг иш ҳолатидаги узунлиги қисқартирилса босим ортади, узайтирилса – камайди.

Экиш агрегатлари далага олиб чиқилгандан кейин ҳар бир пайкалда сеяланинг биринчи юриши байроқчалар ёрдамида белгилаб олинади. Кейинги юришлар эса маркерлар қолдирган излар бўйлаб амалга оширилади. Уруғлик чигитнинг тўлиқ тушиши ва кўмилиш чуқурлиги сеялкачи ёки фермер томонидан кузатиб борилади.

Туксизлантилган чигит экиш учун ғалтакли экиш аппаратлари ўрнига сошник устига ўрнатилдиган

горизонтал дискли СЧХ-31 экиш аппаратлари қўлланилади. Сеялани созлаш ишлари юқорида кўрсатиб ўтилганидек амалга оширилади. Экиш меъёрини созлаш учун аппаратга тегишли сондаги ячейкали экиш диски ўрнатилади.

Модулли СМХ-4 сеялкасида туксиз чигитларни аниқ экишга ўтиш учун экиш аппарати тубидаги аралаштиргич ўрнига уяли диск ўрнатилади. Экиш меъёри тегишли сондаги уяларга эга диск ўрнатиш йўли билан ўзгартирилади. Модулли сеяланинг пневматик варианты – СМХ-4-01 сеялкаси туксизлантилган чигитни доналаб аниқ меъёрларда экишга мўлжалланган.

“Кейс-1200” русумли 8 қаторли пневматик сеялкалар туксизлантилган чигитни доналаб ҳар бир метрга 15-17 донадан экиш имкониятига эга бўлиб, қўш дискли сошниклар ёрдамида ариқча очади, унинг ёнига минерал ўғит солади, сферик дисклар уруғларни керакли чуқурликка кўмади, катоклар уруғ устидаги тупроқни зичлаб кетади.

Уруғлар оралиғи рамага ўрнатилган кутидаги юлдузчаларнинг айланма тезлиги ҳамда экувчи дискдаги тешиклар сонини ўзгартириш билан соланади.

“Кейс-1200” сеялкасини экиш секциялари модулли бўлгани учун экиш қаторлари орасини кенглигини 30 дан 102 сантиметргача ўзгартириш имконияти бор.

Юқоридаги талабларнинг бажарилиши ҳар бир далада агроном ва фермер томонидан назорат қилиб борилади. Талаблар бажарилмай, меъёрдан четга чиқишлар кузатилса, сеялани қайтадан созлаш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, чигит экиш ва ғўза қатор ораларида ишлов бериш агрегатлари малакали механизаторлар қўшма топширилса, уларни созлаш ва ишлатишда юқоридаги тавсияларга амал қилинса, чигитни сифатли экиш, текис кўчат олиш ва ниҳолларни тўпалигича сақлаб қолиш таъминланади.

**М.ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,
А.ҚОРАХОНОВ, т.ф.н.,
(ҚҲМИТИ).**

Мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаган қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларнинг кириб келиши – ушбу соҳадан кўпроқ иқтисодий фойда олинишига, озиқ-овқат хавфсизлигининг таъминланишига, халқ фаровонлигининг ошишига олиб келмоқда.

Қамаши туманида ҳам деҳқончиликда томчилатиб суғориш усулини кенг жорий қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Қарши-Шаҳрисабз” автомобиль йўли орқали автомобилда Қамаши тумани марказидан Қарши шаҳри томонга юрсангиз, Тўқбой чорраҳасига етмасдан йўлнинг ўнг томонида пахта даласига ўрнатилган қизил рангли ускуналарга кўзингиз тушади. Бу Қамаши туманида фаолият юритаётган “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалигининг томчилатиб суғориш ускуналаридир. Фермер хўжалигига жами 127,6 гектар, шундан 105,7 гектар суғориладиган ер майдони пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида ижарага берилган.

Ушбу ер майдони сув бориши қийин, яъни қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш бўйича охириг кулоқ бўлганлиги, балл-бонитети паст даражада, яъни 54 балл-бонитетга тенглиги ва бошқа сабабларга кўра кўп йиллар деҳқончилик қилинмаган ва туман ҳокимлигининг заҳира ер фондида турган.

Фермер хўжалиги Одил Каримовнинг оилавий фермер хўжалиги ҳисобланади. Одил Каримов Қамаши тумани сув хўжалиги бўлими бошлиғи вазифасида ишлайди. Туманда қишлоқ хўжалиги сув таъминоти бўйича масъул шахс бўлишига қарамасдан, у айнан сув таъминоти қийин бўлган ер майдонида фермер хўжалигини ташкил қилган. Халқимиз томонидан “Кулол мўндида сув ичар” деган ибора бежизга айтилмаган экан.

“Эрназарова Дилдора” фермер хўжалиги билан 2019 йил пахта ҳосили учун кластер усулида фаолият юритаётган “ОҚ САРОЙ ТЕКСТИЛ” масъулияти чекланган жамияти ўртасида жами 50 гектар ер майдони пахта экиш, ундан гектарига 20 центнердан ҳосил олиб 100 тонна пахта ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича шартнома тузилган. Шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан 2019 йилнинг 18 март куни 20 гектар ер майдонига томчилатиб суғоришнинг

Мўндида сув ичган кулол

ёхуд томчилатиб суғоришнинг афзалликлари ҳақида

Исроил технологияси асосида, 30 гектар ер майдони эса аъъанавий усулда чигит экилган. Икки хил усулда экилган 50 гектар ер майдонининг ҳаммасига чигитнинг “Бухоро - 102” нави қадалган.

Исроил технологияси асосида томчилатиб суғоришнинг афзаллик жиҳати шундаки, у ғўзани бегона ўт босишдан асрайди, сув ҳуда-беҳудага сарфланмайди, минерал ва маҳаллий ўғит ҳамда сув ҳар бир ниҳолнинг энг остки томиригача етиб боради, ғўзанинг биологик пишиши муддати қисқаради.

Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишни самарали ташкил қилиш ва уни рағбатлантириш

кг кондицион(ҳисоб-китобга олинадиган оғирлик) оғирликда пахта сотилди. Шундан томчилатиб суғориш усулида экилган пахта майдонидан 54581 кг, ёки гектарига ўртача 27,3 центнердан, аъъанавий усулда экилган пахта майдонидан 28604 кг, ёки гектарига ўртача 9,5 центнердан ҳосил олинди. Томчилатиб суғориш усулида экилган пахтанинг 31005 кг 1 навга, 20534 кг эса 2 навга, жами 51539 кг пахта юқори навларга “ОҚ САРОЙ ТЕКСТИЛ” масъулияти чекланган жамиятига сотилди. Бу кўрсаткич янги усулда етиштирилган 54581 кг пахтанинг 94,4 фоизини ташкил қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики томчилатиб суғориш технологияси асосида экилган ҳар бир гектар ер майдонидан аъъанавий усулда экилган пахта майдони нисбатан 17,8 центнерга, ёки шартномавий режага нисбатан эса 7,3 центнерга кўп ҳосил олинган.

Ер майдони бир жойда, бир хил балл-бонитетлик, битта ариқдан сув ичиши, бир хил чигит қадалганлиги, об-ҳавонинг таъсири ва бошқа шароитлари ҳам бир хил бўлган ерда фақат суғориш усули икки хил бўлган ер майдонидан бир-бирдан кескин фарқ қиладиган ҳосилдорликни кўриш мумкин.

2019 йил учун молия йили якунланди. Фермер хўжалигининг ҳисобот йилида пахта сотишдан олинган умумий даромади 367925,7 минг сўмни ташкил қилади.

Аъъанавий усулда экилган 20 гектар пахтанинг молиявий кўрсаткичлари:

пахтани сотишдан олинган даромад – 83756,7 минг сўм;

Сотилган пахтанинг таннархи – 114299, 1 минг сўм;

маҳсулот сотишдан зарар – 30542,4 минг сўм.

Томчилатиб суғориш усулида экилган 20 гектар пахтанинг молиявий кўрсаткичлари:

пахтани сотишдан олинган даромад – 242290,6 минг сўм;



мақсадида кўплаб қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларга асосан бу соҳага бир қатор имтиёзлар берилган.

Бу имтиёзлардан фойдаланган “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалиги томчилатиб суғориш ускуналарини сотиб олиш учун АТБ “Агробанк” Қамаши филиалидан 3 йил муддатга 400 млн сўм имтиёзли кредит олди ва ушбу кредит маблағига Тошкент шаҳридаги “OMAD START” МЧЖ билан 2019 йилнинг март ойида тузилган шартномага асосан томчилатиб суғориш ускуналарини сотиб олиб, пахта даласига ўрнатди.

Ўтган йили пахта ҳосилидан “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалиги томонидан “ОҚ САРОЙ ТЕКСТИЛ” масъулияти чекланган жамиятига жами 83185



сотилган пахтанинг таннархи – 142920,3 минг сўм;

маҳсулот сотишдан фойда – 99370,3 минг сўм.

Ҳар бир иқтисодий ислохотлар замирида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан олинадиган даромадларни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва бунинг натижасида кўпроқ фойда олиш ётади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалигида анъанавий усулда экилган пахтага нисбатан томчилатиб суғориш усулида экилган пахтага сув сарфи 2 баробарга тежалган, ҳосилдорлик гектарига 17,8 центнерга ошган, ғўзанинг биологик пишиш муддати 10–15 кунга тезлашган. Ёнилғи-мойлаш материаллари 50,6 фоизга, минерал ўғитлар ва

ўсимликларни ҳимоя қилиш 21,8 фоизга, механизация хизматлари 32,9 фоизга камайган.

Янги усулда пахтани сотишдан олинган даромад 2,9 баробарга ошган, пахта ишлаб-чиқариш таннархи эса 2,3 баробарга камайган. Анъанавий усулда экилган пахтадан кам даромад олинганлиги ва пахта ишлаб-чиқариш таннархининг ошиб кетганлиги ҳисобидан 30542,4 минг сўм зарар кўрилган, томчилатиб суғориш усулида экилган пахтадан эса даромаднинг юқори олинishi ва таннархнинг пасайishi ҳисобига 99370,3 минг сўм фойда олишга эришилган.

2019 йил туманимизда пахта етиштириш бўйича сув тақчиллиги сезилмади, чунки об-ҳаво серёгин келди. Бундан кўринадики, пахтадан юқори ҳосил олиш фақат сувга эмас, балки

илғор инновацион технологияларни қўллашга боғлиқ экан.

Ўтган йилда “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалигида янги технология асосида юқори ҳосил кўтарилган. Агар чигит экиш ҳам илғор технологиялар асосида экилганда ва пахта терими пахта териш машиналари ёрдамида териб олинганда хўжаликнинг фойдаси янада ортган бўлар эди

Албатта бир йил тарих олдида ниҳоятда кичик фурсат лекин “Эрназарова Дилдора” фермер хўжалиги учун ўтган йил янги технологияларни жорий қилганлиги, ютуқлар ва самараларга бойлиги билан тарихда қолди. Мамлакатимизда мана шундай ислохотчи тадбиркорларнинг кўпайishi бу ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН деганидир.

Шухрат РУСТАМОВ,
ИҚТИСОДЧИ.

ТАРМОҚЛАР ҲАЁТИ

СУВЧИЛАРНИНГ КўНГЛИДА КўКЛАМ

Дилларимизни завқлантириб, қалбларимизга қувонч ҳадя айлаб ўлкамизга баҳор кириб келди. Ариқларни тўлдирган зилол сувлар кўзни камаштиради. Галлалар кўкклигидан қалби сурурга тўлган дехқону-сувчилар қўлларида кетмони билан сувнинг жилвасига маҳлиё бўлиб, унинг майдонларга таралишини кузатадилар. Борлиқ уйғонганга, дунё яшарганга ўхшайди. Ердан кўтарилаётган тафт сокин ва ифорли.

Ана шундай сурурли кунларда Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари хавза бошқармасига қарашли Янгиариқ туман ирригация бўлимида бўлди. 2017 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бу жамоада 25 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Анча йиллардан буён сув хўжалиги соҳасида ишлаб келган тажрибали ирригация ходими Қаландар Давлатов раҳбарлигидаги меҳнат аҳли бу баҳорни кўтаринки кайфиятда кутиб олмақда.

– Туманда 17 738 гектар умумий экин майдонлари бўлиб, фермер хўжаликлари ихтиёрида 12 878 гектар суғориладиган ерлар мавжуд, – дейди Қ. Давлатов. – Белгиланган вазирамизни амалда удалай олсанг, 2020 йилда яхши натижаларга эришамиз. Сувчилар дехқонларнинг мадақкори ҳисобланади.

Янгиариқ тумани ерлари сувни асосан Ташсоқа тизими орқали R-8 канали-

дан олади. Шундан кейин иккита ички “Остона” ва “Кўриқтом” каналларига бўлинади. Жами 148,5 км. узунликдаги бу каналлардан тортилган 21 та тармоқ орқали туман аҳолиси ва далалари сув билан таъминланади.

Баҳор келиши билан ободонлаштириш ишлари ҳар доимгидан ҳам жонланганлиги сабабли тумандаги барча маъмурий бино ва иншоотлар атрофлари кўкаламзорлаштирилиб, сув йўлларидаги муаммо ва камчиликлар бартараф қилинмоқда.



Ирригация бўлими ҳисобидаги 5 та гидроучастка бинолари таъмирланиб, оқлаб, мавжуд сув иншоотлари мавсумга шай қилиб қўйилган. Шунингдек, “Кўриқтом” ва “Эгизак” каналларидаги биттадан, “Пўрсанг” каналидаги тўртта, “Остона” ва “Баят” каналларидаги 2 тадан гидротехник иншоот тўла таъмирланди. 2,1 км узунликдаги бош сув олиш тармоғи тўла бетонлаштирилди. 9 та кузатув

қудуқлари, “Чақир” мелиоратив объекти таъмирланди ва тикланди.

Ирригаторлар ихтиёрида 3 та техника мавжуд бўлиб, ZV-621-ELD, ZV-230-ELD, XWH-230 русумдаги эксковаторлар каналларни лойқадан тозалаш ва қазув ишларига жалб қилинган. Сувчиларнинг ёрдамчи хўжаликларида, иссиқхоналарда маҳсулот етиштирилаётганлигидан мамнун бўлди. Демак, сувчиларга имконият ва эътибор бор.

Узунлиги 7 км. дан иборат “Баят” каналида ишлаётган тажрибали экскаваторчи Мансур Собировнинг иш жараёнини кузатдик. Оғир лой қатламларини кўтариб олиб ташлаётган экскаваторнинг қатта чўмичи тез-тез айланади. У ўз ҳамкасблари Мурод Хайитбаев, Хаким Эшметов, Мансур Собировлар қатори кунлик режаларини 120-130 фоизга удалаб, сувчилар ишини енгиллатмоқда.

Янгиариқлик сувчи ва миробларнинг баҳори қутлуғ келсин! Сувчиларни Наврўзи олам билан қутлар эканмиз, эл дастурхонини тўкин ва турфа озик-овқат билан таъминлашда барча дехқонлар қатори уларнинг ҳам ўзига яраша ўрни борлигини эътироф қиламиз. Янги йилнинг янги баҳори хонадонларингизни мўл-кўлликка ва гулларга буркасин, азиз элдошлар!

Суратда: тажрибали экскаваторчи Мансур Собиров иш пайтида.

Ўз мухбиримиз.

Жойларга бу йил сув танқислиги кузатиладими?

Сув ҳаётимизда биз учун энг зарур бўлган неъматдир. Маълумотларга қўра, мамлакатимизда қарийб 90 фоиз сув қишлоқ хўжалиги учун сарфланади. Бундан кўринадики, юртимизда сувдан унумли фойдаланиш ва қўшимча сув захираларини яратиш сув танқислигининг олдини олишда муҳим ўрин тутаети. Бу борада гидротехник объектлар, жумладан, сув омборлари ва сел сув омборларининг ишончли, хавфсиз ва самарали ишлаши зарур аҳамиятга эга.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юқори кўрсаткичга эга бўлган, Қашқадарё вилоятида ҳам сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг намунавий тузилмаси тасдиқланган эди. Шу аснода бугунги кунда бошқарма тасарруфида Дехқонобод, Лангар, Қизилсув, Қорабоғ, Шуробсой, Қалқамасел сув омборлари ва Пачкамар, Қамаш, Чимқўрғон, Янгиқўрғон, Нўғайли каби сув омборлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шулардан Қамаш сув омбори ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур иншоот вилоятнинг Қамаш ва унга туташ бошқа туманларининг 3 минг 167 гектар экин майдонларини суғоришга мўлжалланган, 25 млн метр³ сув захиралари сақлаш имконига эга. Қамаш сув омбори 1987 йилда қуриб фойдаланишга топширилган, сув омбори тури тўлдирилди диган бўлиб, сув олиш манбаси Саңдал канали ва тўғон узунлиги 3 минг 100 метр, баландлиги 15 метр ва сув ўтказиш қобилияти секундига 29 метр³га тенг.

Қамаш сув омборининг ишончли ишлаши таъминлаш мақсадида 2019 йилда 37 млн 108 минг сўмлик жорий таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Шундан, сув келтирувчи каналнинг 1,5 км. қисмини, сув чиқарувчи каналнинг 0,348 км қисмини механизм билан тозалаш, каналнинг 0,2 км қисмида бетонлаш, сув омбор тўғонининг ПК2+90 ва ПК3+00 ораллиқларида бетон зут (тиш) қисмини таъмирлаш, сув чиқариш иншооти 1 дона затвор (дарвоза)сини жорий таъмирлаш, тўғон бўйлаб 3,1 км. қисмида ёритиш тизимини жорий таъмирлаш ва тўғондаги диспетчерлик биноси ҳамда 1 дона назорат пости биносида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, ўтган 2019 йил суғориш мавсумига сув омборида 6 млн 938 минг метр, куб қолдиқ сув ҳажми бўлиб, йил давомида яна 33 млн 099 минг метр, куб сув захираси тўпланиб, шундан қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун 26 млн 161 минг метр³ сув етказиб берилди.

Ўтган йилнинг шу даврида сув омбор ҳавзасидаги сув миқдори 13,967 млн метр, куб бўлган бўлса, 2020 йилнинг ҳозирги даврида 20 млн 395 минг метр, куб сув ҳажми тўпланган, — дейди сув омборлари бошқармаси бошлиғи Халим Пармонов.

Албатта, бу кўрсаткич жорий йилда ҳудудда сув танқислигини ҳолатининг олдини олишда муаммолар йўқлигини аниқлаш барибаради, ўз ўрнида соҳа ходимлари олдида ортиқча хотиржамликка берилмаган ҳолда қўшимча вазибаларни қўяди.

Шу мақсадда 2020 йилда, 41 млн 498 минг сўмлик сув омбор иншоотларида жорий таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилиши режалаштирилмоқда.

Ҳудуддаги сув омборларидан яна бири Чимқўрғон сув омбори бўлиб, унинг сув сиғдириш ҳажми 500 млн. метр, кубни ташкил этади. 1963 йилдан буён фойдаланишда бўлган мазкур гидроиншоот орқали Қамаш, Гузор, Қарши ва Косон туманларидаги 38 минг гектар қишлоқ хўжалик экинлари, шу қаторда минглаб аҳоли хонадонлари суғорилишида фойдаланиб келинмоқда.

— Чимқўрғон сув омборимиз тури бўйича ўзани бўлиб, лойиҳавий сув йиғиш қобилияти 500 млн метр, куб, фойдали ҳажми эса 450 млн метр, кубни ташкил этади. Сув омбори тўлганда 4 минг 920 минг гектар ер майдонини эгаллайди, ўртача сувнинг чуқурлиги 15 метр, сув олиш манбаси Қашқадарё дарёси, тўғон узунлиги 10 минг 500 метр, баландлиги 33 метрдан иборат. Ҳозирда тўғонда ўрнатилган пьезометрлар сони 128 та, сув чиқариш иншооти затворлар сони 9 дона, сув ўтказиш қобилияти секундига 350 метр³, гидрострлар сони 3 дона ва назорат йўллари 5,5 км, фавқулодда сув ташлама иншооти сув чиқариш иншооти билан биргаликда жойлашган. Сув омборида 2013-2016 йилларда 5 млрд. 300 млн. сўмлик кенг қамровли реконструкция ишлари олиб борилган бўлиб, ўтган 2019 йилда ҳам сув омборининг ишончли ишлаши таъминлаш мақсадида 152 млн 320 минг сўмлик жорий таъмирлаш ва 56 млн 195 минг сўмлик капитал таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Шунингдек, жорий 2020 йилда ҳам бу ишларни давом эттирган ҳолда, 263 млн 400 минг сўмлик таъмирлаш тиклаш ишлари олиб бориши режалаштирилмоқда, — дейди Чимқўрғон сув омбори бошлиғи Зайниддин Исмоилов.

Албатта, бу каби чора-тадбирлар натижасида бир неча йиллар давомида фойдаланишда бўлган сув омборларининг фойдали сиғимлари, лойиҳа-чўкиндилар эвазига кескин равишда қисқариб боришининг олди олиниб, бу ўз баробарида ҳудудда сув танқислиги муаммоси пайдо бўлишининг олдини олади.

Шу каби ишлар баробарида яқинда соҳага фаол инновациялар жорий этиш мақсадида сув омбори ҳавзасига, сув сатҳини кузатувчи “ақлли сув” тизими ўрнатилди. Бу орқали эса, сув омбордаги сув ҳажми ҳисобининг кунлик маълумотларини онлайн кузатиш, шу аснода сув тақсимотини аниқ бошқариш имкони яратилди. Албатта, бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида, ҳудудларда сув танқислигининг олди олиниб, таъминот янада яхшиланади ва фермер хўжаликларининг ҳамда аҳоли томорқасининг қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлиги ошишига ҳизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

“ЖУН” КАНАЛИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Мамлакатимизда 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб номланиши илғор тажрибаларни ўрганиш ва иш услубини янгилаш, янги ташаббускорлик билан ҳаракат қилиш кераклигини аңлатади.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деди:

“2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш тизимини автоматлаштириш зарур”.

Чирчиқ Оҳангарон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида эндигина иш бошлаган Ахборот тахлилий ишлар бўйича бошқарма бошлигининг ўринбосари Ирода Нортोजиеванинг айтишича, Жанубий Кореядан каналлардаги сув таксимотини ўлчашга мўлжалланган 5 та ақли технология олиб келинган. Ушбу ақли технологиялар билан танишиш мақсадида Ирода ҳамроҳлигида ИТХБга қарашли Бўзсув Ирригация тизими бошқармаси Жун канали бош иншоотига йўл олди.

Маълумки, Бўзсув ИТХБга қарашли 5 та – “Жун”, “Қалқауз”, “Дамаш”, Юқори Тошкент ва Шимолий Тошкент каналлари бор. Ушбу каналлар орқали Тошкент вилоятининг Тошкент, Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларига сув етказиб берилади.

“Жун” (айрим манбаларда “Жунарик” деб ҳам номланади) канали 1932 йилда қурилиб ишга туширилган. Ҳозир бу ерда 47 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. 4 нафар навбатчи каналнинг бош иншоотида иш олиб боради. Яна 4 нафар ходим каналнинг “Иза” бўлимида иш билан банд. Улар кечаю-кундуз сув таксимоти ўзгаришини кузатиб борадилар. Бу каналнинг асосий сув олиш манбаи Бўзсув канали бўлиб, 38 км. умумий узунликка эга. Канал бош иншоотининг сув ўтказиш юқори қобиляти секундига 35 метр³ ни, ўртача қобиляти эса секундига 30 куб метрни ташкил қилади. “Жун” да жами 325 та гидроиншоот бор.

– Яқинда бош иншоотимизга Жанубий Корея технологияси асосида ишлаб чиқарилган ақли сув ўлчаш ускунаси олиб келиб ўрнатилди, – дейди канал бошлиғи Нуриддин Туранов.



Суратда: – Ақли технология билан ишимиз яна енгиллашади, – дейди навбатчи Аскар Пармонкулов;



Суратда: – Бу ерларга бетон қопламалар ўрнатилди, – дейди Бўзсув ИТХБ “Жун” канали бошлиғи Нуриддин Туранов.

Биз канал бўйлаб бир оз юргач, кичик ҳажмли қурилмага дуч келдик. Қурилма ёнида турган навбатчи Аскар Пармонкулов билан суҳбатда бўлдик. Унинг айтишича, бу ақли сув ўлчагичларда қандай ишлашни ўргатиш учун яқинда корейлик ҳамкасблари келаётган экан.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 1 ва 3 июнь кунлари Тошкент вилоятига сафари давомида берилган топшириқлари ва вилоятда ўтган кенгайтирилган йиғилиш баёнида Янгийўл шаҳри ҳудудидан ўтган “Жун” каналининг 7,2 км қисмини реконструкция қилиш белгиланган. Ушбу объект бўйича “Сувлойиха” лойиҳачи, “Тошкентсувқурилишинвест” буюртмачи, “Янгийўлсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси бош пудратчи ҳисобланади.

Айни пайтда каналнинг 6 км узунлигида қазув ва бетон қоплама ўрнатиш ишлари олиб борилаётган бўлиб, “Янгийўлмаҳсуспудрат” МЧЖ томонидан шу бугунгача 3 км масофадаги ишлар якунига етказилган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 13 637 880 144 сўмни ташкил этади. Ҳозиргача 4 640 000 000 сўмлик иш бажарилди. Бу ишларга 29 та экскаватор, 5 та бульдозер, 20 та автомашина ва 250 нафар ишчи жалб қилинган.

Соҳа ишини ривожлантиришни кўзлаётган сувчилар ирригация тармоқларининг барча бўғинларида белгиланган режаларни ортиғи билан удалаш орзусида меҳнат қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, соҳада ёшларнинг маънавиятига, илм олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сувчи ёшларнинг давр билан ҳамнафас қадам ташлашлари учун Чирчиқ Оҳангарон ИТХБ тасарруфидаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасида бошқарманинг ривожлантириш маблағлари ҳисобидан шу йилнинг 3 февралидан бошлаб ишчи-ходимларнинг инглиз тилидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курси ташкил қилинган. Бу билан сув хўжалигидаги ёш кадрларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг билим даражаларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Демак, улар ўз касбининг маъсулиятини тўғри тушунган ҳолда, давлатлараро тилни ҳам ўзлаштирадилар.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз муҳбиримиз.

МАЛИКЧЎЛДА СУВ МУАММОСИ БЎЛМАЙДИ

Навоий вилояти республика мизнинг сув таъминоти оғир ҳудудларидан бири. Экин майдонларининг катта қисми Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро машина каналининг энг қуйи тармоқлари орқали сув билан таъминланади.

Вилоятда ўтган йили жами 975 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Бундан ташқари чўл ҳудудларидаги 40 гектар полиз экинлари экилган майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси ҳам синовдан ўтказилди.



Ўтган йили чигит қадалган 251 гектарда майдонда томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатган фермерлар пахтадан юқори ҳосил олди. Буни кўрган ва Президентимиз томонидан субсидиялар ажратилишидан руҳланган навоийлик фермерлар пахта етиштириладиган 2628 гектар майдонда

томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича пудрат шартномаларини йил бошидаёқ расмийлаштирди.

Қуйи Зарафшон ҳавза бошқармасининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”га асосан 2020 йилда Навоий вилоятида 7214 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Жумладан, 2628 гектар пахта майдони, 1100 гектар узумзор, 1144 гектар боғ, 2342 гектар маккажўхори даласида замонавий технологиялар ўрнатилади. Кармана туманида, Маликчўл ҳудудининг коқ ўртасида жойлашган “Нурли жалойир” фермер хўжалиги вегетация даврида сувдан қийналади. Очиғи, ҳудудда сув етишмаслиги туфайли қанча экин майдонлари фойдаланишдан чикариб юборилган.



Ҳозирда ушбу фермер хўжалигида томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаёпти. Шу мақсадда 4 минг кубметр ҳажмли сув тиндиргич ховуз барпо этиш, 12 минг метрдан ортиқ ерости магистрал қувурлари тортиш учун тупроқ қазил ишлари бажарилмоқда. Яқин ойлар кичида фермер хўжалигида илғор, замонавий технология ўрнатилиши ҳисобига 300 гектар майдон фойдаланишга киритилади.

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Матбуот хизмати.

НУКУСДАГИ “АНАСАЙ” КАНАЛИ 33 ЙИЛДАН СЎНГ ҚАЙТА ҚАЗИЛМОҚДА

Айни кунларда Нукус шаҳрини кесиб ўтувчи иккита йирик каналнинг бири – “Анасай” магистрал каналининг (халқ тилида “Қаттағар” деб ҳам аталади) ҳар соҳилида ўнлаб замонавий техникалар ишляпти. Ўтган йили бошланган қазил ишлари ҳозир Нукус шаҳри марказини кесиб ўтувчи қисмида давом этмоқда. Ушбу канал 1986 йили қазилиб, фойдаланишга топширилган ва шу пайтгача қайта қазилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли “Қаттағар-Бозатау” ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфидаги “Анасай” магистрал каналининг узунлиги 13,5 километрни ташкил қилади. Лойиха бўйича секундига 342 куб метргача сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган. Аммо йиллар давомида лойка сув оқиб туриши ва қазиб тозаланмаганлиги оқибатида ўзани бир неча баробар кичрайган, ўргача сув ўтказиш қобилияти секундига 100 куб метргача пасайган.

2019 йилда “Анасай” магистрал каналда босқичма-босқич реконструкция ишлари бошланди ва 4 миллиард 207 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Ҳозирги кунда “Бунёдкор мерос” масъулияти чекланган жамияти томонидан қазил иш ва реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда. Шу мақсадда 2020 йил

учун 3 миллиард 900 миллион сўм маблағ ажратилган, 37 та замонавий техника жалб қилинган. Мазкур техникаларни бошқараётган 60 нафар механизаторларга объект қошида штаб ташкил қилинган, уларнинг самарали ишлаши учун етарлича шароитлар яратилган.



“Анасай” магистрал канали орқали Нукус шаҳри, Нукус ва Бўзатов туманларидаги жами 51 минг 498 гектар суғориладиган экин

майдонларга сув етказиб берилди. Ушбу ҳудудларда бу йилги мавсумда 1165 гектар майдонга пахта, 5 минг 800 гектар ғалла, 4 минг гектар сабзавот-полиз ва 39 минг 628 гектар майдонда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш мўлжалланган.

– “Анасай” магистрал каналини тозалаш ишлари якунлангач сувдан фойдаланиш коэффициенти 30 фоиздан 85 фоизгача ошади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Адилбек Реимбаев. – Аҳолининг томорқа майдонлари, фермер хўжалиklarининг экин майдонлари, умуман олганда барча истеъмолчиларга сув етказиб бериш сифати яхшиланади. Сув таъминоти яхшилангач, ҳосилдорлик ҳам гектарига ўргача 3–4 центнерга ошади.

**Ғ. ОТАЖОНОВ,
М.ҲАБИБУЛЛАЕВ,
(ЎЗА) олган сурат.**

ЭЛ ИЧРА АЗИЗЛАРДАН

Сув – олий неъмат. Уни эъзозлаш, ардоқлаш ва ундан оқилона фойдаланиш шу ўлкада умргузаронлик қилаётган хар бир фуқаронинг бурчи. Зеро, сув аталмиш бу неъматнинг ҳам ўлчови бор. Шунинг учун ҳам халқимиз сув келтирган инсонларни ардоқлаб, уларни эъзозли касб эгалари сифатида ҳурмат қилишади. Кейинги йиллар давомида сувдан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилиши натижасида ёзнинг

чилласида экин майдонларига сувнинг етарли миқдорда етиб келмаслиги кузатилаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳолат айниқса, Фарғона водийсининг чўл ва дашт ҳудудларида жойлашган экин майдонларида яққол кўзга ташланмоқда. Биз ушбу ҳолат бўйича Фарғона вилояти «Фарғона сув қурилиш инвест» ДУК раҳбари Хандамир Мирзакаримович Деҳқонов билан суҳбатда бўлдик.

— **Хандамир ака, Фарғона вилояти аҳли сизни таниқли ирригатор ва мелиоратор сифатида яхши танийди. Вилоятда экин майдонларига сувнинг ўз вақтида йўқотишларсиз етиб бориши учун қандай чора-тадбирларни қўлламоқдасизлар?**

— Қарийб қирқ йилдан буён ушбу соҳада фаолият олиб боряпман. Собиқ Совет тузуми даврида мунтазам тизимнинг йўқлиги сабабли сувдан фойдаланишда ўзбошимчалик ҳолатлари кўп бора тақорланарди. Кимёвий ўғитлардан аёвсиз фойдаланиш натижасида экин майдонларида шўрланиш даражаси ҳам анчагина юқорилаб қолган эди. Ирригация ва мелиорация соҳасидаги техникаларнинг ҳам иш унумдорлиги паст бўлиб, кўп ёқилғи сарфлаши кузатиларди. Натижада, вилоятимиз экин майдонларига кафолатли сувнинг ўз вақтида етиб келиши кечикиб, экинларнинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этар эди.

Кейинги йиллар давомида техник базамиз янгилашиб, замонавий техникалар билан жиҳозланишига муваффақ бўлдик.

Албатта, 2019 йил вилоятимиз фермер ва деҳқон хўжаликлари учун қувонарли йил бўлди. Жумладан, ушбу эришилган ютуқларда бизнинг корхонамизнинг ҳам ҳиссаси бор. Сабаби, ирригация объектларида қурилиш-монтаж ишлари учун 23 та лойиҳада 116 958,6 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар доирасида 1,6 км янги канал қуриш, 33,0 км каналларни реконструкция қилиш, 1,5 км лотокларни реконструкция қилиш, 4,3 км қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари, 1 дона гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш, 33 метр узунликдаги темир қувурларни тортиш ишлари режалаштирилган эди. ушбу белгиланган ишлар ўз вақтида 104% бажарилди. Демак, 55 613 гектар экин майдонлари ўз вақтида етарли миқдордаги сув билан таъминланишига эришиш имкони туғилди.

— **Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мелиоратив**

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг қайдаражада маҳорат билан амалга оширилишига ҳам боғлиқ.

— Йиллар давомида экин майдонларида шўрланиш даражасининг ошиб бориши кишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосилдорликка эришишга салбий таъсир этувчи омиллардан саналади. Бу борада вилоятимизда фаолият олиб бораётган Яйпан, Данғара, Ёзёвон, Фарғона, Боғдод махсуссувпудрат МЧЖ лар, ҳамда Фарғона «Сувқурилиш» х/к, Фарғона Сувмахсустваъмир МЧЖ корхоналари билан биргаликда 15 та лойиҳада 26 681,8 млн. сўмлик ажратилган маблағлар эвазига 53,9 км коллектор тармоқлари, 20,8 км ёпиқётиқ дренаж (ЗГД) тармоқларини, 12 дона тик зах қочириш қудуқлари ва 104 дона гидротехник иншоотларини таъмирлаш ишларини амалга ошириб 31 декабрь ҳолатига 26,607,1 сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу амалга оширилган тадбирлар натижасида 24,040 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди.

— **Жорий 2020 йилда корхона ишчи-ҳодимлари томонидан амалга оширилаётган режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— 2020 йил учун ҳам ўз олдимизга жуда катта режа ва мақсадларни қўйганмиз. Жорий 2020 йил «Фарғонасувқурилиш-инвест» ДУК буюртмачилиги доирасида 159,2 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж, таъмирлаш тиклаш ва реконструкция қилиш тадбирлари бажарилишини амалга оширмоқчимиз.

Ирригация объектлари бўйича 13 та лойиҳада 110,9 млрд. сўмлик қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар доирасида: 15,2 км узунликдаги каналларни реконструкция қилиш, 8,1 км узунликда қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари, 2 дона (1,25 м³/с ва 1,0 м³/с) насос станциялари қуриш, 10,7 км узунликда трубопровод тортиш ишлари, 7,5 км узунликда лоток

тармоқларини реконструкция қилиш ишларини режалаштирганмиз. Ушбу олдимизга қўйган мақсадимизга эришсак, вилоятимиз экин майдонларидан 63,6 минг га экин майдонига кафолатли сувнинг етиб боришига эришган бўламиз.

Бундан ташқари, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ишлари бўйича ҳам 7 дона лойиҳада 8,4 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шу маблағлар доирасида: 15,2 км узунликда коллектор тармоқларини реконструкция қилиш, 1 дона мелиоратив насос станцияси қуриш, 3,5 км узунликда ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш ишлари режалаштирилган. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши натижасида 1,6 минг га экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича эса йилдан-йилга ўтувчи 19 та лойиҳада 21,5 млрд. сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари мавжуд бўлиб, ушбу маблағлар доирасида 848,8 км коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади. Ушбу объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг бажарилиши натижасида яна 21,7 минг га ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

— **Маълумки, республикамизда фаолият юритиб келаётган корхоналар «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» Давлат дастурига асосан ўз хизматлари билан халқимизнинг олқишига сазовор бўлишмоқда.**

— Бизнинг корхоналаримиз ҳам ушбу савобли тадбирлардан четда тургани йўқ. Ушбу дастурларга асосан 12 дона мелиоратив объектларда 59,4 км коллектор тармоқлари учун 970,3 млн. сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб борган бўлса, ирригация объектларида эса қурилиш-монтаж ишлари учун 10 та лойиҳа асосида 6000,0 млн. сўмлик ишларни амалга ошириб улгурдик.

**Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.**

ИМТИЁЗДАН МАНФААТДОРЛИККАЧА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида бугунги куннинг энг долзарб вазифаси бўлган сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қонунчилик тизими такомиллаштирилиб, аниқ мақсадли ҳужжатлар қабул қилинди. Шу аснода йиллар мобайнида сув муаммосидан қийналиб келган миришкорлар, томчилатиб суғориш тизимининг авваллари қиммат бўлган жиҳоз ва ускуналарини қатор имтиёзлар орқали харид қилиш имконига эга бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг, вилоятларда пахта хомашёсини ишлаб чиқаришда ҳам томчилатиб суғориш тизими кенг жорий этилмоқда.

Навоий вилояти республика миқёсидаги сув таъминоти оғир ҳудудларидан бири бўлгани ҳолда, ҳозирда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига турли имтиёзлар берилиши орқали, ҳудудда сувни тежайдиган замонавий суғориш усуллари асосланган кўплаб янги-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Вилоятда ўтган йилда жами 975 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Шундан 251 гектари пахта майдонларида қўлланилиб, ушбу инновацион технологияни ўрнатган фермерлар пах-

тадан юқори ҳосил олишга эришди. — Вилоятнинг пахта хирмонига салмоқли улушини қўшиб келаётган Қизилтепа туманида ҳам сув тежовчи технологиялар кенг жорий этиляпти. Туманда томчилатиб суғориш билан бир қаторда, пахта майдонларини суғоришда 29 комплект эгилувчан қувурлардан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Бугун фермерларимиз томчилатиб суғоришнинг афзал жиҳатларини аллақачон англаб етган. Жумладан, тумандаги биргина "Рустам Душам" фермер хўжалиги пахта майдонида, "Агропласт монтаж сервис" МЧЖ томонидан лойиҳа ва қурилиш монтаж ишлари амалга оширилиши билан, ҳосилдорлик

фаат, турли имтиёзлар берилиши ҳам, вилоят фермерларига сув тежамкорлигига асосланган кўплаб янги-янги лойиҳаларни қўллаш имконини бермоқда. Жорий йилда ҳам навоийлик фермерлар пахта етиштириладиган 2 минг 628 гектар экин майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича пудрат шартномаларини расмийлаштирди. Қуйи Зарафшон ҳавза бошқармасининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"га асосан 2020 йилда Навоий вилоятида жами 7 минг 214 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш режалаштирилган бўлиб, шундан, 2 минг 628 гектар пахта майдони, 1 минг 100 гектар узумзор, 1 минг 144 гектар боғ, 2 минг 342 гектар маккажўхори даласида замонавий технологиялар ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

Кармана туманидаги Маликчўл ҳудудининг қорқўртасида жойлашган "Нурли Жалойир" фермер хўжалиги вегетация даврида сувдан қийналиб келарди. Шу вақдан айна кунларда ушбу фермер хўжалигида ҳам томчилатиб суғориш тизимини ўрнатиш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда ва яқин кунлар ичида фермер хўжалиги таркибида илғор, замонавий технология ўрнатилиши ҳисобига 300 гектар майдон фойдаланишга киритилади.

Албатта, қишлоқ хўжалигига суғоришнинг бу каби янги технологияларини татбиқ этилиши билан пахта, мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳажми кўпайиши баробарида, истеъмол бозорларимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлиги ҳам таъминланади.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: чапдан "Тошработ-ўртачўл" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи ўринбосари ўқтам Элмуродов ҳамкасблари билан.

сезиларли даражада ошди. Бундан ташқари чўл ҳудудларимиздаги полиз экинлари экилган майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси ҳам синовдан ўтказилди. Кўрсаткичлар ёмон эмас, — дейди "Тошработ-ўртачўл" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Адхам Фаттоев.

Албатта, олинаётган юқори ҳосилдорлик, ошаётган моддий ман-

МЕХНАТИ БЕМИННАТ СУВЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАР

Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида меҳнат қилаётган хотин-қизлар фаолиятини кузатар экансиз уларнинг камтарона ва машаққатли меҳнатларидан бохабор бўласиз. Афсуски, газета ва журналларда сув хўжалиги тармоғида ишловчи хотин-қизларимиз ҳақидаги мақолалар жуда кам...

Сен сув хўжалигимизда ишловчи тажрибали, камтарона меҳнат қилаётган хотин-қизларимизни, гуёки сахна ортидаги операторга ўхшатгим келади. Масалан, деҳқон ҳосилини йиғиб олиб, баракали хирмонлар уйганда сувчиларнинг меҳнати камдан-кам эсга олинади.

Шу боис сувчилар ва сувчи хотин-қизлар тўғрисида бир шингил ҳикоя қилмоқчиман.

Каналларда тўлиб, ўта сокин оқаётган сувни кўрганмисиз? Ушбу осуда оқаётган сувга қараб баъзилар, “Сув хўжалигида ишлаётган ходимлар, уни фермер хўжалиқларига расамат билан бўлиб беради-да, бўлди. Уларга жуда осон”, деб уйлашади.

Ваҳоланки, асов дарёларни жиловлаб, сув омборлари, каналлар ва бошқа иншоотларга йўналтириб, ёки қудратли насос агрегатларини бир маромда ишлатиб сувни деҳқон аҳлига одиллик билан тақсимлаб бериш санъати сирлари фақат сувчиларгагина хос.



Сурада: кадрлар бўлими бошлиғи Чарос Ўтамуродова ва диспетчер Фарангиз Жумабоева.

Четдан қараганда сувчиларнинг юмуши жуда оддий, жўн кўринади. Лекин уларнинг меҳнатлари замирида, халқимиз



Сурада: Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизлар

ризык-рўзи бўлган тонна – тонналаб ғаллалар, бозор расталаридаги кўзни қамаштирувчи турли хил ноз-неъматлар, элимиз дастурхонларидаги сархил сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўрасиз. Шунда сувчиларнинг камтарона ва айни пайтда заҳматли меҳнатларига офаринлар айтасиз. Агар асов дарёлардан хайқириб, шиддат билан оқиб келаётган сувларнинг тажрибали сувчи-мутахассислар тизгинини тортиб, расаматини олиб, экин майдонларга йўналтиришмаса юртимизда тўкин-сочинлик, арзончилик, инсон соғлиғининг дармони бўлган витаминларга бой неъматлар мўл бўлармиди? Йўқ, албатта. Шу боис сув хўжалигининг қанчадан-қанча ишчи-ходимлари замонавий техникалар ёрдамида, фидокорона ишлайди.

Бу борада Жиззах вилоятидаги Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида фақат эркаклар эмас, балки барча сув хўжалиги ташкилотларида 264 нафар хотин-қизларимиз ҳам самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Жумладан, бошқармада 24 соат мобайнида диспетчер ва алоқачи хотин-қизларимиз ҳам ишламоқдалар. Агар улар ҳушёр туришмаса, масалан селлар келиб, сув йўналишлари бузилиб, давлатимиз бюджетига катта зарар келтириши мумкин. Уларнинг ҳушёрлиги боис сел-тошқинлар каби табиий офатларнинг олди олинади.

Қолаверса, сув хўжалигимизда бундай ҳушёрлик бўлмаганда сел тошқинлари ўнлаб километр каналлар қирғоғини ювиб, юзлаб гектар экин майдонларини сув босиб, офат келтириши мумкин эди. Ана шундай мислсиз талофатларнинг олдини олишда Сирдарё-Зарафшон ирри-

гация тизимлари ҳавза бошқармасининг жонкуяр, ўз касбларига фидойи хотин-қизларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Айниқса, бошқармада кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган Чарос Ўтамуродова, Зулхумор Джумабоева, Наргиза Пўлатова, Гулчеҳра Фозилова, Ойдиной Абдураимова, Татьяна Варонина каби хотин-қизларимиз кўпчиликка ўрнақдир.



Сурада: алоқачи Ойдиной Абдураимова.

Фурсатдан фойдаланиб жамоамиз номидан тармоқда меҳнат қилаётган барча опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март ҳамда баҳор байрами — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаман.

Соҳиба ЖўРАЕВА,
Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси матбуот котиби.

СИРДАРЁДА ОБУНА ЎЙИНЛАРИ

Улардан ким фойда, ким зиён кўрмоқда?

Аввалдан айтиб қўяйлик: биз мажбурий обунага мутлақо қаршимиз. Ҳар бир инсон қайси нашрга обуна бўлиш, нимани ўқишни ўзи мустақил ҳал қилади. Шу билан бирга, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, тadbиркорлик, спорт, кўйинги, қарийб барча соҳалар вакиллари ўзлари меҳнат қилаётган тармоқдаги янгилик ва ўзгаришларни билиб бориш, касбий билим ва кўникмаларини мунтазам равишда оширишга ҳаракат қилиши ҳам турган гап. Уларга бу борада энг яқин ва беминнат кўмакчи бўладиган манба эса, шубҳасиз, шу соҳани ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилган бирон бир даврий нашр ҳисобланади.

дан хабардор бўлгач, 18 февраль куни ҳеч бир шартнома ёки келишувсиз 12 та журналга атиги 4 ойда буюртма бермоқда. Ваҳоланки, “Лидер пресс” МЧЖ билан тақриригимиз орасидаги масофа 1 қақирим ҳам чиқмайди. “Сирдарё интер-маил” МЧЖ раҳбари эса, 24 та журнални етказиб бериш учун ким билан, қачон шартнома тузганини аниқ эслаш олмайди ҳам.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари таркибларидаги тузилмаларга ўзлари муассис бўлган “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журна-лига обуна бўлишни тавсия қилади. Такрор айта-миз, бу бир тавсия, бошқача айтганда, хо-лисона маслаҳатдан бошқа нарса эмас. Зеро, тизимда амалга ошаётган ислохотлар, рўй бе-раётган ижобий ўзгаришлар, учраётган камчи-ликлар, қолаверса, шу соҳанинг жонкуярлари, фидойи вакиллари ҳаёти ва фаолияти ҳақида биринчи навбатда шу журнал орқали маълумот олиш осон ва қулай.

Энди гапнинг индаллосига ўтайлик. Жорий йилда таҳририятга тақдим қилинган маълумотларга кўра, Сирдарё вилоятидаги барча сув хўжалиги жамоалари бир бўлиб, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналига обуна ташкилотлари орқали атиги 40 та буюртма бе-ришган, холос. Худди ўша сув хўжалиги таш-килотларидан вазирликга тақдим қилинган маълумотларда эса, бу рақам 120 тадан ошиб кетади. Жумладан, 2 та йирик ташкилот — Сирдарё ви-лоят мелиорация экспедицияси ва вилоят насос станциялари бошқармаси кабиларнинг ҳар бири 25 тадан жами 50 та обуна расмийлаштиргани ҳақида ҳужжат тақдим қилган. Йиллар давомида мана шу ҳолат такрорланиб келмоқда.

Хўш, вазирлик ва журнал таҳририятига кел-ган маълумотларда нима учун бундай катта фарқ бор?

Бизга маълум бўлишича, насос станциялари бошқармаси “Сирдарё интер-маил” МЧЖ билан шартнома имзолаган. Вилоят мелиорация экспе-дицияси эса, журнал учун обунани “Сирдарё матбу-от хизмати” МЧЖ орқали расмийлаштирган. Шунингдек, бизга аниқ бўлишича, “Сирдарё сув қурилиш” давлат унитар корхонаси (5 та), бошқа бир қатор сув ташкилотлари (4 та) ҳам мана шу МЧЖ орқали обуна бўлишган. (Бундай факт ва рақамлар янада кўпроқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас). Ҳақиқатда шуниси қизиқки, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига “Сирдарё матбу-от хизмати” МЧЖ қандайдир воситачи ташки-лот орқали журнал таҳририятига атиги 4 та жур-налга буюртма берапти. “Сирдарё интер-маил” МЧЖ эса, бирорта ҳам буюртма бермаган.

Распространитель:
"LIDER-PRESS" МЧЖ
100129: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй
E-mail: lider-press@inbox.ru
Тел: (0-371) 244-33-63

Расадкини журнал:
"O'zbekiston qishloq xo'jaligi" jurnali
tahririyati
-998 71 242 13 54-Масбуот ака
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru

Буюртма-заказ № 01 от _____ 2020г

К договору подлинному № ___ от _____ 201__г

Индекс	Нашир номи	Нусхалар сони ва обуна мuddати /Количество экземпляров и сроки подписки												Жами нусха / Всего экземпляров	Нарон/Ци ена	Сумма
		ЯНВ	ФЕВ	МАРТ	АПРЕЛ	МАЙ	ИЮН	ИЮЛ	АВГ	СЕНТ	ОКТ	НОЯ	ДЕК			
895	Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги	-	-	12	12	12	12	-	-	-	-	-	-	48	22000	1 056 000
859	Агро-нам	6	6	6	6	4								16	15000	240 000

Жами сумма: 1 296 000,00

LIDER PRESS
Директор: Ф. Ражабов

Қабул қилди: _____ (подпись)

Ушбу факт ва рақамлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Биринчиси, вилоятдаги ГМЭ ва НСБ каби жамоалар обуна ташкилотларидан қалбаки ҳужжат (квитанция) олиб, топшириқ бажарилди, дея вазирликка ногўғри маълумот бермоқда. Иккинчи тахмин: обуна ташки-лотлари ушбу жамоаларнинг миллионлаб сўм маблағларини ноқонуний ўзлаштириб юбораёт-тир. Номлари юқорида келтирилган икки таш-килотнинг ўзи журнал учун обуна ташкилотлари билан 15 миллион сўмлик шартнома имзолагани ҳақидаги ҳужжатларни кўргандан кейин шундай хулоса қилмасдан бошқа иложимиз қолмайди.

Ваҳоланки, Сирдарё вилоятида Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ҳамда унга алоқадор ўнлаб катта-кичик корхона ва ташки-лотлар бор. Уларнинг ҳар бирининг ҳисобчиси қўлида “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналига 1 тадан 25 тагача обуна бўлганлик ҳақида ҳужжат бор. Обуначи ташкилотлар жур-налнинг битта сони учун йиллик 300-310 минг сўмдан нарх белгиланганини эътиборга ола-диган бўлсак, якуний сумма қанчани таш-кил қилишини ҳисоблаш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Бутун республикамизда бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам ўзига “обуна ташкилоти”, деб ном қўйиб олган қўштинроқ ичидаги “тадбир-корлик” субъектлари сони кўпайиб кетган. Амалда улар обуначилар нонини “туя” қилаётганга ўхшаб қолмоқда. Масалан, яна ўша “Сирдарё матбуот хизмати” МЧЖ “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали учун обуна қилини қандайдир “Лидер пресс” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берган. Ф.Ражабов раҳбарлигидаги маз-кур “воситачи” эса, журналист суриштируви-

Яна шунини қўшимча қилишни истар эдик-ки. Сирдарё вилоятида яна бир тизим – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфида ҳам кўплаб меҳнат жамоалари, дехқон ва фер-мер хўжаликлари, бунинг устига, аграр соҳага кизикувчи оддий обуначилар ҳам борлиги-га шубҳа йўқ. Уларнинг орасида озми-кўпми соҳани мунтазам равишда ёритиб боровчи жур-нални мутолаа қилишни истовчилар бўлишига ҳам аминмиз. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, катта бир вилоятда атиги 40 нафар муштарий “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журна-лига обуна бўлганига ҳеч ишонгинг келмайди, киши!..

P.S. Ушбу мулоҳазалар “Ўзбе-кстон қишлоқ ва сув хўжалиги” жур-налига обунанинг Сирдарё вилоятида қандай ташкил этилгани (этилмагани) ни ўрганиш жараёнида туғилди. Обуна атрофидаги бундай ажабтовур “ўйинлар” бошқа газета ва журналлар билан ҳам, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлмаётганига эса, ким кафолат беради? Бизни ана шу сав-вол қизиқтиради!

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчимиз. Бундай ҳолат 2018 йилда таҳририятимиз билан ҳам Абдусамод Охунор раҳбарлигидаги “Матбуот даврий нашрлари” МЧЖ уртасида со-дир бўлган эди. Суд қарори чиққанига 3 ой ўтган бўлса-да, таҳририятимиз бу ташкилотдан 19 млн. 888 минг сўм маблағни ундира олмай оворадир...

Худойберди КАРИМОВ,
ўз муҳбиримиз.

АНОРЧИЛИКНИНГ ФИДОКОРИ

Жаннатмакон юртимиз сархил мева ва сабзавотларга бой. Куёшнинг заррин нурларига тўйинган ушбу маҳсулотлар эса жаҳон аҳлини ҳеч вақт эътиборсиз қолдирмаган. Мана шу мевалар ичра анор ўзининг мазаси ва чиройи билан доимо эъзозда. Кўп йиллар ўтибдики, анор кўчатларини етиштириш ва янги навларини яратиш устида айтишга арзирли амалий натижага эришилмади. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида Кува анорчилигига алоҳида эътибор қаратгани соҳа вакилларида янгидан-янги режалар ҳамда тажрибалар учун имкониятлар очди. Биз ушбу соҳанинг тажрибали вакили, Фарғона давлат университетининг фахрий профессори Мастураҳон Сайфутдинова билан суҳбатда бўлдик.



Суратда: Мастураҳон Сайфутдинова

— *Мастураҳон она маълумки, Сиз ўз меҳнат фаолиятингиз давомида кўплаб нуфузли идораларда ишлагансиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз ҳаёт йўлингиз, меҳнат фаолиятингиз билан ўқувчиларимизни таништирсангиз.*

— Азал-азалдан Кува анори ўзига хос таъми ва чиройи билан машҳур бўлган. 1979 йил туманимизга халқимизнинг атоқли адиби ва сиёсатчиси Шароф Рашидов ташриф буюрган ва етиштирилган анорларга алоҳида эътибор бериб, туманда анорчилик хўжалиги ташкил қилиш ҳақида таклиф берган. У кишининг ташаббуси билан «Қирққизлар» хўжалиги ташкил қилинган ва мавжуд барча навлардан экиб, кўчатларни парваришлай бошлаганмиз. Хўжалигимизнинг экин майдонлари шағал аралаш тупроқ бўлганлиги учун анор кўчатлари яхши ривожланади. 1986 йил «Анор» номли ширкат хўжалиги раиси лавозимида фаолиятимни давом эттирдим. Халқ билан елкама-елка ишлаш ҳар бир раҳбарга завқ бағишлаши лозим. Менинг бир неча йиллик фаолиятим натижасида 1994 йилдан 1999 йилгача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, 2009 йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайландим. Бу, албатта, халқимизнинг менга билдирган ишончи натижаси эди. Бу ишончни юки оғир бўлиши билан бирга, ҳам бахт, ҳам шараф. 2006 йилда эса 650 гектар экин майдонига эга бўлган «Кува анори» агрофирмасини ташкил қилдик. Хўжалигимизнинг экин майдонлари қир ва адирликларда жойлашганлиги учун сувни йўқотишларсиз ўз вақтида етказиб келишда талайгина қийинчиликлар мавжуд. Шунинг учун туманимиз раҳбарияти ҳамда ишчиларимизнинг таклифи билан «Куваўртабўз» СИУ ни ҳам бошқара бошладим.

— *Ушбу хўжалик фаолияти ҳақида маълумот берсангиз?*

— Айни кунларда хўжалигимизнинг кластер усулида фаолият юритиши устида иш олиб бораёмиз. Бунинг учун давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда анор меваларини экологик жиҳатдан соф ҳолда етиштириб, чет элларга экспорт қилиш, керакли дастгоҳларни харид қилиб, консервалашни йўлга қўйиш режалаштирилган ва ҳозирги кунга қадар талайгина ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик.

— *Юқорида айтиб ўтганингиздай, Сиз кўп йиллар мобайнида депутат сифатида фаолият кўрсатгансиз. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги*

соҳасига оид қабул қилинаётган қонун ва қарорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Айни кунларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ақл бовар қилмас ислохотлар амалга оширилмоқда. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсам, биз депутат бўлиб ишлаган даврларимизда бу ислохотларни 0,1 фоизини ҳам амалга оширишнинг имкони йўқ эди. Эркин конвертациянинг очилиши, пахта ва ғаллага нисбатан давлат режасининг бекор қилиниши, экспорт ва импорт учун яратилган шароитлар фуқароларимизнинг бой бўлишлари учун чексиз имконият эмасми?

Яқинда Фарғона вилояти ҳокими Президентимизга денгизга чиқиш ҳақида ташаббус билдирди ва бу ташаббус маъқулланди. Бу республикамиз учун бутун дунё билан эркин савдо қилиши йўлидаги кенг имкониятдир.

— *Сиз Фарғона давлат университетининг фахрий профессори сиз. Ушбу йўналишдаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Аввало, Муҳтарам Президентимизга ва университет раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ҳақиқатан ҳам, анорчилик айни кундаги долзарб тармоқлардан бири. Ҳозирги кунда 60 нафарга яқин ёшлар университетда ушбу соҳа сир-асрорларини астойдил ўрганишмоқда. Мақсадимиз анорнинг янги навларини яратиш ва қисқа вақт орасида улардан юқори ҳосилдорликка эришиш. Мана, яқинда анорчиликнинг паспортини яратиш ишлари бошланди. 15 февраль куни М. Мирзаев номидаги илмий-ишлаб чиқариш институти олимлари 9 та нав бўйича анор навлари паспортларини олишди. Бу ҳам қисқа вақт орасида эришган ютуқларимиздан, десам адашмаган бўламан.

Суҳбатимиз Халқаро хотин-қизлар куни – 8 март ҳамда баҳор айёми – Наврўзи олам арафасида ўтаётганлигидан фойдаланиб, барчани ушбу байрамлар билан самимий табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлсин, оилаларимиздан кут-барака аримасин.

— *Мастураҳон она, мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорчилигимизни билдирар эканмиз, Сизни ҳам қўшалок байрам билан муборакбод этамиз. Соғ-саломат бўлинг, омад Сизни ҳеч қачон тарк этмасин.*

Каримжон ЭРГАШЕВ,
Азамат ТОИРОВ,
«Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги»
журнали муҳбирлари.

ТИЛЛАРДА ДОСТОНИМСАН, АЁЛ!

Дунёда оналар бор экан ҳаёт бардавом, меҳр-муҳаббат яшайди. Тарихда Тўмарис, Бибиҳоним, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин каби қанчадан-қанча буюк ва суюқ онажонларимиз яшаб ўтган, уларнинг номларини бугун ҳам юксак ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан эслаймиз.

Хўш, бугунги давримиз аёлларининг ҳаётимиздаги ўрни қандай? Саволимизга жавоб тариқасида Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги “Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари Аманжон Холмуротованинг ҳаёт йўлларига назар ташлаймиз.

Барваста, нафосатли, чехрасида Бумр йўлларининг нузли нақши акс этган, нимтабассуми ўзига ярашган бу аёлни нафақат туман ёки вилоятда, балки республикада ҳам яхши танишадди. Қаранг-а, у кўкдамда, айни Наврўз куни, 1966 йилнинг 21 мартида Янгибозор туманининг Чўбалончи қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган.

У 1986 йилда Республика тиббиёт билим юртини тугатиб, санитар-фельдшер ихтисослигига эга бўлганида ҳам, Янгибозор, Урганч туманларидаги санитария-эпидемиология станцияларида шифокор ёрдамчиси бўлиб ишлаган пайтларида ҳам бир нарсани – далалар оғушини асло унутмади, кенгликларга ошно яшадди. Шу боис йиллар ўтиб ишлаётган касбидан мутлақо бошқа соҳани, деҳқончиликни танлади.

2006 йили “Достонбек” фермер хўжалигини тузиб, 3 нафар ишчи билан иш бошлади, 17 гектар ерга пахта, ғалла экти. Аста-секин тажриба ва маҳорати ошиб, экинлардан юқори ҳосил ола бошлади. Аёл киши учун деҳқончилик қийин иш. Бир ёнда фарзандлари, бир ёнда далалар, машаққатли меҳнат. У барига улгурар, кечалари ухламас, тонг сахардан дала ишларига шўнғирди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида 2-3 марталаб шўр ювиш тадбирларини амалга оширарди.

Кейинроқ унинг ер майдонлари 142,5 гектарга кўпайди. Илғор технологиялардан ва ўсимликларни ҳимоялашнинг биологик усулларида кенг фойдаланди. Натижада ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили етиштирди. Сув танқислигининг олдини олиш мақсадида ҳудуддаги 18 км. узунликдаги ички суғориш тармоқларини таъмирлагани, 34 гектар ер майдони капитал текислангани боис белгиланган сув ҳажмининг

18 фоизини иқтисод қилишга эришди.

Дастлаб иш бошлаганида аёл боши билан деҳқончилик қилиш осон эмаслигини эслатганлар кўп бўлди. Қийинчиликлардан чўчимаслик, кексалардан ўрганиш ва изланиш унинг одати. Шунинг учун 2016-2018 йилларда 400,8 тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни 60-65 центнерга етказди.

Сўнгги уч йилда хўжалик 2,3 млрд. сўм даромад қилган бўлса, унинг 940 млн. сўми соф фойдадир. Бу фойда ҳисобидан хўжаликнинг мавжуд техник базаси мустаҳкамланиб, техникалар сотиб олинди.

– Ҳар бир иш фидойиликни талаб қилади, – дейди Аманжон Холмуротова. – Президентимиз аёлларимизнинг турли жабҳалардаги раҳбарлик фаолиятини қўллаб-қувватламоқда. Замон ҳар биримизга катта маъсулият юклайди. Мен фаолиятим давомида, аввало, юртдошларимга, қолаверса, ишимни енгиллатаётган ўғлим, хўжалигимизнинг иш юритувчиси Ўқтамбойга ва турмуш ўртоғим Фарход Раҳимовга суянаман.

Оиладаги ҳар бир шахс ўқимишли, фидойи ва жонқуяр. Опанинг иккинчи фарзанди Севара Раҳимова Янгибозор туманидаги 12-умумтаълим мактабида ўқитувчи, ўғли Ҳамдам — банк мутахассиси, Достонбек ҳам опаси каби мактабда ўқувчиларга дарс беради. Оиланинг тўнғичи Ўқтамбой Раҳимов эса доимо онасига ёрдамчи. Ҳуқуқшуносликка ўқигани ҳам фермер хўжалигини юритиш ишларида қўл келяпти. Шунингдек, фермер 100 бош қўй боқмоқда. Хўжалиқда ўзаро тажриба алмашиш семинарлари ўтказилиши билан бирга, ёшларга деҳқончилик сирларини ўргатишда ҳам ўзига хос мактаб яратилган. Сўнгги уч йил ичида 21 нафар ёш ишга қабул қилинди.

Хоразмда “Опа” деб танилишининг



ўзи бўлмайди. Аманжон Холмуротова бугун катта-кичикнинг опасига айланган. Чунки бу тиниб-тинчимас опа кишлоқдаги мактабгача таълим муассаси ва 12-умумтаълим мактабини ҳомийликка олиб, уларни гўшт, сут, мева ва поллиз маҳсулотлари бўлган таъминлаб келмоқда. Кексаларнинг дуоси унга мададкор. Кишлоқ ҳудудидаги қабристонни ободонлаштириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиш ишларини ўз зиммасига олди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус-2017” кўрик-танловининг республика босқичида “Йилнинг энг яхши фермери” йўналиши бўйича муваффақиятли қатнашди.

Йиллар унга бекиёс кунларни ҳада этди. Ҳар бир куни эл олқиши, дуоси билан йўғрилади борди. Ўтган йили 70,4 гектар пахта майдонининг ҳар гектарида 54 центнердан ҳосил олиб, “Шовот Кластер” МЧЖ томонидан “Кобальт” русумли автомобиль билан мукофотланди. Шу йилнинг 2 декабрида “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги фидойиси” кўрак нишонига сазавор бўлди.

Кўм-кўк бугдойзорларни оралаётган деҳқон, фарзандига меҳрини бераётган она, турмуш ўртоғига ғамхўрлик қилаётган бу дилбар аёл ҳақида қанча ёзсангиз оздек туюлади. Зеро, у бугунимизнинг достонларда қуйланишга арзирли қаҳрамонидир.

Суратда: Аманжон Холмуротова.

Ўз мухбиримиз.

ШИЖОАТЛИ ОДАМЛАР

Дунёда ўзбеклардай меҳмондўст, самимий ва ўзига хос фазилатларга эга бўлган инсонлар топилмаса керак. Ҳаё-ибоси, мардлиги, тўғрисўзлиги, билим-саботи, доно-зукколиги, айниқса, тинчликсеварлиги туфайли бугунги кунда ажойиб халқимизни бутун дунё танимоқда, тан бермоқда, ҳавас қилмоқда. Она юртимиз кундан-кун чирой очиб, кўркам қиёфаси дилни яйратмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонимиз Президент-

Пешку туманининг “Тўра” номли фермер хўжалиги раҳбари Маъмур Акрамов мисолида мавзуга ойдинлик киритамиз. — 180 бош қорамолни Украина Республикасидан келтириб парваришляпмиз, — дейди Маъмуржон, — нон цехимизда, 10 дан ортиқ ишчиларимиз бор.

Хўжалик молларини рацион асосида парваришляётган ишчиларни суҳбатга тортидик.

— Маошимиздан кўнглимиз тўқ, 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланганмиз. Чет элда ишлаётганлардан минг бора яхши, ахир оиламиз, болаларимиз ёнидамыз, — дейишди фермер аъзолари.

— Келажакдаги режалар қандай?

— Худо хоҳласа, сутни қайта ишлаш цехи очмоқчимиз, — дейди фермер. — Эл дастурхони қанчалик сут маҳсулотлари билан бойиса, соғлом турмуш яратилиши аниқ.

Ушбу туманнинг “Искомгазе бахори” номли фермер хўжалигида ҳам бўлди. Ушбу фермер хўжалиги раҳбари Акмал Элелов билан танишдик, суҳбатлашдик. 50 бош қорамолга меҳр бериб қараётган ушбу қаҳрамонимизнинг 40 гектар пахта майдони, 15 гектар ғалла майдонидан олинган ҳосил туман раҳбарини лол қолдиргани айни ҳақиқат.

10 гектар боғдаги меваларни авайлаб териб олиб қурилади, қадоқлайди, чет элларга экспорт қилади.

— 12 та ишчи ўрин яратганимиз, элни рози қилиш виждонимиз олдидаги бурчимиздир. Ҳеч ким норизо бўлиб кетгани йўқ.

Ромитан туманидаги “Файз 2000” фермер хўжалиги раҳбари Яхё Файзиев 2019 йили 50 гектар пахта май-

донидан 42 центнердан, 145 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан ҳосил йиғиб олди. Ғалланинг 500 тоннасини давлатга топширган бўлса, 200 тоннаси ўзига ва фермер аъзоларига тақсимланди. 90 бош қорамол, 2000 та қўй-эчки, 11 гектарли балиқхона 20 бош от, 12 гектар боғ, 22 гектардаги полиз-экинлари ҳам фермерники. Бу йилги режалар янада улкан. Баҳорги юмушлар билан банд бўлган қаҳрамонимизни вақтини олгимиз келмади. Айтишга осон, аммо меҳнат, ақл-идрок билан чамалашнинг ўзи бўлмайди. Тиниб-тинчимас юртдошимизга куч-қувват тилаймиз. Ҳалол меҳнатларингиз эвазига берилган 2017 йилдаги “Дўстлик ордени” кўксингизда порлаб, сизга мадакор эканлигидан кўнглингиз яйрайверсин.

Ушбу туманда меҳнатидан роҳат топаётганлар бисёр. “Шухрат” номли наслчилик фермер хўжалиги раҳбари Шароф Акбаров ҳам ориятли инсонлар қаторига қиради, десак ҳақ гапни айтган бўламыз. 305 бош қорамол маҳаллий, 20 боши эса Украинадан келтирилган. Сутни қайта ишлаш цехи ҳам мавжуд. 6 хил маҳсулотлар табиий сут эвазига тайёрланади. 17,8 гектар ғалла майдонидан 2019 йили 65 центнердан сара донларни ўриб олган бўлса, 2020 йилда 70 центнердан ҳосил йиғиб олмоқчи. 1,5 гектар боғда турли хил мевалар парваришланмоқда. Гиждувон туманидаги “Бахти шод замин агро Гиждувон супер элита” МЧЖ раҳбари Шавкат Атоевни ҳам ўз элида, туманида обрў-эътибори баландлигини уни билган-таниган дўст-биродарлари мамнуният билан гапириб беришди. 2019 йили 111 гек-

тар пахта майдонидан 42 центнердан, 45 гектар ғалла майдонидан 80 центнердан ҳосил йиғиб олибди.

300 бош моллари Украина зотларидан келтирилган экан. 1000 та қўй-эчкилар, 50 бош от, 25 гектар боғ, 15 гектар боғ, 100 оила асаларилар 1000 бедана, 4 та Камаз, турли хил техникалар, 2 та комбайн ҳам қаҳрамонимизники.

— Асло, “меҳнат-роҳат” деб ўйлайман. Қийинчиликлар айёрларга хос, мен режалаб, вақтни аниқ белгилайман. Тўғри мураккаб жараёнлар бўлади, санашга осон бўлган менинг ишларимдан айримлар ҳайрон. Атрофингдаги дўстларинг садоқатли бўлса чарчамайсан. Ютуқлар меники, улгураман, қувонаман, яна ишлайвераман.

Одамларни рози қилсанг, Худо рози бўлади. Хуллас, мен оилам, дўстларим, ишчиларим учун елиб-югураман, бундан фахрланаман.

Қорақўл туманидаги “Қумуш тола Пахтакор” номли фермер хўжалиги раҳбари, шижоатли Муроджон Бебутов билан туман қишлоқ хўжалиги раҳбарияти тавсияси билан ҳузурда бўлди, бир пиёла чай устида гурунглашдик. 2019 йили 46,3 гектар пахта майдонидан 41 центнердан, 23 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олибди. 2020 йилдаги ниятлари эса бисёр.

Айни кунда баҳорги ишларни бошлаб юбордик. Ариқларни тозалаб, йўлларни текисляпмиз. Кўп тармоқли фермер бўлмоқчиман – дейди у. — 30 бош қорамол, 100 та қўй, 3 гектар боғ ҳам Муроджонга қарашли. Бухоролик шижоатли фермерларга омад ёр бўлсин.

Р.ЮСУПОВА

Жиззах вилоятида шундай ажойиб инсонлар борки, уларнинг борликларидан атрофидагилар қувонадилар, ҳаёт йўлларининг ўзи бир мактаб, ҳаёт тажрибалари эса ибрат. Одамларнинг ишончи, кўрсатган ҳурмат-эътибори улар учун катта мукофот.

Зафарободлик Шавкат Турсунов ана шундай инсонлар сарасига киради. У тумандаги “Мирали” фермер хўжалиги раҳбари. Тадбиркор фермер 2019 йили 32 гектар майдонидан 42 центнердан оқ дур йиғиб олган бўлса, 36 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олди. 2020 йили 24,6 гектарли пахта майдонини шудгорлаб экишга тайёрлаб кўйилган. 52 гектарга экилган бугдой донлари майса бўлиб осмонга бўй чўзмокда. 10 оиладаги асаларилар, 100

МЕҲНАТИ ЗАВҲИ

та товук, 30 бош молларга меҳр бериб қаралмокда.

Ушбу тумanning “Қоядаги бодомзор” номли фермер хўжалиги раҳбари Муҳиддин Муҳаммадов ҳам режани қойиллатиб бажариб қўйиб, хотиржам юрадиганлардан эмас. 2019 йили 25 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 66 гектар ғалла майдонидан 65 центнердан хирмон кўтарган бўлса-да, баҳорги экинлар учун шудгорлаш тугатилиб, ариқлар тозаланиб қўйилган. Бугдойзорлардаги майсалар кўм-кўк, далаларга чирой бахш этиб кишининг кайфиятини оширади.

20 бош қорамол, 10 оила асаларилар, 100 та қўйларни янада кўпайтириш учун қаттиқ ҳаракат қилаётган фермерга янада юксак зафарлар тилаймиз.

Дўстлик туманидаги “Сангзор” текстил кластерига қарашли “Омонтурди”

фермер хўжалиги раҳбари Эшқувват Омонтурдиев билан суҳбатимиз ўзгачароқ бўлди. Ахир у кластерга ихтиёрий аъзо бўлганлардан.

— Тўғри тушуниш керак. Ахир, барак, мезон, юмушларни бирга ҳал қилиш яхши эмасми? — дейди Эшқувват. — Пахтаминзни топширамиз, қайта ишлаб, экспорт қилишларида кўмаклашамиз. Қудрат бирликда — 43 гектар пахта майдонидан олинган ҳосил кластерга топширилган, тозаланини инobatга олган ҳолда пуллари жойида берилган.

— Техника, ёнилғи, ўғит, хуллас, барчасига кўмақдош бўлаётган “Сангзор” кластеридан миннатдоримиз. Ҳалол меҳнат завқи шу эмасми, — дейди фермер.

Ў мухбиримиз.

ДАРОМАДИ МЕҲНАТИГА ЯРАША

Сирдарё туманидаги “Амир Темур” фермер хўжалиги раҳбари, “Эл юрт ҳурмати” ордени, “Шуҳрат” медали соҳиби Неъмат ака Раҳматиллаевни меҳнатига яраша даромад топаётган, ишчанлиги, шижоати, ғайрати туфайли обрў-эътибори қозонаётган фермер десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. Ҳа, сидқидилдан меҳнат қилган инсон, албатта, эл-юрт ўртасида кадр-қиммат топади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги иқтисодий ислохотлар туфайли кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари кенгайди, — дейди Раҳматилла ака. — Ер ресурсларидан, кимёвий ва маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланиш, барча ишда меъёрига амал қилиш ҳосилга ҳосил кўшишда асосий омилдир.

Ерга бутун меҳрини бериб, экинларни парваришлаб, эл-юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекаётган фидойи фермер 2019 йил 36 гектар пахта, 30 гектар ғалла майдонидан режадан ошириб, хирмон кўтарди. 9 гектар боғида эса сара, шириндан шакар, ҳавас қилгудай мевалар етиштирди.

Боёвут туманидаги “Абдумовлон Дониёров” номли фермер хўжалиги раҳбари Абдумовлон Дониёровнинг муваффақиятлари меҳнатга оқилона ёндашганидан. Ер билан тиллашиб, мўл ҳосил етиштираётган Абдумовлон бобо деҳқонлар маслаҳатига қулоқ тутди. Улар билан ҳамжиҳат иш юритишни яхши кўради. Бу эса унга муваффақият келтириверади. 2019 йилда 52 гектар пахта май-



СУРАТДА: Боёвут туманидаги “Абдумовлон Дониёров” фермер хўжалиги раҳбари Абдумовлон Дониёров

донидан 33 центнер ўрнига 36 центнердан, 58 гектар ғалла майдонидан эса 64 центнердан ҳосил йиғиб олди. Укалари Ҳабибулло, Ибодулло, Аҳмаджон, ўғли Абдуқаҳор, жияни Аббосбеклар унинг яқин кўмакчилари.

Ушбу тумanning “Бургут” фермер хўжалиги раҳбари Илёс Алибеков гўё бургут каби қайсар, довжорак, қиламан деган ишини охирига етказмай қўймайдиган йигит. Келбати Алпомишдай бакувват қахрамонимизнинг сўзлари ҳам бурро-бурро.

— Опа, мени журналнинг бир бетига тўлдириб ёзинг, мазза қилиб ўқийин, ахир — дейди қулиб.

Қўли очик саховатли кишилардан. Кам таъминланганлардан кўмагини аямай-

ди. Ҳар йили режаларни ошириб-тошириб бажаради.

Ўтган йили 34 гектар пахта, 51 гектар ғалла майдонидан юқори ҳосил олиб атрофидаги фермерларга ибрат бўла олди. 60 та йилкини ҳам меҳр бериб парваришламокда. Иссиқхонасидаги помидор, бодринглар кишини ҳавасини орғтиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Сирдарё вилояти деҳқонлари 2019 йили муваффақиятли, яхши натижалар билан яқунлашди. Жорий йилда ҳам уларнинг ишлари бароридан келиб, юзлари ёруғ бўлишини истаб қоламиз.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ МУРОЖААТНОМА

2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Парламентига ўзининг тарихий Мурожаатномаси билан чиқди. Унда ўтган 2019 йилда эришилган натижалар сарҳисоб қилиниб, янги 2020 йилда ва келгуси 5 йиллик истиқболимиздаги мақсад-вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, ривожланишимизнинг 2020 йилги устувор йўналишлари қайд этилди, улар учта – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт. Ушбу учта асосий йўналиш бўйича иш олиб бориш пировард натижада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барчасида тараққиётни кафолатлайди, деб ўйлайман.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва «яширин иқтисодиёт»га барҳам бериш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва шу билан бирга, янги иш ўринларини яратиш (2020 йилда – 500 мингта), иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилиши, ижтимоий тўловларни олишда қоғозбозлик ҳолатлари камайрилиши – идораларнинг «ягона дарча» тамойили бўйича ишлаши ҳамда фуқаролардан талаб этиладиган ҳужжатлар сони камайиши каби кўплаб ислохотлар Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси кескин ошишига олиб келади. Шунингдек, Мурожаатномада иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хомашё билан таъминлаш учун, аввало, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш, жорий йилда истиқболли конларни аниқлаш ва мавжуд захираларни кўпайтириш, янги истиқболли

майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш каби вазифалар кўйилди.

Буларни она табиатга талофат етказмасдан амалга ошириш, ўзимиз яшаб турган борлиқни асраб-авайлашимиз лозимлиги Президентимизнинг жонқуярлик билан айтган сўзларидан англашилиб турди. Хусусан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз кераклиги Мурожаатномада алоҳида таъкидланди. Соҳа мутахассислари олдида ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсири олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар кўйилди. Давлатимиз раҳбари томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига берилган бундай эътибор биз соҳа ходимларини руҳлантириб, ўз вазифамизни янада масъулият билан адо этишга чақиради.

Ўйлайманки, ушбу Мурожаатномада кўрсатилган йўналишлар бўйича иш олиб борар эканмиз, она табиатимизни авлодларга зиён-заҳматсиз, бутунлиги, гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиб бериб, нафақат келажак авлодлар, балки буюк аجدодларимиз руҳи олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлади, албатта.

Шохрух МАДАТБОВЕВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича 1-даражали давлат инспектори.

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ёшлигимдан Орол денгизини кутқаришда ва экологик ҳолатини яхшилашда фаол иштирок этишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Эшитишимга қараганда, собиқ совет даврида олимлар Сибирь дарёларини Қозоғистон орқали Орол денгизига олиб келишни таклиф қилишган экан. Мен бу таклифдан жуда қувонган эдим. Чунки ушбу таклифнинг амалга оширилиши Орол денгизини қуриб қолишдан сақлаган, денгиз бўйида истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини буткул ўзгартирган, экологик вазиятни яхшилаган бўлар эди. Олимлар албатта бу таклифни ўз-ўзидан киритишмаган эди. Улар Орол денгизи бугунги ҳолатга тушиб қолишини олдиндан билишган ва бу фожеани олдини олиш мақсадида ушбу таклифни киритган эдилар. Бирок бу таклиф амалга ошмади ва охир-оқибат Орол денгизи бугунги ҳолатга келиб қолди.

Ёшликдаги ўй-фикрларим ҳозирги кунда ҳам мени тарқ этмаган.

Мен Орол денгизи тақдирига, қолаверса, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатига бефарқ бўла олмаман. Шунинг учун 2009 йилдан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати ишида фаол иштирок этиб келдим. Бу менга ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришга, озгина бўлса-да Орол денгизи тақдирига таъсир кўрсатишга имкон яратар эди.

2017 йили мен туркиялик тадбиркорларнинг вакиллари билан танишдим ва уларнинг Орол денгизи фожеасини бартараф этиш бўйича таклифларини ўрганиб чиқдим. Улар томонидан илгари сурилаётган лойиҳанинг мазмун-моҳияти Ўзбекистондан оқиб ўтадиган икки дарё,

яъни Сирдарё ва Амударё дарёлари оралигида канал қазиб, қолдиқ сувлар билан тўлдириш ва уни Орол денгизига етказиб беришдан иборат эди. Қолдиқ сувларни йиғиш учун кичик сунъий қўл ва сув омборларини барпо этиш кўзда тутилган эди. Ҳар бир худудда бўлгани каби “қолдиқ”, ер ости сувларини бизнинг ҳудудда ҳам йиғса бўлади, бу ишларни айниқса Тошкент ва Фарғона водийсида амалга ошириш мумкин. Канал қазини туркиялик ҳамкорлар ўзлари инвестицион “лойиҳа” асосида ташкил этиб, ҳамма харажатларни ва техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласини ўз зиммаларига олишган эди. Ўзбекистон томонидан ишчи кучи ва мутахассислар билан

таъминлаш керак бўлади. Бу лойиҳани 2017 йилда Ирригация ва мелiorация институти ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига таклиф сифатида киритган эдик, афсуски биз ҳеч қандай жавоб олмадик.

Агар бу лойиҳа амалга ошса: биринчидан, бу юртимиз ва атрофимиздаги кўшни мамлакатлар экологиясига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди. Иккинчидан, икки дарё оралигидаги чўллар воҳага айланар эди. Учунчидан, ер ости сувлари ва қолдиқ сувлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлар эдик. Ахир бекорга, тома-тома қўл булур, деб айтишмаган-ку. Ўйлайманки, бизда бу лойиҳани амалга ошириш учун барча имкониятлар етарли.

Ноила БЕРДИЕВА,

Чиноз тумани, меҳнат фаҳрийси.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМАН

ҚИСКА МУДДАТДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 март куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейин барча ҳудудларда, жумладан, Жиззах вилоятида ҳам гидропоника усулида иш юритаётган иссиқхоналар сони сезиларли даражада кўпайди. Ҳар томонлама самарадор бундай қурилмалар юқори сифатли сабзавот, цитрус мевалар, поллиз маҳсулотлари етиштириш, бундай маҳсулотларни даставвал халқимиз эҳтиёжига, кейин эса, экспортга чиқариш, қолаверса, энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда.

Келинг, даставвал, “гидропоника усули”нинг ўзи нима эканлиги ҳақида қисқа маълумот берсак. Гидропоника – бу фақат озука моддалар билан тўйинтирилган сув ёрдамида деҳқончилик қилиш, деганидир. Бу усул асосан Европада оммалашган бўлиб, Осиёда японлар ҳам шу йўл билан деҳқончилик қилишга ўтишганига анча бўлган.

Хуллас, биз Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги 3 ярим гектарлик ерида гидропоника усулида деҳқончилик қилаётган “Шер-Дил бизнес кафолати” масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрдик. Ўтган йилнинг март ойида тамал тоши қўйилган иссиқхона ҳудудини кўздан кечириш жараёнида атиги бир йил ичида бу ерда кенг қўламдаги ишлар амалга оширилгани кўзга ташланди. Фантазий мавзудаги кинолардаги лавҳаларни эсга солувчи баланд ва кенг куббалар остида бир маромда ишлаётган, тўлиқ компьютерлашган аппаратлар, ип-арқонларга тортилган помидор кўчатлари, улардаги шода-шода

ҳосил тугунчалари эътиборни ўзига тортиши, шубҳасиз.

- Муҳтарам Президентимизнинг қароридан руҳланган ҳолда ҳокимликга ариза билан мурожаат қилдик, - дейди жамият раҳбари Шухрат Раҳимов. - Айтиш жоизки, туман раҳбарияти бизнинг бу борадаги ташаббус ва таклифимизни дарҳол қўллаб-қувватлаб, қисқа муддат ичида ер ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Биз, шу билан бирга, бу борада қайси давлатнинг технологияси маъқуллиги, унинг Ўзбекистон, жумладан, Жиззах шароитида самара беришини ҳам ўргандик. Натижада, мутахассислар маслаҳатига кўра, Исроил давлати билан шартнома тузишга аҳд қилинди.

Ҳа, Яқин Шарқдаги ушбу мамлакат технологияси тежамкорлиги ва фойдаланишга қулайлиги билан жамият аъзоларига маъқул келди. Боиси, бунда малакали бир нафар ҳосилот ва компьютер устаси етарли бўлиб, 20 нафар ишчилар асосан тайёр маҳсулотни териш, саралаш ва қадоқлаш юмушлари



билан шуғулланар экан. Таажжубки, 2 гектар майдонда барпо қилинган замонавий иссиқхонада парвариш қилинаётган ўсимлик учун ҳатто тупроқ ҳам зарур бўлмади. Помидор кўчати кокос дарахти қириндисига экилиб, томчилатиб суғориш, аниқроғи озиклантириш технологияси билан парвариш қилиниши



юқори ҳосилга кафолат бўлиши маълум бўлди.

- Иссиқхонани барпо қилиш учун ўзимизнинг 400 минг долларлик маблағимиз, Жаҳон банкининг эса, 1 миллион 300 минг долларлик кредити сарфланди, - дея сўзида давом этади Ш.Раҳимов. – Барча асбоб-ускуналар, қурилмалар, ҳатто “Ламия” номли помидор нави ҳам Исроилдан келтирилди. Бу нав ҳосили мўллиги, инжик эмаслиги, экспортбоплиги билан эътиборимизни ўзига тортди. Мана қаранг, ўтган йилнинг декабрь ойида биринчи ҳосил нишонлари кўзга ташланганди. Бугун эса, ҳар ҳафтада ўртача 15 тонна ҳосил олиб, унинг асосий қисмини Тошкентга, ундан нари Россия бозорларига жўнатыпмиз.

“Шер-Дил бизнес кафолати” масъулияти чекланган жамияти жамоаси келажакда ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида иссиқхона ёнидаги 1 гектар майдонда экспортбоп мева берувчи олчазор ташкил этилди. Бу йил яна ярим гектарда жаҳон бозорида талаб катта бўлган испан олхўриларини экишга тайёргарлик кўриляпти. Ундан кейин ана шу боғларнинг ҳосилини тайёр маҳсулот – мураббо, жем, шарбат кўринишига келтириб, ички ва ташқи бозорга чиқаришга мўлжалланган кичик корхона барпо қилиш ишлари бошланиб кетади...

Суратларда: “Шер-Дил бизнес кафолати” МЧЖ иссиқхонасида бугун мана шундай ҳолат ҳукмрон.

Х.КАРИМОВ,
ўз муҳбиримиз.

ЯЙЛОВЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Кўклам келиши билан яйловлар, қир-адирлардаги чорвадору чўпонларнинг оғири енгил бўлади. Қишнинг қор қировли кунлари аввало чўпон-чўлиқлардан ўта хушёрликни ва сабрликни талаб этади. Бу йилги кўкламга яхши кайфият билан қадам қўйган Самарқандлик тажрибали чорвадорлар ҳам асосий мақсадлари, миллий маҳсулотимиз ҳисобланган қорақўл қўйлари туғини кўпайтириш сари улкан режаларни кўзламоқда. Вилоятда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 7 та қорақўл наслчилик масъулияти чекланган жамиятлари фаолият кўрсатаётган бўлса, улар таркибида 80 минга яқин майда чорва мавжуд ва бу кўрсаткич қўзилатиш мавсумида янада ошади.

— Қорақўлчилик — сермаҳсул соҳа. Уни ривожлантириш орқали марказдан олисда жойлашган ҳудудларда яшовчи аҳолини муқим иш ўринлари билан таъминлаш, аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қорақўл терини хориж давлатларига экспорт қилиш мумкин. Президентимиз томонидан 2019 йил 16 август куни қабул қилинган “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши соҳани ўзвий ривожлантириш қанчалик муҳимлигини кўрсатди ва бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Шу мақсадда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, уюшмамиз томонидан тасдиқланган 2020-2021 йилги йўл харитасига асосан Нуробод туманида мавжуд қорақўлчилик наслчилик субъектларини таркибига олган ҳолда, «Кооперация» тизими асосида қорақўлчиликда бўрдоқилаш ва экспортбоп қорақўлча тери ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди Самарқанд қорақўлчилик уюшмаси раиси Комил Султонов. — Шу аснода «Кооперация» тизими таркибида бўрдоқичилик ва қорақўлча ишлаб чиқариш комплекси, гранулалари омухта ем ишлаб чиқариш цехи, соатига 30-35 бош молни сўйишга мўлжалланган қушхона, сиғими 20 тонна гўшт сақловчи музлаткич ишга тушириш ва шу лойиҳалар асосида 100 га яқин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни мақсад қилганмиз.

Айни кунларда Нуробод туманидаги барча қорақўл наслчилик МЧЖ ларида энг муҳим бўлган, тўл мавсумига етарлича тайёргарлик кўрилиб, амалий ишлар бошлаб юборилган. Тумандаги “Нурли эл чорвадори” МЧЖда ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди.

—Жамиятимиз таркибида 22 минг бош майда шохли моллар бўлиб, шундан она қўйлар 14 минг бошни ташкил этади, — дейди МЧЖ раиси ўринбосари Ўрол Ҳушиев.

Шунингдек, тумандаги “Олга” ва Каттақурғон” наслчилик МЧЖларининг тажрибали чорвадорлари ҳам, ўтган қиш гарчи об-ҳаво ўз ҳукмини ўтказса-да, ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, вақтида кўрилган тадгорликлар натижасида қаҳратоннинг синовларидан беталофат ўтиб олди. Ҳозирда улар ҳам об-ҳавога умид боғлаб, бош-



Суратда: “Нурли эл чорвадори” МЧЖ жамоасининг бир гуруҳи

ланган мавсумга масъулият билан киришган. Жамиятлар таркибидаги отарларда ўтган қишлоқ даври олдида жамғарилган дағал хашак захираси ҳали ҳам етарлича. Шундай бўлса-да, чўл чорвадорининг нигоҳи доим кўкка қадалган, у доим баҳорнинг майин ва ҳаётбахш ёмғирдан умидвор.

Пахтачи туманидаги “Қарнобота” наслчилик МЧЖ аъзолари ҳам тўл мавсуми олдида 32 та отарлар, ёпик кўралар, сунъий қочириниш пунктларини жорий таъмирлади. МЧЖ раиси Анвар Рўзиевнинг айтишича бу йилги мавсум давомида мавжуд совлиқлардан олинган қўзиларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилиши кўзда тутилмоқда. Уларнинг ўсиш имкониятларини амалга ошириш мақсадида профилактик эмлаш ва қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Бунда эса мавсумолди амалий кўникмалар пайдо бўлиши учун ўтказилган ўқув семинарлари қўл келмоқда.

Албатта, вилоят қорақўл соҳаси ходимларининг муҳим мавсумга масъулият билан ёндашувлари ва тармоқ ривожига йўлидаги улкан режалари ҳудудда чорва сони ошишига, қорақўлчилик соҳасининг ривожланишига, экспорт ҳажми ортишига, пировардида маҳаллий аҳоли ва давлат даромадлари ошишига хизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

XXI аср иккинчи ўн йиллигининг сўнггида амалга оширилаётган туб иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий-таркибий ҳамда ташкилий ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Бунга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қиймати 2018 йил 5,1 фоиз ва 2019 йил 5,6 фоиз ошиб, 511,8 триллион сўмни ташкил этгани яққол далил бўлади.

Иқтисодиётнинг бундай юксалишида муҳим тармоқлардан бири бўлган қишлоқ хўжалигининг ҳам ўрни беқиёс. Чунки бу соҳада 2019 йил 224288,8 миллиард сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шу йили бу тармоқда 7187,4 минг тонна дон, 9945,5 минг тонна сабзавот, 2950,9 минг тонна картошка, 1922,2 минг тонна полиз, 1595,2 минг тонна узум, 2739,6 минг тонна мева ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган. Натижада 2019 йилда республикада аҳоли жон бошига 245 кг. дан кўпроқ дон, 298 кг. га яқин сабзавот, 88,3 кг. дан картошка, 57,5 кг. дан полиз ҳамда 82 кг. дан мева маҳсулотлари тўғри келган. Бу кўрсаткичлар аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши лозим бўлган тиббий меъёрлардан анча кўп. Шунча маҳсулотлар асосан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган кичик бизнес вакили ҳисобланган 152 мингга яқин фермер ва 4927,3 мингдан ошқ дехқон ҳамда шахсий томорқа хўжаликларидан ишлаб чиқарилган.

Эътибор берсангиз, мен юкорида талайгина рақамларни келтирдим. Бу бежиз эмас. Сабаби мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига жуда катта эътибор қаратиб, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт... Албатта рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз... бу ишга бугун киришимиз зарур”, деди.

Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни тўлиқ шакллантириш натижасида минглаб янги иш ўринлари ташкил этилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва амалга оширилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланиб,

ҳаражатлар қисқаради. У рақамларнинг аниқ бўлиши билан бирга тезкорлигини ҳам таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётнинг мазмун, моҳияти ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда олимлар унга турлича таърифлар бермоқдалар. Лекин уларга айрим аниқликлар ҳамда қўшимчалар киритилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шуни эътиборга олган ҳолда “рақамли иқтисодиёт”га қуйидагича тариф бердим. “Табиат, жамият ҳамда иқтисодий қонунлар, категориялар талабларига асосланиб макросубъект (республика) миқёсида меҳнат ила маҳсулотлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш), уларни оқилона, самарали тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмол жараёнларидаги муносабатларни акс эттирувчи рақамлардан ахборот-коммуникация (АКТ) технологияларидан ва техникаларидан фойдаланган ҳолда барпо этилган иқтисодиёт”ни рақамли иқтисодиёт деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

“Рақамли иқтисодиёт барпо этилганида “бозор иқтисодиёти” бўлмайми?”, деган нотўғри савол туғилмаслиги керак. Сабаби рақамли иқтисодиёт ҳам эркин бозор иқтисодиёти муносабати негизда шакллантирилади. Рақамли иқтисодиётда асосий эътибор барча реал рақамлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун дастурлар тузишга, яъни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда техникадан унумли фойдаланишга қаратилади. Рақамли иқтисодиётнинг яратилишида жонли меҳнат сарфи қисқариб интеллектуал салоҳиятга эга бўлган меҳнатдан фойдаланилади.

Эндиликда мамлакатимизда барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни янада ривожлантириш ниҳоятда долзарб, муҳим вазифа. Уни ижобий ҳал

этиш учун иқтисодиётнинг жуда муҳим ва йирик тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида қуйидаги чора-тадбирларни сифатли амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим:

- тармоқнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатаётган субъектлар томонидан амалга оширилаётган муносабатлар оқибатида шаклланаётган ахборотлар (рақамларнинг) аниқ, сифатли бўлиши ҳамда уларнинг тезкорлигини таъминлашга, масалан, фермер маълум бир вақт ичида қанча майдонни қандай сифатда шудгорлагани ва унга сарфланган меҳнат, маблағ сарфи ёки у қимдан, қанча, қандай ўғитларни қанча миқдорда харид этгани, уларга қанча пул сарфлангани, банклардан қанча, қанча маблағ, қандай муддатга олгани ва бошқалар;

- соҳанинг барча ҳудудларини, у жойларда фаолият юритаётган юридик, жисмоний шахсларни сифатли ахборот-коммуникация техника воситалари (уяли, рақамли телефонлар, компьютерлар, планшетлар, интернет тармоқлари, радио, телевизорлар, газета-журналлар, китоблар...) билан талаб даражасида таъминлаш ва уларнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш зарур;

- тармоқ субъектлари фаолиятларида вужудга келаётган барча ахборотлардан, рақамлардан мақсадга мувофиқ, самарали фойдаланишни таъминлайдиган назарий ва амалий жиҳатдан асосланган дастурларни имкон даражасида тезкорлик билан яратиш даркор. Бу масалани шу соҳанинг олимлари ҳамда амалиётчилари уюшган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир;

- юкоридаги чора-тадбирларни сифатли ҳамда қисқа муддатларда бажариш учун малакали мутахассислар керак. Тармоқда вазият ниҳоятда мураккаб. Сабаби тармоқдаги мутахассисларнинг билим, қўникма ва малакалари паст. Бу муаммони қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш ва уларни ўша курсларда ўқитиш орқали ҳал этиш лозим. Сўнгра коллеж ва олий таълим муассасаларида, шунингдек, ҳудудларда “қишлоқ хўжалиги статистикаси”, “рақамли иқтисодиёт”, “дастурлаштириш” бўйича мутахассислар тайёрлаш зарур;

- юкорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган шахсларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантиришга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Абдулатиф АБДУҒАНИЕВ,
и.ф.д., профессор.

Зайтун мойи — фойдали мой

Юртимизда етиштирилган зайтундан илк бор мой олинди.

Машҳур бобомиз, дунё тиббиёт илми асосчиларидан бири Ибн Сино ўз китобларида турли хил касалликларни даъволашда зайтун мойи фойдали эканлигини кўп бора таъкидлаган.

Ўзбекистонда зайтун етиштириш бўйича олиб борган кўп йиллик тажрибаларимиз натижасида ушбу дарахтлар ниҳоят бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга ҳам мослашди. Айни пайтда республикамизнинг бир неча ҳудудида зайтун дарахтлари ўсиб, ҳосил бермоқда. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида экилган 46 туп зайтун дарахти ўтган йили тўла ҳосилга кирди. Бир туп дарахтда ўртача 25-30 кг. дан зайтун меваси йиғиб олинди. Албатта, бирданига бир туп дарахт шунча ҳосил бермади. 2017 йилда олинган ҳосил камроқ, 2018 йилда эса 5-8 кг. дан эди. Ниҳоят 2019 йилда ҳосил анча мўл бўлди.

Минг афсуски, республикамизда зайтун мевалардан мой олувчи ускуналар йўқлиги учун териб олинган мевалардан мой олишнинг имкони бўлмади. Республика Ёғ-мой саноати уюшмаси ва Кимё-технология институтига бориб, вазиятни ўрганганимизда ушбу ташкилотлар ҳали зайтун мойини сиқиб олишга тайёр эмасликлари маълум бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, оддий шароитда 100 кг. зайтун мевасидан 20-22 кг мой олинади. Лаборатория шароитида шунча мевада 70-80 фоизгача мой олиш мумкин. Бир қанча изланишлардан сўнг 2019 йилда етиштирилган зайтун мевалари намуналарини Дания давлатига малака оширишга борган доцент Раъно Акрамова бериб юбордик. Р. Акрамова бу давлатда зайтун меваларининг кимёвий таркиби, ундаги мой миқдори ва туйинмаган кислоталар ҳамда қанча сквален моддаси мавжудлигини аниқлаб келди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, зайтун мевасидаги мой ўта замонавий усулларда аниқланган ва кимёвий таҳлиллар 21-22 фоиз экологик тоза зайтун мойи мавжудлигини кўрсатган.

Бизни қувонтирган яна бир нарса шу бўлдики, зайтун мойи таркибида энг

муҳим ҳисобланган сквален моддаси бошқа давлатларда, масалан Италияда етиштирилган зайтун дарахларидан олинадиган мойлардагига қараганда кўп экан.

Сквален асосан чуқур сувларда яшовчи акулалар жигаридан олинади ва инсонлар учун ўта зарур бўлган моддалар сирасига киради. Мутахассисларнинг фикрича, инсон хужайралари ва қони кислород билан етарли даражада таъминланмаса, турли хил касалликлар келиб чиқади. Сквален моддаси инсон танасининг кислород билан яхши таъминланишига ва иммунненти юқори бўлишига ёрдам беради.

Иккита ўсимликда сквален моддаси мавжуд бўлиб, уларни бири амарант, иккинчиси зайтундир. 100 мл. зайтун мойида 400-450 мг, баъзан 700 мг. гача сквален учрайди. Амарант мойининг 100 мл. да 5000 дан 8000 мг. гача ушбу модда бор. Инсон



учун скваленнинг суткалик меъёри 500 мг. ни ташкил этади. Ўрта ер денгизи мамлакатлари аҳолиси йил бўйи зайтун мойида тайёрланган таомлардан истеъмол қилишда ва организмларининг скваленга бўлган талабини қондиришади.

Данияда ўтган лаборатория таҳлиллари маълумотида кўра, Ўзбекистонда ўсаётган зайтунларидан олинган мой таркибида сквален миқдори 1,4 фоизни ташкил қилган. Италия ўсадиган зайтунларда бу модда миқдори 1,0 фоизга тенг. Сквален, антиканцероген хусусиятга эга бўлгани учун хужайраларни коллоген билан таъминлайди.

Шу ўринда зайтун дарахти экилган 1 гектар майдондан олинадиган мойни шунча гектардаги чигит, зиғир, махсар мойлари билан таққослаб чиқсак. 1 гектар ердан 30 центнер пахта териб олинса, ундан 20 центнер чигит олинади. 1 центнер пахта чигитидан 13-15 кг ўсимлик мойи олиншини ҳисобга оладиган бўлсак, 1 гектардан 260-300 кг таркибида госсипол бўлган мой олинади.

Зиғир экилган 1 гектар майдондан 8 центнер уруғ олинса, зиғир уруғининг 100 килограммида 33-35 фоиз мой бўлади. Демак, 1 гектар зиғирдан 264-280 литр ўсимлик мойи олинади.

Бир гектар махсар экилган майдондан 7-9 центнер махсар дони олинди, уруғ таркибида ўртача 33-35 фоиз мой бўлади. Шундай қилиб, бир гектарга экилган махсар ҳосилдан 231-315 кг. мой олиш мумкин.

Ўртача ҳисоб-китоблар кўрсатадики, пахта чигитидан мой олиш учун қилинган ҳаражат билан пахта мойини сотишдан олинадиган даромад миқдори деярли тенг бўлади. Демак, пахта чигити мойини сотишдан даромад олинмайди. Пахта чигити мойи иккинчи маҳсулот ҳисобланади.

Бизнинг иқлим шароитида 1 гектар ерда 400 туп зайтун дарахти ўстирилса, ҳар бир дарахтдан ўртача 25 кг зайтун меваси териб олинади. Демак, 1 гектар ерга экилган зайтун дарахтида 10 000 килограмм мева етиштирилади, 100 кг зайтун мевасидан 20 кг мой олиншини ҳисобга олсак, 1 гектардан 500-520 кг зайтун мойи олинади. Олинган зайтун мойининг 1 литри ўртача 25000 сўмдан сотилса, 1 гектардан олинган даромад 12,5 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу ҳисоб-китоблар зайтун мойи етиштириш ва зайтун боғларини ташкил қилиш ўта сердаромад соҳа эканлигини кўрсатади.

Бугун Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида зайтун дарахтлари ўсиб, мева бермоқда. Яқин келажакда республикада зайтунзорлар кенгайиб, халқимиз тўйиб зайтун мойлари истеъмол қилишига ишонамиз.

**Д.ЁРМАТОВА, профессор,
Р.АКРАМОВА, доцент,
С.АБДУНАЗАРОВ, доцент.**

ЃЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОСМИ?

Англиянинг “Коттон Оутлок” журналида (Кис Верберк) эътироф этилганидек, “Ўзбекистон пахта етиштириш технологияларининг икки йўналишида, яъни кўсак куртининг кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам”. Тўғри, республикамизда эртапишар навлар яратиш бўйича ҳам, кўсак куртини кенг қамровда назорат қилиш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Аммо, факат шулар ёки эртапишар навлар яратишнинг ўзи пахтачилигимизнинг кескин юксалишини таъминлай олмайди. Бу жараёнда қатъий амал қилиниши лозим бўлган қатор масалалар ҳам борки, уларни тўғри йўлга қўймасдан мақсадга эришиш қийин. Хукуватимиз томонидан белгиланган тадбирларда ҳам масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берилаяпти. Чунончи, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабр-даги қарори ғўза навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз хажмлари тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳосил гарови бўйича элита уруғчилигини йўлга қўйишга, уруғчилик ишларини жаҳон андозаларига мос даражада ривожлантиришга қаратилган.

Маълумки, уруғчилик тизими кенг тармоқлидир. Бу унинг зиммасига салмоқли вазифаларни юклайди. Яқинда “Уруғчилик тўғрисида” (2019 й. 16 февраль) қабул қилинган қонун уруғчилик соҳасида ягона давлат сифатини амалга оширилишини таъминлаши билан, уруғчилик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни ҳам кўзда тутилган.

Хўш, янги ғўза навларини кўпайтириш билан шуғулланувчи бирламчи хўжаликларни, районлаштирилган навларнинг уруғини кўпайтирувчи элита уруғчилиги ва уруғчилик хўжаликларини, пахта тозалаш заводлари ҳамда улар қошидаги лабораториялари ўз ичига олган бу тизимнинг меҳнати қандай натижа бераёпти?

Тан олиш керакки, ҳозирги вақтда республикамизда ғўза уруғчилиги ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Албатта, бунинг объектив ҳамда субъектив сабаблари бор. Хусусан, бирламчи ва оммавий уруғчилик соҳасида қатор камчиликлар мавжуд. Майдонларда навдорлиги паст бўлган уруғ экилмоқда, натижада ҳосилга катта путур етказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ғўза навлари био-

логик хусусиятлари муайян вилоят ва туман тупроқ-иклим шароитига хўжалик кўрсаткичлари ва хомашёнинг сифати, иқтисодий самараси агротехник минтақаларга мослигини назарга олган ҳолда жойлаштириш керак.

Бунинг учун АҚШ, Бразилия, Сурия пахтакорларидек янги уруғлик навга махсус кичик пахта заводи билан элита уруғчилиги хўжалиги ташкил этилиши лозим. Шундагина навларнинг биологик ва механик равишда бир – бирига қўшилиб ифлослиги, келгусида хўжаликларни соф уруғ билан таъминлаш имкони яратилади.

Ўсимликнинг 3-8 шохигача териб олинган уруғлик пахта ва бу пахта чигити сифатли бўлади. Бундай уруғлик чигитнинг унувчанлиги унинг ўсимлигида шаклланган ҳосилнинг пишиги толасининг сифати, чигитнинг оғирлиги вақт ўтган сайин ортиб боради.

Тўғри, унувчанлик янги терилган уруғлик пахта чигитида паст бўлади. Лекин, сақлаш давомида унда бу борадаги кўрсаткич ошади, чунки у сақлаш давомида етила боради. Уруғлик пахта чигитларининг етилиши ҳарорат +20 градусда ва ундан юқори бўлганда тезлашади.

Уруғлик чигитни саралаш – асосий технологик тадбирлардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида уруғликнинг сифати энг устун кўрсаткичдир. Шундай экан мақсадга эришиш учун навдор уруғлик чигит тайёрлаш, юқори сифатли тола етиштириш лозим. Бу уруғлик чигитни тежаш имконини беради.

Уруғлик хомашёни кайта ишлаш, яъни тозалаш, толадан чигитни ажратиш, туксизлантириш, саралаш, зараркунандаларга қарши дорилаш ва сифатли сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Чигит уруғлик учун олинадиган пахта тозалашда чигит ва тола сифатини сақлаб қолишга катта эътибор берилиши керак. Завод ускуналарида тозаланадиган пахта ва тола ажратиш соатига 6-7 кг дан ошмаслиги керак,

акс ҳолда чигит қобиғи шикастланади. Айниқса, линтерлаш тартибига риоя қилинмаса уруғлик чигит кўп шикастланади. Яхши етилган уруғларни таъсири жиҳатидан талаб даражасида солинган ўғит ёки расамадида берилган ишлов тупроқ унумдорлигига унумдорлик кўшганидек етилган чигитдан олинган ўсимлик ҳам баққуват ва ҳосилдор бўлади.

Чунончи, илмий изланишлар ва тажрибаларнинг кўрсатишича, сараланган чигитлар ўз вақтида экилса ҳосилдорлик 2,5-3,0 ц/га ча ошади. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида уруғлик чигитнинг экиш миқдорини белгилаш муаммоси пайдо бўлади. Бу муаммонинг моҳияти шундаки, туксизлантирилиб, яхши сараланган чигит тук уяларга экилса, уруғлик сарфи тукли чигитга нисбатан 2-3 марта камайд. Ягоналашга ҳолат қолмайди. Бу эса юқори классли чигитни тежайди, қўл меҳнатини қисқартириб, озик-овқат муаммосини ечишда яхши самара беради. Лекин республикамизда туксизлантирилган чигит оз тайёрланади ва Бухоро вилоятидан ташқари, бошқа вилоятларда деярли майдонларда экилмайди. Жорий йилдан, ҳамма вилоятларда ҳам томчилатиб суғориш майдонлари кўпайиши билан, йиллар сайин туксизлантирилган чигитга талаб ошиши керак.

Шундай экан, туксизлантирилган чигит экиладиган майдон камида 50 фоизга етказилиши лозим. Уруғлик чигитларни экишдан олдин бир ерда тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, уруғлик тизимини такомиллаштириш шарт. Бунинг учун:

биринчидан, Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда уруғлик чигит етиштирувчи корхоналар, уруғлик пахта тозаловчи махсус заводлар, предэлита (супер элита), элита ва биринчи репродукция (R-1) уруғини етиштирувчи уруғчилик хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ва зирлиги, нав муаллифлари ва нав яра-



тувчи ташкилотлар шартнома асосида бевосита қатнашишлари шарт;

иккинчидан, бирламчи етишти-рувчи хўжаликлар янги, ғўза навларининг уруғини кўпайтирганликлари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг махсус фонди томонидан рағбатлантирилиб борилиши лозим;

учинчидан, уруғчилик хўжаликлари уруғни кўпайтириш учун вазирлик ва қорхоналардан лицензия олишлари ёки шартнома тузишлари керак;

тўртинчидан, нав яратувчи қорхоналар яратилган ва Давлат нав синовиға тавсия қилинган янги навларнинг генетик тозалигини 97-98% ва ундан ҳам юқори даражага етказиш чораларини кўришлари лозим;

бешинчидан, АҚШ пахтачилигида қўлланилаётган уруғчилик модели асосида уруғликнинг республикаимиз шароитларига мослаштирилган услубларини ишлаб чиқиш лозим. Бу услубнинг асосий моҳияти шундан иборатки, унга кўра энди яратилган янги навнинг бирламчи элита уруғи маълум

миқдорда (5-10 йилга етарли) тайёрланиб, ҳар йили элита хўжаликларига қисман ажратиб берилади;

олтинчидан, элита-уруғчилик хўжаликлари сонини камайтириб, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга кўпроқ эътибор берилиши керак;

еттинчидан, элита-уруғчилик хўжалиги бўлган туманларда 1 та нав чигит экиш лозим, вилоятга эса қанча кам нав экилса шунча яхши. Чунки навларни кам экиш навнинг наводорлик хусусияти юқори бўлишини таъминлайди. Бунга Бухоро вилоятида экиладиган “Бухоро-6” навининг тегишли кўрсаткичларига қараб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугунги кунда Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 5 тадан нав экилмоқда, Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятларида асосий реестрга киритилган 4 тадан навлар экилмоқда. Бор йўғи 32 минг гектарга пахта экиладиган Навоий вилоятида ҳам 4 та реестрга киритилган

нав экилмоқда. Фақат, Сирдарё билан Фарғона вилоятларида 3 тадан реестрга киритилган навлар экилмоқда. Аммо, булар билан бир қаторда, ҳамма вилоятларда 2-3, 5 тадан, улардан ҳам кўп янги навлар синалмоқда. Демак, генетик тоза нав йўқ. Чунончи, уруғлик пахта билан техник пахта битта заводда тозаланади.

Қолбуки, дунё бозорида пахта ни энг қимматга сотадиган Мисрда ҳар бир вилотда ғўзанинг биттадан нави экилади, холос. Бу тартиб бизда ҳам жорий этилиб, 2020 йилдан элита хўжалиги бор ҳар бир туманда 1 тадан, вилоятда 3 та асосий ва 2 та янги, 2021 йилдан ҳамма туманларда биттадан, вилоятда эса 2 та асосий ва 2 та янги нав экилса, ишимиз илгарилаб, ғўза навларининг наводорлигини 2025-2026 йилларда талаб даражасига етказиш мумкин бўлар эди.

Ренат НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.



Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси

Халқимизни, соҳа олим ва тадқиқотчиларини, деҳқон ва фермерларни

Умумхалқ байрами – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.

Ўзанинг истиқболли янги “Зафар” нави

В статье приводятся результаты исследований по качеству волокна и агротехники возделывания сорта Зафар, который размножается в системе хлопково-текстильного кластера.

The article presents the results of studies on the quality of fiber and agricultural techniques for cultivating Zafar variates, which propagates in a cotton-textile cluster system.

Ҳозирда республикамиз пахтачиликда ноқулай тупроқ-иқлим шароитига мослашган тезпишар, ҳосилдор, вилт касаллигига бардошли, айниқса тола сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институту томонидан “Зафар” ғўза нави 2014 йили Давлат навози шаҳобчасини тупроқ назоратида синалиб, морфо-биологик белгилари, нав софлиги 97% ташкил этгани боис Давлат навози комиссияси тавсияси биноан нав синаш шохобчаларининг берган маълумотларига асосан “Зафар” ғўза навининг тола сифат кўрсаткичлари (микронейр, тола узунлиги, тола чиқими, солиштирама узилиш кучи ўта юқори бўлганлигини кўрсатди. 2019 йили ишлаб чиқариш синови Фарғона вилояти Қўштепа туманида, тола сифати таҳлили “Global Textile solution” пахта-тўқимачилик кластери лабораториясининг замонавий Uster NVI 1000 дастгоҳларида

ўтказилди. Шу сабабли 2019 йили мазкур нави дастлабки уруғ кўпайтириш элита хўжалигида экин майдони кўпайтирилиб етарли уруғлик ашёси териб олинди. “Зафар” навининг тола сифати текстил саноати талабларига тўла жавоб берганлиги сабабли 2020 йилдан “Global Textile solution” пахта-тўқимачилик кластери тизимида экин кўпайтирилиши режалаштирилди. “Зафар” ғўза нави ЎзР ҚХВ Қишлоқ хўжалик экинлари давлат синови эксперт хулосаси тавсияси асосида 2019 йил 24 декабрдаги қарорига биноан Фарғона вилояти учун истиқболли деб тан олинди, давлат реестрига киритилди ва № НАР 00217 07.12.2018 қадами билан патентлаштирилди.

“Зафар” ғўза нави тезпишар навлардан ҳисобланади. Навнинг ўсув даври чигит униб чиққандан очилгунгача 109-113 кун. Ҳосилдорлиги 36-41 ц/га, тола чиқими 37-38%, тола узунлиги 34-35 мм, битта кўсақдаги пахта вазни 6,2-6,5 гр, тола метрик номери 5880-6000, солиштирама узилиш кучи 30-34 г/текс. Толанинг юқори ўртача узунлиги 1.17-1.19, толаси оқ, микронейр кўрсаткичи 4,1-4,3, толаси IV саноат типига мансуб бўлиб жаҳон текстил стандартларига тўла жавоб беради. “Зафар” ғўза навининг гуллаш ва пишиш жараёни маълум муддатни ўтгандан сўнг кўсақлар интенсив равишда очила бошлайди. Тупининг сиқиклиги ва кўсақ очилиши жараёнининг нисбатан қисқалиги билан фарқ қилади. Навни қўш қаторда экин томчилатиб суғориш технологияларидан

фойдаланилиб юқори натижаларга эришиш мумкин.

“Зафар” навининг чигит экин муддати 10-15 апрел бўлиб, тукли чигитлар учун 50-60 кг/га, туксиз чигитлар учун 20-25 кг/га. Ниҳолларни 2-3 чин барг чиққанда яганалаш мумкин. Навдан юқори ҳосил олиш учун гектарига 90-110 000 туп қолдириш керак. Навнинг илдиз системаси кучли ривожланганлиги сабабли сув танқислигига нисбатан бардошли, шунинг учун бу нави кўрсатилган суғориш режасига риоя қилиниши керак. Навни ер ости сувлари яқин ерларда 1-2 марта, ерости сувлари чуқур жойлашган майдонларда 3-4 марта энгил суғориш мақсадга мувофиқдир.

Ўғитлаш. Азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни 1,0 : 0,7 : 0,5 нисбатда ишлатилиши яхши натижа беради. Азотли ўғитларни икки муддатда солиш тавсия этилади; экин билан биргаликда йиллик мейорнинг 15-20%; биринчи гуллаш вақтида 120 кг/га; гуллаш фазаси бошланганда 80 кг/га; фосфорли ўғитларни кузги шудгорлашдан олдин йиллик мейорнинг 70% ва ғўзалар гуллаш бошланганда 30%, калийли ўғитнинг шудгорлашдан олдин 60% ва шоналаш даврида 40% солинади.

Шундай қилиб, ғўзанинг янги истиқболли “Зафар” нави олинган кўп йиллик кўрсаткичларга асосан эрта пишарлик ва тола сифат кўрсаткичлари бўйича андоза навларга қараганда юқорилигини кўрсатди.

Асам АХМЕДЖАНОВ, қ.х.ф.д.,
лаборатория мудири,

Абдуқаюм МАМАРУЗИЕВ,

б.ф.н.к.и.х.,

Эшмурод КАРИМОВ, б.ф.н., к.и.х.,

ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар

экспериментал биологияси

институтини.

АДАБИЁТЛАР

1. **Бабаев Я.** Тезпишар ғўза навлари селекцияси. Журнал “Агро илм”. Т. 2018, №3, 6-7 бет.
2. **Намозов Ш.Э. и др.** Формирование скороспелости при отдалённой межвидовой гибридизации хлопчатника. Мат. межд. науч.- прак. конф. Ташкент, 2014. Стр. 183-185.
3. **Rahman S.U., Malik T.A.** Genetic analysis of fiber traits in cotton// International Journal of Agriculture and Biology. 2008. Vol. 10, no. 2 pp. 209-212.

НОВЫЙ ПЕРСПЕКТИВНЫЙ СОРТ ОЗИМОЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ «УТКИР»

By the individual selection has been raised the salt tolerant variety of wheat "Utkir" average yield of the variety make up 5,54 t/ha exceeds the standard variety of wheat "Tanya" to 0,72 t/ha. On the given GSI in 2019 it was recognized perspective for the republic of Karakalpakstan state variety Testing.

До настоящего времени в Республике Каракалпакстан более 70% площади, возделываемые сорта озимой пшеницы в основном привозные, созданные в других умеренных зонах. При выращивании их в регионе на засоленных пустынных землях, в стрессовых условиях окружающей среды у этих сортов наблюдается значительное снижение урожайности и качества зерна. В связи с этим, очень актуальной и требующей решения задачей является создания солеустойчивых сортов озимой мягкой пшеницы.

В результате многолетнего изучения коллекционных сортообразцов 040609 (F-77) CLKJ X 86035'- BB - 24. методом индивидуального отбора нами выведены и переданы в ГСИ сорт озимой мягкой пшеницы под названием «Уткир». Сорт пригоден для возделывания на засоленных почвах Каракалпакстана. По данным ГСИ сорт в 2019 году признан перспективным.

Одной из разновидностей является *Lutescens* (AL). Форма куста прямостоячая, стебель полый, листья темно-зеленные с небольшим восковым налетом. Высота растений 75–80 см, устойчивый к полеганию, растение хорошо кустится, образуя довольно плотный продуктивный стебель. Колос без остей, белый, цилиндрический средней длины (8-10 см) и плотный. Колосовая чешуя овальная, со слабовыраженной нервацией без опущения. Плечо широкое, прямое, скошенное к низу колоса, киль средневыражен. Зерно красное, овальнообразное, крупное. Масса 1000 зерен 40 – 44 г.

Среднеспелый, продолжительность вегетационного периода в условиях засоленной почвы Каракалпакстана 235–246 дней, т.е. созревает на одни – двое суток раньше, чем районированный сорт «Таня».

Сорт «Уткир» сравнительно солеустойчивый, даже при 2,0%-ной концентрации раствора хлористого натрия (NaCl) образовано до 23,2% всходов. На этих концентрациях семена районированных сортов «Таня» и «Краснодар-99» не смогли прорасти. Сорт обладает высокой засухоустойчивостью и жаростойкостью. Даже в острозасушливые годы сорт формирует крупное выполненное зерно.

За годы испытания Сорта «Уткир» в полевых условиях не были замечены поражения болезнями (бурой, желтой ржавчиной, пыльной и твердой головней и мучнистой росой).

Зерно нового сорта «Уткир» легко вымолачива-

ется при комбайновой уборке и устойчиво к осыпанию. Содержание белка и клейковины в зерно 13,4 – 15,9% и 25 – 32% соответственно на уровне районированных сортов «Таня» и «Краснодарский - 99».

Генетический потенциал урожайности нового сорта «Уткир» на засоленных почвах Каракалпакстана 6,5 – 7,2 т/га.

За годы конкурсного сортоиспытания (2014 – 2016 гг.) средняя урожайность нового сорта «Уткир» составляла 5,54 т/га, в то же время стандартный сорт «Таня» сформировал 4,82 т/га урожая. При этом он превосходил стандарт на 0,72 т/га.

Сорт пригоден для возделывания на засоленных почвах Каракалпакстана. При производственном испытании сорта он «Уткир» обеспечивал прибавку урожая по сравнению с районированным сортом «Таня» на 0,4 т/га.

Данные Государственного и производственного испытания позволяют заключить что сорт «Уткир» характеризуется большой пластичностью. При испытаниях в разных экологических условиях он превзошел по урожайности стандартные сорта. В 2019 году на Нукусском сортоучастке средняя урожайности нового сорта составило 3,86 т/га, при этом прибавка 0,26 т/га по сравнению со стандартом «Яксарт».

«Уткир» относится к сортам интенсивного типа с высокой отзывчивостью на улучшение агрофона, лучше проявляет себя на более плодородных, хорошо удобренных почвах. Достоинство сорта способность сформировать высокий урожай со стекловидным зерном при посеве в оптимальные сроки. Резко падает урожайность при поздних сроках сева, особенно если уменьшена норма высева, так как растения не успевают до зимы накопить углеводов в узлах кущения, что отрицательно сказывается на их зимостойкости. При ранних сроках сева, особенно при затяжной теплой и влажной осени, растения перерастают и могут повреждаться при неблагоприятных условиях перезимовки. Оптимальные сроки сева – первая декада сентября, норма высева семян 6 – 7 млн шт. /га, глубина заделки семян 4 – 5 см. Растения сорта нормально растут и развиваются при влажности почвы 70 – 80% предельно полевой влагоемкости. Поэтому число, поливов должно соответствовать для поддержания вышеназванной влажности почвы. Значительное преимущество сор-

та «Уткир» по сравнению со стандартами и другими испытываемыми сортами по урожайности отмечено в Государственном сортоиспытании и признан перспективным в 2019 году. Семеноводство сорта «Уткир» ведется по схеме, принятой для всех сортов пшеницы. При первичном семеноводстве для раз-

множения семян нового сорта «Уткир» используют приемы обеспечивающие увеличение коэффициента размножения.

**Бахадир АБДУЛЛАЕВ, с.н.с.,
Дуйсенбай УТАМБЕТОВ, директор,
Уразбай АБЫЛЛАЕВ, стар. препод., к.с.х.н.,
ККНОСНИИЗЗБК.**

УЎТ: 635:633.15

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

ЭРТАГИ МУДДАТДА САБЗАВОТ (ШИРИН) МАККАЖЎХОРИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

The article highlights the technology of growth, development, disease and obtaining a high yield of varieties of vegetable (sweet) corn as the main crop when grown in the early stages.

В статье освещена технология роста, развития, заболевания и получения высокого урожая сортов овощной (сладкой) кукурузы в качестве основной культуры при выращивании в ранние сроки.

Мамлакатимизда сабзавотчиликни ривожлантиришга, ички бозорни сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга, шу билан бирга экспортга йўналтирилган маҳсулот етиштиришга ва валюта тушумини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада аҳолини барча сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш билан бирга, ноанъанавий озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида сервитамин, инсон организми учун фойдали биокимёвий элементларга бой маҳсулотлар билан таъминлашда сабзавот (ширин) маккажўхори экини муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг экилаётган майдонлари кун сайин ортиб бормоқда. Сабзавот маккажўхори сўталари сут-мум пишиш (думбул) фазасида йиғиштириб олинади. Думбул сўталаридан консерва саноатида консерва тайёрланади ва янги сўталар озик-овқат учун ишлатилади.

Маҳаллий шароитда сабзавот маккажўхорининг бирламчи уруғчилигининг ташкил этилиши фермерларимиз томонидан сотиб олинаётган уруғлик материални тежаш ҳисобидан валюта харажатларини камайтириш ва соҳанинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш имкониятини яратади.

Сабзавот маккажўхори дони ялтироқ, юзаси буришган, эндосперми шишасимон. Оқсил миқдори 18-20%, углеводлар 64% бўлиб, унинг ярми декстринга тўғри келади, ёғ 8,9%. Бу кенжа турга кирувчи дурагайлар сабзавот экини сифатида экилади. Дони сут пишиш фазасида овқатга ишлатилади, консерва саноатида хомашё сифатида фойдаланилади. Ўзбекистонда маҳаллий шароитга мос сабзавот (ширин) маккажўхорининг “Маза”, “Эврика”, “Шерзод” ва “Замин” навлари яратилиб, Давлат реестрига киритилган, бир неча истиқболли дурагайлари ажратилиб, уларни ўстириш технологиялари ишлаб чиқилган.

Сабзавот (ширин) маккажўхорини асосий экин сифатида ўстириш технологияси. Алмашлаб экишда беда, картошка ва полиз экинларидан бўшаган ерларга экиш мақсадга мувофиқ. Кузда тупроққа асосий ишлов беришдан олдин аввал гектарига 30-40 тоннадан органик ўғитлар бери-

лишини талаб этади. Минерал ўғитлар билан гектарига азот ва фосфор 100 кг, калий 70-80 кг ҳисобида озиклантирилади.

Экиш. Сабзавот маккажўхори одатда 10 апрелдан бошлаб экилса-да, лекин республикамизда март ойининг бошларида плёнка остида экиб ўстирилмоқда, экиш СКНК-6, СКПН-8, СПЧ-6, СУПН-8 ҳамда СЧК-4А-1, СЧХ-4А-1, СЧХ-4А-4 чигит сеялқаларида бажарилади, экиш схемаси 70x20-30 см, чуқурлиги 5-6 см, экиш меъёри гектарига 20-30 кг.

Парваришlash ишлари. 3-4 та чинбарг ҳосил бўлганда бир уяда 2 та ўсимлик қолдирилиб ягона қилинади, қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, озиклантирилади ва суғорилади. Маккажўхори қатор ораларини ишлашни ўсимлик бўйи 120-130 см бўлгунча ўтказиш мумкин. Ўсув даврида 3-4 культивация ўтказилади. Суғоришлар меъёри ўртача 900-1000 м³/га. Биринчи суғориш майсалар униб чиққандан кейин 20-25 кун ўтгач ўтказилади. Кейинги суғоришлар ҳар 10-15 кунда ўтказилади.

Касаллик ва зараркунандалари. Маккажўхорининг замбуруғ касалликларига: чанг ва пуфакли қоракуя, диплоидоз, фузариоз, микроспориоз, поя ва илдиз чириш, физалоспориоз, ризоктониоз, ўтказувчи тўқималарнинг қорайиши, склороспориоз, поянинг оқ чириши, занг, гельминтоспориоз, барг доғланиши, физодермоз, барг товлама доғланиши, барг церкоспорози, доннинг қора чириши, моғорлаш ва бошқалар қиради. Замбуруғлар маккажўхори уруғидан бошлаб унинг майсаси, барги, пояси ва сўтасини зарарлайди. Маккажўхорининг бактериал касалликлари: бактериал сўлиш, поянинг бактериал чириши, барг ва пояларнинг бактериоз касаллиги, баргларнинг қўнғир доғланиш касаллиги ва бошқалардир.

Ҳосилни йиғиш. Сўталарда дон пайдо бўлгандан бошлаб 20 кун ўтгач, маккажўхори сут пишиқлик, 30-35 кунда сут-мум пишиқлик ва 60-65 кун ўтгач эса тўла пишиқлик фазасига етади. Шу боис сабзавот (ширин) маккажўхори сут-мум пишиш даврида йиғиб олинади.

Хулоса ва тавсиялар. Бизнинг тадқиқотларимизда сабзавот (ширин) маккажўхори навларини асосий экин си-



фатида ўстирилганда ўсимликларда фенологик кузатиш натижаларига кўра, ширин маккажўхорини танланган навлари ўсув фазаларининг давомийлиги 75-80 кунни ташкил қилди.

Сабзавот (ширин) маккажўхорини эртаги муддатда экиб ўрганилаётган навларда биометрик кўрсаткичларни ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, энг баланд бўйли ўсимликлар – 166,3-173,7 см, биринчи ва дастлабки сўтанинг жойлашиш баландлиги навларда 20,8 ва 34,1 см ни ташкил этди. Ўсимликларда бош поядаги барглар сони – навлар бўйича 8,3 -13,4 донагача ҳосил бўлди. Бир тупдаги

сўталар сони 3,8 - 4,2 донагача ҳосил қилди.

Истикболли сабзавот (ширин) маккажўхори навларини асосий экин сифатида турли тупроқ шароитларида қатор орасини 70х20 см схемаларда экиш юқори дон ва силос масса ҳосилини таъминлар экан. Сабзавот (ширин) маккажўхори навлари асосий экин сифатида экиб ўстирилганда дон ҳосилдорлиги гектаридан 5,8 тоннагача етди.

**Собир САНАЕВ, қ.х.ф.д., доцент,
Илхом АМОНТУРДИЕВ, қ.х.ф.ф.д., ассистент,
Иномжон САПАРНИЯЗОВ, мустақил изланувчи,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти,
Нукус давлат педагогика институти.**

Адабиётлар:

1. Алланов Х., Шералиев Х. Маккажўхори дурагайлари ҳар хил суғориш режимида кўчат қалинлиги ва ҳосилдорлиги. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик” журнали, 2006, 2, 21 бет.
2. Остонақулов Т.Э. ва бошқалар. Сабзавот (ширин) маккажўхори навларини танлаш ва улардан юқори ҳосил олиш технологиясига оид тавсиялар. Т., 2005, 38 бет.

УЎТ: 635.649:635.656:581.1 **ИЗЛАНИШ ВА САМАРА**

НҲҲАТ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



В последние годы произошло потепление, внезапное изменение температуры и опустынивание. В такое время важно выращивать нут на орошаемых землях, чтобы определить количество воды, необходимое для прорастания семян и поглощения воды

In the past few years, there has been a warming of temperatures, sudden changes in temperature and desertification. In recent years, warming, a sudden change in temperature and desertification have occurred. At such times, it is important to grow chickpeas on irrigated land to determine the amount of water needed for seed germination and water absorption.

Нўхат экини қурғоқчиликка чидамли дуккакли дон экини бўлганлиги сабабли, уни лалми ва шартли суғориладиган ерларда ҳам экиб, ундан юқори ҳосил олиш мумкин.

Сўнгги йилларда иқлимни глобал ўзгариши, ҳароратни кескин кўтарилиши, лалми ҳудудларнинг чўллашиши кузатилаётган бир даврда, аҳолини дон ва дуккакли дон экинларига бўлган талабини қондириш мақсадида нўхат экинини суғориладиган ерларда етиштириш самара бермоқда.

Уруғларнинг униб чиқиши учун авваламбор сув керак. Уруғлар сувни ўзига шимиб бўрта бошлайди. Уруғларни зўр куч билан бўртиши уларнинг уруғ пўстини ёришига, ўсимталарнинг эса тупроқ заррачаларини суриб, тупроқ юзасига чиқишига имкон беради.

Уруғлар униб чиқиши учун уруғда тўпланган озик моддалар сувли муҳитда эриши лозим. Маълумки, ҳар бир экин турининг қуруқ уруғлари таркибида боғланган сувлар бўлади, жумладан, нўхатда ҳам. Лекин бу сув моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этмайди. Натижада уруғ униб чиқиш олдидан ўз вазнига нисбатан маълум бир миқдорда сувни шимиб олиши шарт.

Сўнгги йилларда нўхат экини суғориладиган майдонларда ҳам экилиб ҳосил олинаётганлигини

ҳисобга олиб, суғориладиган майдонларда етиштирилган нўхат навларининг уруғини сувни шимиш жадаллигини лаборатория шароитида ўргандик. Тажриба 22-25°C ҳароратда ўтказилди. Тажриба объекти сифатида хўраки нўхатнинг “Лаззат”, “Ўзбекистанская-32”, “Юлдуз” навлари ва “Умид” нав намунаси ҳамда хашаки нўхатнинг К-295 ва К-296 нав намуналари илк бор ўрганилди.

Биз бу тажрибамизда нўхат навлари уруғларининг 22-25°C ҳароратда қанча миқдорда сув шимиб олиш қобилиятини аниқлашда ҳар бир соатда кузатиб бордик. Тажриба 3 такрорийликда ўтказилди. Бу эса уруғларнинг униб чиқиши учун зарур бўлган сув шимиш миқдорини аниқлашга имкон берди.

Нўхат навлари уруғи сувни маълум бир вақтда ҳар хил шимиб олиб, дастлабки биринчи соатда кўп миқдорда сувни ўзлаштиради, яъни бунда хўраки навлар 33,2 – 42,3%, хашаки навлар 8,7 – 12,5% ҳамда иккинчи соатда хўраки навлар 14,7 – 17,3%, хашаки навлар 10,9 – 13,4% миқдоргача сувни шимиш қобилиятига эга. Тажрибани қолган вақтларида, яъни вақт ўтиши билан кейинги соатларда ўзлаштирилган сув миқдори учинчи соатда хўраки навлар 13,4 – 16,0%, хашаки навлар 8,6 – 9,9%, тўртинчи соатда хўраки навлар 12,0 – 12,9%, хашаки навлар 7,5 – 9,0% миқдорда сувни

ўзлаштирган бўлса, кейинги соатларда сувни ўзлаштириши пасайиб бориши кузатилди ва унинг соатга бориб хашаки нўхат навларида сувни ўзлаштириши 0,3 – 1,4% атрофида кузатилди ва ўн биринчи соатга келиб сувни ўзлаштириш айрим хўраки навларда нолга тенглашган бўлса, хашаки нўхат навлари сувни ўзлаштириши 19 соат давом этди ва ўнинчи соатлардан сўнг соатлар орасида сувни ўзлаштириш даражасида фарқ камайиб борганлиги намоён бўлди.

Сувни ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича хўраки навлар орасида “Лаззат” нави ўзининг энг тез сувни ўзлаштириши бўйича юқори кўрсаткичга эришди, яъни ўнинчи соатга бориб 108,3% сувни ўзлаштирган бўлса, “Ўзбекистанская-32” нави ўнинчи соатда 106,4 %, “Юлдуз” нави ўн икки соатда 106,0 % ва “Умид” нав намунаси ўн икки соатда 104,4% сувни ўзлаштирди. Хашаки навларнинг хўраки навларга нисбатан

сувни ўзлаштириш суръати жуда паст эканлиги намоён бўлди. Хашаки нўхатни К-295 нав намунаси ўн тўққизинчи соатга бориб 99,7% сувни ўзлаштирган бўлса К-296 нав намунаси эса 100,5 % сувни ўзлаштириши намоён бўлди.

Хулоса қилибшуни таъкидлаш мумкинки, хўраки нўхатнинг уруғ пўсти юпка ва таркибида оқсил микдори кўп бўлганлиги учун ўз вазнига нисбатан 104,4-108,7% гача сувни шимиб олади. Хашаки нўхат намуналари уруғида, аксинча, уруғ пўсти қалин ва оқсил микдори кам, шу сабабли сувни шимиш жадаллиги ҳам хўраки нўхат навларидан паст бўлиши тажрибаларда кузатилди.

Собир МУСТАНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент,
Гўзал СУВОНОВА,
катта ўқитувчи,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

Адабиётлар:

1. Ҳамдамов И.Х. ва бошқалар. Суғориладиган ерларда нўхатнинг биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси. // Самарқанд қишлоқ хўжалик институти 70 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. Самарқанд, 1999. 32-50 б.
2. Шукуруллаев П.Ш. Биолого-экологическая и агрономическая оценка форм и сортов нута в условиях богары Узбекистана. // Автореф. канд. дисс. на соиск. уч. ст. к.с.х. наук. Ташкент. 1967. 20 с.
3. И.Х.Ҳамдамов, С.Б.Мустанов, З.С.Бобомурадов. Суғориладиган ерларда нўхат етиштиришнинг илмий асослари.// Монография. Тошкент. “Фан”. 2007.
4. Ҳамдамов И.Х.-, Шукуруллаев П.Ш., Мустанов С.Б. Влияние полива на продуктивности нута // Тезисы докл. 1 съезда физиологов Узбекистана. Т. 1991. с. 151.

УЎТ: 635.21:64

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

ТУРЛИ КАРТОШКА НАВЛАРИНИНГ ЧИПС ТАЙЁРЛАШГА ЯРОҚЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ

In addition to the main areas of potato selection in Uzbekistan, the quality and processing capability of the past few years should serve as one of the new requirements.

В дополнение к основным областям селекции картофеля в Узбекистане качество и технологические возможности последних нескольких лет должны служить одним из новых требований.

Картошкани қайта ишлаш дастлаб АҚШда бошланган бўлса, XX асрнинг 80-йилларида Россияда ривожланди. Ўзбекистонда эса бу соҳа нисбатан янги ҳисобланади. Картошкани қайта ишланган маҳсулотларининг ассортименти кўп. Лекин улар орасида чипси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамиз қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар аҳолининг экологик соф маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал этишда картошка етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, хўжалик юриштирининг янги шакллари татбиқ қилиш, сермахсул навлардан ва юқори

сифатли уруғликдан фойдаланиш билан бир қаторда, картошкани саклаш ва қайта ишлашда фан-техника ютуқларини, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Картошкани қайта ишлаб тайёрланадиган чипси маҳсулоти таркибида инсоннинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур оксиллар, углеводлар, липидлар, витаминлар ва бошқалар мавжуд. Мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари юқори энергетик қиммати, енгил ҳазм бўлиши ва яхши ўзлаштирилиши, таъмининг ёқимлилиги, оммавий истеъмол этилиши ва бошқа кўпгина маҳсулотларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб туради.

Дунё аҳолисининг озиқ-овқат рационидида чипси маҳсулотларининг ўз улуши бор. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимизда ва жаҳонда картошкани тайёрланган чипси маҳсулотларига жуда катта талаб мавжуд.

Юқорида келтирилган маълумотлар бизнинг республика-мизда экиб келинаётган ва селекция жараёнида яратилган янги картошка навлари туганакларининг чипси тайёрлашга яроқлилигини баҳолаш бўйича ўтказилган тажрибаларимиз учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг “Ўсимликшунослик ва ем-хашак етиштириш”



ва “Чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш технологияси” кафедраларида олиб борилди. Тадқиқотларнинг объекти бўлиб, картошканинг “Феруза”, “Фаровон”, “Пикассо”, “Рамона” ва “Амбицион” навларининг 2018-2019 йилларда ёзги муддатда етиштирилган туганаклари хизмаг қилди. Чипси тайёрлаш учун йирик картошка туганакларини яхшилаб ювиб, кесиб чипси тайёрланди.

Картошка чипслари туганакларини юпка кесилиб мойда ковуриш усулида тайёрланди. Тайёрланган чипс сифати 10 киши иштирок этган М.А.Николаева (2000) томонидан тавсия этилган услубда 100 баллик шкала ёрдамида (100) аниқланди. Олинган натижалар Microsoft Office Excel 2010 ва Statistica 13.3 дастури орқали қайта ишланди.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ўрганилган картошка навлари туганакларидан энг юқори чипс чиқими (38,0-43,5% ёки 380-435гр/кг) “Феруза”, “Амбицион” ва “Пикассо” навларидан олинди. Энг паст кўрсаткич “Фаровон” ва “Рамона” навларида қайд этилди. (33,0-35,5% ёки 330-355 гр/кг). (1-жадвал).

Тайёрланган чипси маҳсулотининг истеъмол қиймати орғанолептик ва дегустацион усулларда баҳоланди. “Фаровон” ҳамда “Амбицион” навлари туганакларидан сифатли чипси тайёрлаш мумкин. Крахмали поляриметрик таҳлил (поляритрический анализ) (по Эверсу)да аниқланди. Бундай гатижалар туганаклар кимёвий таркиби билан боғлиқ бўлиб яхши ва сифатли чипс чиқими бу навлар туганакларининг таркибида бошқа навларга нисбатан қандлилиқ даражасининг пастлиги ва ўртача крахмалнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

1-жадвал.

Картошка нав ва намуналарининг чипси тайёрлашга яроқлилигини баҳолаш натижалари

Ҳар хил картошканинг ёзги навлари туганакларидан чипси чиқими				
№	Нав номи	Туганак микдори, кг	Чипси микдори	
			гр	%
1	Феруза	1	380	38%
2	Фаровон	1	330	33%
3	Пикассо	1	435	43,5%
4	Рамона	1	355	35,5%
5	Амбицион	1	385	38,5%

Хулосалар: Картошканинг “Пикассо” ва “Амбицион” навлари туганакларидаги чипси чиқими микдори юқори бўлиб, 38,5% - 43,5%ни ташкил этади. Маҳсулот сифати бўйича эса энг юқори кўрсаткич “Фаровон” ва “Амбицион” навларида аниқланади ва бу навлар шу йўналишда қайта ишлашга тавсия этилади.

Илхом БЕГИМҚУЛОВ,
мустақил изланувчи,
Ибрагим ЭРГАШЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Жаҳонгир РАЗЗОҚОВ,
таянч докторант,
Зухра САИДМУРОДОВА,
к.ф.н., доцент,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

Адабиётлар

1. Эргашев И.Т., Нормуродов Д.С., Эшонқулов Б.М. Картошка вируссиз асосида уруғчилик илмий асослари. Тошкент, 2017.
2. Boehm, G. Oligosaccharides / Boehm G., Stahl B. // Mattila Sandholm T. ed. Functional dairy products. - Cambridge: Woodhead. - 2003. - P. 203243. (3)
3. Джайилс, Н. Рост производства сэков и новый образ питания видоизменяют процесс упаковки// Тара и упаковка - №1 – 2004. (62,116)
4. Веб сайтлар: www.wday.ru

УЎТ: 636.8+636.31

ТАДҚИҚОТ

ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА УРҒОЧИ ТЎҚЛИЛАРДАН ЭРТА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

The article highlights the possibilities of using lamb in the year of their birth.

Қоракўлчилик амалиётида азал-азалдан ўстиришга қолдириладиган урғочи қўзилар даставвал 4 ойлик бўлгунига қадар оналари бағрида сут эмиб катта бўлишса, кейин онасидан ажратиблиб, алоҳида, ўз тенгқурлари сурувиға ўтказилиб, 1,5 ёшигача катта ёшли қўйлар сурувини тўлдириш ёки қўзилар

сурувлари орасига киритилади.

Кўпгина олим ва мутахассисларнинг фикрича, қочиримга тайёр урғочи қўзиларнинг тирик вазни она қўйлар вазнининг 75–80 фоизни ташкил этиши лозим, шундагина бўғозлик ҳайвон организмнинг тараққиёти ва ривож учун зарарсиз кечар экан.

Бунинг учун хўжаликларда етарли микдорда озуқа базаси яратилган бўлиши (тўйимли озуқалар керакли даражада ғамланганлиги, яйловлар ҳосилдорлигининг юқорилиги, яъни 2,0–3,0 ц/га ва ундан юқори даражани ташкил қилиши) талаб этилади.

Урғочи қоракўл қўзи-ларини улар

туғилган йилда уруғлантириш энг аввало хўжалик шароитида улардан фойдаланиш муддатини 7–12 ойга қискартириш, қўшимча тарзда қорақўл терилари олиш имконини бериши мумкин.

1-жадвал

Қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари

Ёши	Гуруҳлар	
	Тажриба M ±m	Назорат M ±m
Қора рангли		
7 ойлик	34,63±0,18	27,30±0,15
1 ёш	27,93±0,15	21,06±0,24
1,5 ёш	38,5±0,28	37,43±0,13
2,0 ёш	26,86±0,11	26,06±0,24
Сур рангли		
7 ойлик	33,63±0,11	26,10±0,16
1 ёш	25,36±0,16	20,13±0,18
1,5 ёш	38,03±0,13	37,16±0,25
2,0 ёш	26,30±0,13	25,80±0,26

Бизнинг тадқиқотлари-мизда ургочи қорақўл қўзиларини танлаш, тарбиялаб вояга етказиш, туғилган йилининг ўзидаёқ уларни қочирим жараёнига жалб этиб, улардан туғилган барча қўзиларни сўйиб, қорақўл териларини олиш ва кейинчалик улардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилганди. Ишларимизда қўзиларни қочирим мавсумига тайёрлаш учун тажриба гуруҳидаги қўзиларга 3,5 ойлигидан бошлаб 200 г. дан арпа, 400 г. дан беда ва 5 г. дан туз берилди. Яйлов озукасидан ташқари қўзиларга 0,4 озукка бир-лиги миқдоридан қўшимча озукка берилди. Қўзиларга яхши яйлов майдонлари ажратилди.

Ургочи қўзилардан туғилган йилнинг ўзидаёқ фойдаланиш жараёнида уларни сунъий уруғлантириш мавсумига тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Намунавий кун тартиби бўйича уларни кўнгилдагидек асраш ва озиклантириш ишларини ташкил қилиш, сувдан қолдирмаслик лозим бўлади.

Қуйидаги жадвал маълумотларида тирик вази ва семизлик даражасига

қараб, қўиларнинг куйга келиши ва оталаниш кўрсаткичлари келтирилган:

Бўғозлик даврида озукка бирлиги 0,56 озукка бирлигидан 0,69 озукка бирлигига етказилди, сабаби бу давр ўта масъулиятли даврдир, чунки меъёрида озиклантирилган тўқлиларда хомиланинг ўсиш ва ривожланиши бир томондан, ўз организми орган ва тўқималарининг шаклланишига олиб келади. Бу ерда ҳам бу озукка меъёри яйлов озуккасига қўшимча тарзда берилганлигини таъкидлаш лозим.

Бўғоз совлиқларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи хомила ривожланиши, тола қопламанинг ўсиши ва организмнинг физиологик эҳтиёжларидан иборат Бўғоз тўқлиларнинг соғлиги, семизлиги ва озиклантириш даражаси уларнинг туққандан сўнгги суддорлиги, хомилани ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Қўилар тўйимли озиклантирилмас, хомила яхши ривожланмайди. Аксинча, семизлиги меъёрида бўлган, соғлом совлиқлардан мустақкам конституцияли қўзилар кўпроқ туғилади. Шу туфайли бу даврда озиклантириш даражасига катта эътибор берилиши лозим. Қорақўлчиликда ургочи тўқлилардан эрта фойдаланишнинг кулай томони шундаки, бутун олинган авлодни 1–2 кунлигида тери учун сўйиш мумкин. Бу биринчи туққан совлиқлар лактациясини тўхтатиш имконини беради ва совлиқлар туққандан сўнг физиологик ҳолати ва семизлигини тиклайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биринчи марта туққан тўқлиларнинг барча қўзилари тери учун сўйилди ва териларнинг кўрсаткичлари ўрганилди.

Худди шундай ҳолат сур рангли ургочи тўқлилар авлоди терисида ҳам

кузатилди. I навли қорақўл терилар чикими 7 ойлик ургочи тўқлилар авлодида 82,66 фоизни, 1,5 ёш ургочи тўқлилар авлодида 89,28 фоизни ташкил қилди.

Қорақўл қўзиларини туғилган йилнинг ўзида қочиримга қўйиб, қўшимча қорақўл териси олиш йўли билан фермер хўжалиқлари иқтисодини мустақкамлаш имкони мавжуд. Бунинг учун қўзилар яхши ривожланган она совлиқлар вазнининг 75–80 фоизини ташкил қилувчи вазнга эга бўлган

2-жадвал

Қора қорақўл тери сифати

Навлар номи	Ёши			
	7 ойлик		1,5 ёш	
	п (дона)	%	п (дона)	%
Жами олинган қорақўл териси	78	100	85	100
Жами I навлар	58	74,35	67	78,82
Шу жумладан:				
Жакет I	2	2,56	4	4,70
Қирпук	-	-	-	-
Жакет қалин	9	11,56	12	14,11
Москва жакети	20	25,64	20	27,05
Кавказ қалин I	7	8,97	9	10,58
Ковурғасимон юпка I	7	8,97	6	7,05
Ясси юпка I	5	6,41	4	4,70
Ковурғасимон қалин I	5	6,41	8	9,41
Ясси қалин I	3	3,84	4	4,70
II навлар	11	14,10	11	12,94
III навлар	9	11,53	7	8,23

соғлом ҳайвонлар гуруҳидан танлаб олиниши лозим. Туғилган йилнинг ўзида қочирим мавсумига қўйилувчи тўқли қўзилардан қўшимча қорақўл терилари олиш фақат товар хўжалиқларда ўтказилиши лозим ва шу тажрибада туғилган барча қорақўл қўзилари умрининг неча кунлиги ва хўжалик тоифасидан қатъий назар тўлиғича қорақўл тери учун сўйилиши шарт, чунки туққан қўзиларнинг елинида етарли миқдорда сут ҳосил бўлмаганлиги, қўзилар организмни тўлиқ шаклланмаганлиги, ўсиш ва ривожланиш меъёрига етказилмаганлиги учун туғилган қўзиларнинг барчаси қорақўл тери олиш учун сўйилиши шарт.

Раббимқул РЎЗИМУРАДОВ,
қ.х.ф.н, мустақил тадқиқотчи,
СамВМИ.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3603-сонли қарори.
2. С.И Кедрова Кормление и содержание каракульских овец. – Москва: “Колос”, 1969. – 78 с.
3. В.С Жилиякова, А.К Чепелева (Основы каракулеводства). – Алма-Ата: «Кайнар», 1976. – 35 с.
4. С.Ю. Юсупов и др. Племенные ресурсы каракулеводства // Материалы международной научно-практической конференции. – Чимкент, 2018. – 87 с.

ДВУХПОЗИЦИОННАЯ ЗАЩИТА ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО МЕХАНИЗМА НА НАСОСНОЙ СТАНЦИИ В ЗАКРЫТЫХ ТРУБОПРОВОДАХ

This article devoted to using acting mechanisms and researching of using this mechanisms in water economy. Moreover given principle of work potentiometer sensor and scheme of connection in principles scheme in pump station. Given differences between methods of claw switch and potentiometer methods.

Водохозяйственный комплекс состоит из комплексного гидроузла с водохранилищем, отраслевыми сооружениями гидроузла (гидроэлектростанция, судоходный шлюз, водозаборные сооружения для орошения, водоснабжения, рыбопропускные сооружения и т.п.) и сопутствующими сооружениями (линии электропередачи, оросительные каналы, каналы, туннели или трубопроводы для водоснабжения и т.д.). Механическое оборудование гидротехнических сооружений – это комплекс устройств и приспособлений, предназначенных для выполнения сооружением технологических задач (управления технологическим процессом; защиты от плавника, мусора и т.п.). В состав механического оборудования входят: затворы, подвижные конструкции для перекрытия отверстий и регулирования расходов, уровней, перепадов уровней, объёмов воды в бьефах сооружений; сороудерживающие решётки и другие заграждения, устройства и системы маневрирования затворами и решётками; устройства для очистки решёток и вывоза сора, решетко-очистительные машины. Затворы выпускаются с ручным приводом или электроприводом. Затворы с ручным приводом имеют горизонтально расположенный штурвал. Затворы с электроприводом имеют вертикально расположенный выходной вал электропривода. Тип применяемого электропривода: редуктор-двигатель. Срок службы затвора – не менее 25 лет. Замена резинового уплотнения

должна производиться через 5 лет. Ящики управления электроприводом затворов гидротехнических сооружений предназначены для:

- реверсивного управления электродвигателем исполнительного механизма затвора от кнопок управления, установленных в изделии, по сигналам технологических датчиков и сигналам системы телемеханики;
- защиты электродвигателя и цепей управления от токов короткого замыкания и аварийных перегрузок;
- электрической защиты грузового винта исполнительного механизма затвора от аварийных перегрузок;
- отключения электродвигателя в крайних положениях затвора конечными выключателями.

Таким образом, электрическое оборудование, обеспечивающее четкую и надежную работу гидротехнических сооружений, условно можно разделить на три основных группы: силовое электрооборудование приводов; электрические аппараты, системы управления и защиты; элементы и устройства электропитания. Известно производство и использование вышеуказанных трехфазных и однофазных индукционных электродвигателей с разомкнутым магнитопроводом ряда модификаций. Несмотря на вид и тип исполнительного механизма необходимо регулировать

положение редуктора и соответственно защита от перегорание и перегрузки.

С помощью конечных выключателей отключают электропривод исполнительного механизма при достижении рабочим органом конечных положений.




Рис.1. Принципиальная схема управления защиты задвижки.

Для продолжительности срока службы исполнительного механизма необходимо установить в систему управления потенциометр. Потенциометр обеспечивает плавное включение и отключение исполнительного механизма, а также можно определить положение и установить границу стыка задвижки. На рис.1. показана принципиальная схема соединения потенциометра в систему автоматизированного контроля и защиты исполнительного механизма.

Вывод. С помощью потенциометра положение задвижки ограничивается и регулируется. Это удобно для эксплуатации, экономично, а также срок службы исполнительного механизма продлевается.

Азиз НИГМАТОВ,
ассистент,
Акрам АКБАРАЛИЕВ,
Мухаббат УЗГАНБАЕВА,
студенты.

Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации
сельского хозяйства.

Литература:

1. Ганкин М.З. Комплексная автоматизация и АСУТП водохозяйственных систем. — Москва, 1991 г.
2. Угрюмов Е.П. Цифровая схемотехника. — Санкт-Петербург, 2005 г.
3. Бородин И.Ф., Ю.А.Судник. Автоматизация технологических процессов. — Москва, 2004 г.

ЎТМИШДОШ ЭКИНЛАРНИ ТАНЛАШНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

The article describes the selection of past crops in the crop rotation system and the impact of organic fertilizer and soil fertility on crop rotation. At the same time, there was an increase in humus in winter wheat variants after the past 20 t/ha soybean and sesame seeds.

Республикамизда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўлган бир қаторда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим масалалар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш агро-мелиоратив тадбирларни сифатли ўтказиш орқали, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш билан эришиш мумкин.

Ҳар бир фермер хўжалигининг тупроқ унумдорлигини оширувчи қисқа ротацияли алмашлаб экишни жорий қилиши ва асосий экинларга ўтмишдош экинларни тўғри танлаш долзарб ҳисобланади.

А.М.Нуриддиновнинг ўтлоқи-соз тупроқлар шароитида ўтказган тажриба натижаларига қараганда, кузги буғдой, мош, кунжут, соя экилганда, тупроқ унумдорлиги бир мунча ортиши, унинг технологик сифати яхшиланганлиги кузатилади.

Е.Садыков Қорақалпоғистоннинг шўрланган тупроқларида олиб борган тадқиқотларида, кузги буғдойни алмашлаб экиш тизимининг ем-хашак далаларида озуқа етиштиришни жадаллаштириш учун бир йиллик озуқа ва буғдой+кунжут+мош+соя экинларини қўшиб ва зичлаштириб экиш усулини қўллаш билан чорвачилик учун юқори тўйимли мўл озуқа олиш мумкинлигини кўрсатди. Тупроқда эса 25,0-38,0 ц илдиш ва анғиз қолдиқлари тўпланган. Ундан кейин экилган сидерат экинларидан эса 30,5-31,4 ц/га кўк масса ҳосили олинган.

Тупроқ шўрланишини камайтириш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги ҳамда сифатини ошириш учун агро-мелиоратив тадбирларни олиб бориш, алмашлаб экишда асосий экинларга ўтмишдош экинларни тўғри танлаш, ерга органик ва сидерат ўғитларни қўллаш муаммоларни ҳал қилиш йўли деб ҳисоблаш мумкин.

Шунинг учун, ўтмишдош экинларни танлаш, алмашлаб экиш тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда экинларни тўғри танлашни илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги масалалардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида дала тажрибалари олиб борилмоқда. Бунда 2018 йил баҳорида экиладиган экинлар танланди. Тажрибада 1-вариантда кузги буғдой монокультурасида кузги буғдой, 2-вариантда 1:2 навбатли экиш тизимида дон учун мош+кузги буғдой, 3-вариантда дон учун кунжут+кузги буғдой, 4-вариантда дон учун соя+кузги буғдой, 5-вариантда дон учун мош+10 т/га гўнг+кузги буғдой, 6-вариантда дон учун кунжут+10 т/га гўнг+кузги буғдой, 7-вариантда дон учун кунжут+10 т/га гўнг+кузги буғдой, 8-вариантда сидерат учун мош+20 т/га гўнг+кузги буғдой, 9-вариантда дон учун кунжут+20 т/га гўнг+кузги буғдой, 10-вариантда дон учун соя+20 т/га гўнг+кузги буғдой.

Қорақалпоғистон Республикаси шўр тупроқ шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг энг мақбул тизими, кузги буғдойнинг ҳосилдорлигини ва тупроқ унумдорлигини оширувчи минерал, органик, сидерат ўғитларнинг меъёри ва экинлар структурасини аниқлашга эришилади.

Тадқиқотда қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида сидерат ва органик ўғитларнинг таъсири ҳамда алмашлаб экишга киритилган экинларнинг тупроқ унумдорлигига таъсир аниқланди.

Тажрибада олинган натижалар таҳлил қилинганда, 20 т/га гўнг солиниб, сидерат учун мош, дон учун соя ва кунжут ўтмишдош экинларидан кейин кузги буғдой етиштирилган вариантларда фақат кузги буғдой (монокультура) етиштирилган вариантга нисбатан тупроқ ҳажм оғирлиги 0-30 см қатламда 0,05-0,08 г/см³ гача камайганлиги маълум бўлди. Бу эса

сидерат ва органик ўғитларнинг ҳамда алмашлаб экишда ўтмишдош экинларнинг тупроқ зичлигини яхшилашдаги ижобий таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, тупроқ ғовақлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқ структурасининг яхшиланишида аҳамияти қатта бўлди. Фақатгина кузги буғдой етиштирилганга нисбатан алмашлаб экиш экинларини тўғри танлаш, сидерат ва 20 т/га органик ўғитлар қўлланилса, тупроқнинг сув-физик ҳолатлари яхшиланишидан далолат беради.

Тажрибада тупроқ таркибидаги гумус ва озик элементлар микдорига қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимига киритилган экинлар ҳар хил таъсир этади. Озик элементларидан азот, фосфор ва калийнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари микдорига таъсир этиши, уларнинг динамикаси, тупроқдаги гумус микдорига қандай таъсир қилган бўлса, худди шу қонунийлик кузатилади.

Қўлланилган 20 т/га гўнг, сидерат учун мош, дон учун соя ва кунжут ўтмишдош экинларидан кейин кузги буғдой етиштирилган вариантларда фақат кузги буғдой (монокультура) етиштирилган назорат вариантга нисбатан гумус микдори 0,120-0,150% гача ортиқроқ бўлганлиги кузатилади бўлса, НРКнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари назоратга нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 20 т/га гўнг солиниб, сидерат учун мош, дон учун соя ва кунжут ўтмишдош экинларидан кейин кузги буғдой етиштирилганда тупроқ агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларининг яхшиланиши эвазига кузги буғдойнинг ўсиб-ривожланиши жадал кечиби, юқори ва сифатли ҳосил тўпланишига замин яратилади.

Дилфуза КУТЛЫМУРАТОВА,
таянч докторант,
ТошДАУ Нукус филиали.

Адабиётлар:

1. Нуридинов. А.М. Муҳим агробиологик тадбир. Пахта мажмуида зироатлар етиштириш технологияси. Республика илмий-амалий анжумани. Т.: 1996. Б. 107-108.
2. Садыков Е. Интенсификация кормовых полей хлопковых севооборотов на луговых засоленных почвах Каракалпакстана. Автореферат дисс. кан. с-х. Наук. Т.: 1993. С. 20.

МАССОВОЕ РАЗМНОЖЕНИЕ СЕРОГО ПОЧКОВОГО ДОЛГОНОСИКА И БАБОЧКИ УЛИТКИ НА ФИСТАШКЕ НАСТОЯЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

In Uzbekistan, the main pests are damaged pistachio plants. Which create negative conditions for the yield of this crop. These pests are *Sciaphobus squalidus* Gyll. And *Apteroma crenulella*.

Ущерб, наносимый сельскому и лесному хозяйству вредными насекомыми, доходит, по экспериментальным оценкам FAO, до 30% урожая.

Одной из наиболее ценной породой в Узбекистане является фисташка настоящая, которая может успешно расти и плодоносить в исключительно засушливых условиях, где другие породы без искусственного орошения произрастать не могут.

Значение фисташки велико. С одной стороны, это основная лесообразующая порода в аридных предгорьях практически на всех хребтах Узбекистана, имеющая почвозащитную и водоохранную роль благодаря мощной корневой системе. С другой стороны, это ценный «орехонос», плоды которого, так называемые фисташковые орехи, высококалорийный диетический продукт. Благодаря высоким вкусовым качествам, плоды фисташки на мировом рынке оцениваются в 3-4 раза дороже плодов грецкого ореха и миндаля.

К настоящему времени площадь естественных насаждений фисташников в Узбекистане составляет 30 тыс. га. Кроме того, имеется Постановление Президента 2699-ПП от 11 мая 2017 года, согласно которому намечается создать в ближайшие 3 года 10000 га фисташковых плантаций на землях ГЛФ.

Однако, санитарное состояние фисташковых насаждений находится в крайне неудовлетворительном состоянии. Фисташковые насаждения страдают от целого комплекса вредных организмов. Потери урожая от влияния патогенных организмов в отдельные годы превышает 65 %, а иногда в период массового размножения вредителей и болезней до 80 %.

Обследование фисташковых план-

таций, проведенное в апреле – июне 2019 года на Галля-Аральском участке (20 гектаров) Джизакской области и на участке Джуш (70 гектаров) Самаркандской области показали, что фисташковые насаждения в сильной степени повреждаются двумя видами вредителей. Из жуков большое распространение имеет серый почковый долгоносик

Наиболее часто, также отмечена на обоих участках бабочка улитка.

Обследование плантаций фисташки настоящей позволило установить численность и процент повреждений листьев фисташки вышеперечисленными вредителями. Массовое размножение обоих видов вредителей в Узбекистане отмечено впервые.

Наиболее многочисленным в насаждениях отмечены жуки серого почкового долгоносика, при этом заселенность растений колебалась в пределах от 70 до 95%. Серый почковый долгоносик – полифаг. Как отмечается в научной литературе, вредит многим плодовым и ягодным культурам, винограду, декоративным растениям, листовым лесным породам. Родиной данного вида являются леса горного Крыма, Кавказ и Северный Иран. ([www.Pesticidyru/серый почковый долгоносик](http://www.Pesticidyru/серый_почковый_долгоносик)).

Обычно зимуют жуки и личинки в почве. При наступлении ранней весной положительных температур + 10 °С, вышедшие после зимовки жуки приступают к питанию в начале набухания почек. Почки съедают полностью или выгрызают в них отверстия, что впоследствии приводит к деформации листьев.

При массовом развитии больше всего повреждаются бутоны и цветы. Жуки при питании на цветах выедают в них пестики и тычинки.

Спаривание жуков было отмечено нами в мае, после чего самки откладывали яйца на тех же растениях, на которых они питались. Плодовитость самок составляет от 25 до 62 яиц, хотя

в литературе имеются сведения, что количество яиц может колебаться от 20 до 40 штук. Развитие личинок в яйце проходит от двух до трех недель, и зависит от погодных условий года.

Появившиеся личинки падают с листьев на землю, затем углубляются в почву, там они питаются молодыми корешками фисташки. В почве они остаются до августа следующего года. В сентябре -октябре достигнув полного развития личинки, окукливаются, появившиеся из куколок жуки остаются в почве до весны следующего года. Генерация серого почкового долгоносика двухгодичная. В результате своей жизнедеятельности урожайность фисташки снижается на 50-60%.

Кроме серого почкового долгоносика в насаждениях фисташки также было отмечено массовое появление бабочки улитки. Эта бабочка относится к семейству Мешочницы (Psychidae). Самцы крылатые, самки гусеницеобразные бескрылые. Гусеницы очень теплолюбивые, живут в чехликах похожих на улитку или в мешках, что соответствует названию семейства. Питаются гусеницы листьями. Зимует обычно гусеницы средних возрастов. Окукливание гусениц происходит в чехлике.

Поэтому, разработка эффективных мер борьбы с вышеперечисленными вредителями является актуальным вопросом при выращивании фисташки в Узбекистане.

Отабек ХУЖАЕВ,
к.с.х.н., зам. дир.,
Руслан СУЛТАНОВ,
к.б.н., зав. лаб.,
Одина НАЗАРОВА,
докторант,
Алишер НАРБАЕВ,
соискатель,
НИИЛХ.

Литература:

Романенко К.Е. Вредители фисташки в Киргизии и меры борьбы с ними. — Фрунзе: Издательство «ИЛИМ», 1984, с.100.



ЎСМА НИМА?

Ўсма – Вайда красильная – *Jasatis tunetoria* Z. Вайда – Ўсма туркумига Бутгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, унинг Ўзбекистонда 5 тури мавжуд. *J. Boissieriana* Rechb. – Вайда Буассье; *J. Violascens* Bge. – Вайда фиолетовая – Ўсма сиёхранг; *J. Hirtocalux* – Ўсмадумбок гулбаргли; *J. tinctoria* Z. – Бўёкли ўсма; *J. Minctoria* – кичкина ўсма. Бу ўсимликлар Ўзбекистоннинг чўл зоналарида тарқоқ ҳолда ўсадилар. Булар орасида *Jasatis tunetoria* Z. маданийлаштирилган. Бўёкли ўсма бир йиллик ўт ўсимлиги бўлиб, унинг пояси ва барги сиёхранг кўринишда, кейинчалик у яшил рангга киради.

Пояниг узунлиги 30-90 см, шохланган. Илдиз олди барглари чўзинчок бандли четлари тишсимон қирқилган. Поядаги барглар чўзинчок-ланцет кўринишда бўлиб, пояга барг банди билан ёпишган бўлиб четлари текис қирқилмаган. Гул коса барглари узун 1,3-1,5 мм ташкил этади. У апрель-май ойларида гуллайди. Гули коса барги сариқ тусда бўлиб, 3-5 мм ташкил этади. Мева банди 5-7 мм узунликда бироз пастга қараб қийшайган бўлиб, учи қаттиқ. Меваси узунчок 14-16 мм, эни 3-4 мм бўлиб, текис-узунчок тиғизли кўсакча асосда бироз ботикли бўлиб, четлари лабсимон қанотлардан иборат туксиз ёки қиска қуюқ майда тукчаларидан ташкил топган. Уруғи юпка қобикли, учи тўмтоқ узунчок кўсакча ичида жойлашган. Уруғи яхши унади 100 та уруғдан 85-92% майсалар ҳосил бўлади. 1000 та уруғининг оғирлиги 8,6-11,2 граммга тенг. Уруғининг униши учун етарли температура ва намлик бўлиши зарур. Уруғ 24-28°C температурада ердан униб чиқиш қобилиятига эга. Пояси тик ён шохчалар ҳосил қилади. Гуллари ана шу поя ва шохчаларда жойлашади. Басма, ўсма гумусга бой соз тупроқларда яхши ўсади. У республикамизнинг барча вилоятларида яхши ўсади. У асалчил ўсимлик ҳисобланади.

Ўсмани илдизи тиогликозидлар: синигрин саклайди. Ерустки қисми сапонинлар, витамин С:В, каротин борлиги аниқланган. Баргида ализарин, индиготин бўёқлари 0,5%, азотсакловчи модда индоксил – 5 – кетоглюконат. Флавоноидлардан изоскопирин аниқланган. Уруғи таркибида 28-32,8% май бўлиб, унинг йод сони 112-150 ташкил этади ва уни таркибига (% ҳисобида) линоленли 27,7; эруколи 25,5; олеинли 16,19; линолевли 10,49; арахисли 10,22; лигноцеринли 3,47; пальмитинли 3,4; стеринли 1,29; эйкозодиенли 0,92; эйкозеновли 0,57; пальмитолеиновли 0,21; борлиги аниқланган.

Ерустки қисмидан тайёрланган сироп кизамиқ касалида юкори антибактериал хусусиятга эгаллиги ўрганилган ҳамда шиш касалини даволашда ижобий натижа олинган.

Ерустки қисмидан тайёрланган дамламасининг концентрацияси тери касалликларда, чипкон, яраларда ва дерматолитнозда, ички касалликларда талоқ (слезенка) ни тузатишда, баргидан тайёрланган мовий бўёқ орқали жунли ва ипакли матоларни бўяшда ишлатилади; Ўрта Осиё халқлари, айниқса, аёллар косметологияда қош ва киприкларни бўяшда бу бўёқдан фойдаланиладилар. Унинг киприк орқали кўзга таъсири кучли, яъни кўз қорачиғининг кўриш қобилиятини кучайтиради. Уруғидан тайёрланган мойдан тасвирий санъатда мой қаламларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган. Ўсманинг ҳамма турларида алколоидлар бор ҳамда ўсимлик мойлари 27-30%, ундаги йод сони 112-150 аниқланган.

Россияда ўсманинг *J. tinctoria* навидан экин майдонлари ташкил қилиниб, унинг хомашёсидан кўй ва қорамоллар учун озука тайёрланади. У вегетация даврида 2 марта ўриб олинади ва силос тайёрланади. Ўсимликнинг ҳосилдорлиги 400-600 ц/га. Агарда у 2 марта ўриб олинса, гуллаган даврида 1 га плантациядан ўсмадан 75 кг/га асал олиш мумкин.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бўёқбоп ўсма қадимдан Ўрта Осиёда яшовчи аёлларимиз учун косметик товар бўлса, Россияда ва Украинада уни ем-хашак сифатида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун ем ва силос ўрнида фойдаланилади. Японияда ундан кизамиқ касалликларига дори воситалари, Америка Қўшма Штатларида ўсма таркибидаги ализарин бўёқ моддалари олиниб, пахта толасидан тайёрланган материалларни Масалан Шена мовий ва кўк-мовий рангга бўяйдилар. Бўёкли ўсмада гликозидлар, сапонинлар, витаминлар, флавоноидлар, алколоидлар ҳамда уруғи таркибида юкори микдорда ўсимлик мойи борлиги аниқланган.

Суръат САЛИХОВ,
профессор, б.ф.д.,
Султон ШАРИПОВ,
доцент, т.ф.н.,
ТДАУ.

Адабиётлар:

1. Холматов Х.Х., Хабибов З.Х. “Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари”. Т. 1968:26-27 б.
2. “Растительные ресурсы СССР”. М-Л, - 1985, 240 стр.
3. “Флора Узбекистана” Т.III, 1967.: 148 с.
4. Хайдаров Қ.Х., Ходжиматов Қ.Х. “Ўзбекистон ўсимликлари”. 1978.:137-151 б.



Республика раҳбари Ш.Р. Рашидов
В.Хайдуров, А.Тоиров ва Х.Латипов билан
бирга пахта далаларида (1981 й.)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш муҳимлиги таъкидланди.

Шунга мувофиқ, яқинда Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги мактабларнинг бирига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик дарғаларидан бири – Абдулхай Тоиров номи берилди ва мактаб олдида ушбу машҳур чўлқуварнинг бюсти ўрнатилди.

Шу муносабат билан, Абдулхай Тоировнинг шогирди – “Мирзачўлқурилиш” Бош бошқармаси собиқ бошлиғи, Жиззах вилояти собиқ раҳбари, Давлат мукофоти лауреати Тўхтамиш Боймировнинг устози ҳақидаги эсдалигини чоп этишни лозим топдик.

Абдулхай Тоиров 1912 йилда туғилган. Хўжалик агрономлигидан йирик давлат ва жамоат арбобигача бўлган йўлни босиб ўтган. Мирзачўл (ҳозир Гулистон) туманининг раҳбари, Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ижроқўмлари раиси, Бухоро, Наманган вилоятлари биринчи раҳбари, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг аъзоси, 1963 йилдан умрининг охиригача (1988 й.) “Ўртаосиёирсовхозқурилиш” Бош бошқармаси раёсат аъзоси – қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлган.

ТАҲРИРИЯТ.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида қакраб ётган дашт-биёбондан гуллаётган бўстонга айланган Мирзачўлни, бу тарихий жараён марказида турган инсонларни эласам, биринчилар қаторида Мирзачўлнинг бош агрономи деб танилган Абдулхай Тоировнинг нурли сиймоси кўз ўнгимга келади.

Ўз даврида Мирзачўлнинг минглаб дипломли агрономлари бор эди, бироқ умуммирзачўлнинг бош агрономи деб фақат Абдулхай Тоиров тан олинганди. “Умуммирзачўл агрономи” деган хизмат вазифаси ёки унвони расман таъсис этилмаган, албатта. Бу шарафли номни Абдулхай акага халқ берганди. Мирзачўлликлар чорак асрдан ортиқроқ уни шундай атаб келдилар ва мазкур шарафли ном унга энг навқирон йилларини Мирзачўлнинг бепаён бархон ўрнида боғубўстон ва гулистонлар деб аталган шаҳарлар, бир биридан қолишмайдиган юзлаб кўрғончалар бунёд этишга, юз минг гектарлаб ерларни ўзлаштиришга ва уларда миллион-миллион тонналаб пахта, дон ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришга катта ҳисса қўшгани учун берилган мукофот эди.

Мирзачўл агрономи деган ном жуда улуғ мақомда бўлиб, бундай номни қозониш ва унга муносиб бўлиш осон иш эмас эди. Аввало Мирзачўл сарҳадини кўз олдимизга келтирайлик: бугунги уч мустақил давлат – Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон республикаларининг бепоён кенгликлариди ястаниб ётган, ғарб ва шимолда Сирдарё ўзани билан, жанубда Туркистон ва асосий Нурота тоғлари, жануби-ғарбда Қозоғистон ва

жанубда Тожикистоннинг Зафаробод минтақаси (тарихий ҳақиқат юзасидан айтганда, ўтган асрнинг 60-йилларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан дўстона тақдим қилинган) билан чегараланган, 10 минг квадрат километрга тенг келадиган ҳудуд назарга олинса, бу жаҳон харитасидаги айрим давлатларнинг бир нечаси ҳудудига

тенг келишини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ...

1963 йилда Ўрта Осиё кўрик ерларини ўзлаштириш, ирригация, мелиорация ва давлат хўжаликлари

қурилиши билан шуғулланувчи махсус давлат ташкилоти – “Ўртаосиёирсовхозқурилиш” Бош бошқармаси тузилди ва Москвадаги раҳбарият Ўзбекистон вакили А.Саркисовни унинг бошлиғи этиб тасдиқлади. Табиийки, умумиттифоқ мавқеига эга бўлган мазкур ташкилотда кейинги масъул ўринларни бошқа республикалар вакиллари эгаллашлари керак эди. Бироқ, айтишларича, бу масала нуфузли идора мажлисида кўрилганда Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов унга алоҳида тўхталиб, шундай деган экан: “Чўлларда, хусусан Мирзачўлда биздан олдин ҳам кўпгина қурилишлар бўлган, чўлда дехқончилик қилиб ҳосил олиш учун кўпгина уринишлар қилинган, лекин уларнинг аксарияти бесамар тугаган. Бунинг бош сабаби шунда эдики, билимдон муҳандис-техник ходимлар, миришкор дехқонларимиз кам бўлмаса ҳам, лекин уларнинг аксарияти ўз томорқасининг, нари борса беш-ўн таноб ернинг миришқори бўлишган. Минг гектар, юз минг гектарлар миқёсида фикр қиладиган, иш юритадиган, чўлга катта чўкқидан туриб назар ташлай оладиган агрономлар ўтмишда етишмаган ва ҳозирда ҳам

МИРЗАЧЎЛНИНГ БОШ АГРОНОМИ

камдан-кам топилади. Умуммирзачўлнинг агрономи – бу оддий агроном эмас, у академик-агроном бўлиши керак эди ва биз шундай агрономни топгач, Мирзачўлда ғалаба қозона олдик. Бугун эса Ўрта Осиё чўллари бўйлаб назар ташлай оладиган, фикрлайдиган академик-агроном керак. Бу эса бутун онгли ҳаётини Мирзачўлни ўзлаштириш ишига қаратган Абдулхай Тоировнинг қўлидан келади деб ишонаман...”

Ана шундай тавсия билан Абдулхай Тоиров Ўрта Осиё микёсида чўлларни ўзлаштириш билан шуғулланишга ихтисослашган Бош бошқарма Қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ва раёсат аъзоси этиб тасдиқланди. Мирзачўлнинг бош академик-агрономи энди бу ерда орттирган бой тажрибани бутун минтақа микёсида татбиқ қилишга ўтди ва бу вазифада узоқ йиллар давомида самарали ишлади.

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, вазифа ва мансаб уларни эмас, улар мансабларни безаб, шон-шарафга буркаб турадилар. Уларнинг самарали хизматлари туфайли, у ёки бу вазифа янада улуғворроқ салобат касб этади. Абдулхай ака қаерда ишлаган, ўз ишининг билимдони, оқиллиги ва оқ кўнгиллиги билан ажраб турарди. Мирзачўлда оддий курувчи-муҳандис бўлиб ишлаган йилларимдаёқ бу инсонни Усмон ота Юсупов шарофати билан танишга муяссар бўлган бўлсам, кейинчалик йўл

қурилиш бошқармасида мутахассис, бошқарма бошлиғи, “Мирзачўлқурилиш” бошлиғи ва ниҳоят Жиззах вилоятига раҳбар бўлиб ишлаган йилларимда ҳам мен унинг қимматли маслаҳатларидан баҳраманд бўлдим ва ҳар сафар унинг қишлоқ хўжалиги масалаларида нақадар катта билим ҳамда тажрибага эга эканлигига қойил қолардим.

Нафақат биз, нисбатан ёш авлод, балки унинг тажрибасидан ва маслаҳатидан республикамиз раҳбарлари ҳам кенг фойдаланганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Хўжаликлар, туманлар истиқболлини белгилаш, ҳосил етиштиришда, агротехник тадбирларда, хирмон чўғини чамалаб кўришда раҳбарлар Абдулхай аканинг фикри билан ҳисоблашардилар. Шу боисдан бўлса керак, республика раҳбари Шароф Рашидов ҳар сафар чўлга ташриф буюрар экан, “академик-агроном” унинг ёнида бўларди.

Биз маҳаллий раҳбарлар айрим, чўл билан боғлиқ ҳукумат даражасидаги муаммоларимизни Абдулхай аканинг таклиф ва мулоҳазаси орқали ҳал қилар эдик. Ойлаб-йиллаб бизни қийнаган муаммоларни Абдулхай ака ечиб кетарди... Бу унинг сўзи ҳукумат раҳбарлари олдида алоҳида салмоққа эга эканлигидан далолат эди...

Мирзачўлнинг шундай саркардалари борки, уларни марҳум дейишга ҳаққимиз йўқ. Чунки улар ўзлари яратган буюк ишлари ва ўчмас излари билан абадий барҳаёт. Уларнинг ҳар бирини номма-ном санагим

келади. Агар уларнинг орасидан энг юқори поғонада турган улуғларнинг номини келтирадиган бўлсам, Абдулхай ака ҳеч шубҳасиз юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Биздан бир кун бўлса-да олдинроқ чўлга келганларнинг бариларини ўзимга устоз деб билгим келади. XX асрда Мирзачўл учун жон олиб жон берганлар орасида бир неча улуғ сиймоларни эса “Улуғ устозлар” деб этагидан абадул абад миннатдорлик билан тутгим келади. Улардан бири Абдулхай ака деб фахр-ифтихор билан айта оламан. Банди оғирона яна бир шахсий фикримни айтиб ўтай: Мирзачўл тарихида қаҳрамонлар кўп, уларнинг ҳар бирларининг ўз муносиб ўринлари бор. Лекин мирзачўлликларнинг ҳамма томонидан бирдай тан олинган тўрт улуғ устози бор деб биламан, булар ҳеч шубҳасиз Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, Ақоп

Саркисов ва Абдулхай Тоировдир. Усмон ота чўлни комплекс ўзлаштиришда буюк ғоя муаллифи, Шароф ака Мирзачўлнинг буюк архитектору, Саркисов Мирзачўлнинг буюк курувчиси ва ниҳоят, Абдулхай ака Мирзачўлнинг академик-агрономи бўлиб тарихга кирдилар. Бу номни уларга халқ берди, уларнинг улуғ хизматларини тан олган сафдошлари, замондошлари берди... Абдулхай ака ана шундай камтар ва содда, оддий ва самимий инсон эди. Унинг Мирзачўлнинг академик-агрономи эканлигини давлат арбоблари ва халқ баб-баравар тан оларди. Назаримда бу шарафли ном бу улуғ инсоннинг ярим асрлик чўлқуварлиги давомида олган барча мукофот ва унвонларидан баланд ва мўътабарроқдир.

Тўхтамиш БОЙМИРОВ,



Республика раҳбари Шароф Рашидов чўлқуварлар оқсоқоли, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” Абдулхай ака Тоиров ва “Мирзачўлқурилиш” Бош бошқармаси бошлиғи Тўхтамиш Боймиров билан суҳбатлашмоқда (1977 й.)

БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг номини қачон тилга олмайлик, назаримизда баҳор кириб келгандек бўлаверади. Чунки шоира халқимиз назарида аллақачон баҳор рамзига айланиб бўлган. Бу, албатта, бежиз эмас, чунончи, халқимизнинг суюкли шоираси баҳорнинг илк кунда таваллуд топган. Фаслларни бирдек кўрган бўлса-да, шоира баҳорни алоҳида меҳр билан тилга олади, кўплаб шеърларини ушбу фаслга бағишлайди. Қуйида унинг бир қатор шеърларини чоп этар эканмиз, Зулфиянинг баҳор фаслига бўлган чексиз муҳаббатига яна бир бор амин бўламиз.



БУ ОҚШОМ

*Бу оқишом пориллар дил нурингизда,
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан
Турибман, азизлар, хузурунгида
Ҳамон ўтлиғ кўнгили, ёруғ юз билан.*

*Ҳамон мулкимдаги сийму зарим - шеър,
Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон.
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,
Орзуларим карвон, сарбоним - ишонч.*

*Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним
Азиз ёди аро шикаста, бутман.
Ишқим - алангадир, қордир ҳижроним,
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.
Иккита кўзимга икки қорачиғ -
Мунисим Хулқарим, алпим Омониим.
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ,
Ҳар бири жонига пайванддир жсоним.*

*Номлари, ёдлари пайғамбар монанд,
Ҳазрат устозларим - теран илдишлар.
Мен ундан жсон олиб кўкарган дарахт,*

*Меваси - қалбимдан отилган сўзлар.
Ҳикматлар бағрида дур, марваридим
Аждодларим менга ифтихор, ғурур.
Шу мавжлардан толган нуқра умидим
Шоира қизларим бахш этган сурур.*

*Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари.
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар - бир боғлар бўлади ҳали...*

*Ҳамон эътиқодим - ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тўтиб Каъбага.
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дорилмомон, ҳур,
Бахтим шул - ўзбекнинг Зулфиясиман.*

1995

БАҲОР

*Инсон кўзларида жсон олар баҳор,
Барча томирида унинг тўлқини.
Ўтмишнинг беҳуда они каби қор,
Беиз, бедард эриб кетар учқуни.*

*Инсон кўзларида жсон олар баҳор,
Ўйинқароқ гўдак сингари булут.
Кўк қовоғи уюқ, ёрқин бир виқор
Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.*

*Баҳорнинг сеҳрғар боқий чиройи
Ёшу кекса кўнглин овлайди бирдак.
Кўзгун синдириб ташлар. Киройи
Ҳар кишининг ёши бу фасл дилдак.*

*Ҳар нурга, ҳар қушга, ҳар куртакка шод
Бениҳоя яқин бўлади йироқ,
Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод,
Ҳар тикилган чигит кўксинг этар тоғ.*

*Баҳор бўлмасайди, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт...*

ДЕМАК, БАҲОР КЕЛДИ...

*Синди киши тўқиган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.
Она нигоҳидай мулоийм нафас
Замину Осмонни бағрига олди,
Демак, баҳор келди.*

*Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг
Одим, чеҳрасида эзгу рўшнолик.
Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг
Зилол барин тўтиб югурар шодлик,
Демак, баҳор келди.*

*Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,
Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар,
Ер такрору бетакрор шик қўл билан
Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,
Демак, баҳор келди.*

*Саховат момоси — тотинг кўксидан
Кўприб, ҳайқириб сути тўкилмиш,
Зарраси сочилган музлар устида
Шошқалоқ гунчалар чоки сўкилмиш,
Демак, баҳор келди.*

*Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ
Тўлишган танини солмиш офтобга,
Дехқон қулоғига таниш кўнғироқ —
Жарангдор куртаклар етибди тобга,
Демак, баҳор келди,*

*Яна бедор, маъсум тун ой оғушида
Одимлайди сирлар, ширин шивирлар.
Бетобе шаббода нур ҳовучида
Юлдуздай сепмакда жоду, сеҳрлар,
Демак, баҳор келди.*

*Келди баҳор! Кетар ташлаб уйғониш,
Бутун куррамизга битта баҳор у!
Одилми, қотилми — ҳар жсонга таниш,
Меҳр маъбудаси - Наврўз наҳор бу,
Ахир, баҳор келди.*

*Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,
Жаҳонда қанча жсон чиқмайди пешвоз.
Дехқон уруғ сочсин, ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга қайтсин боз,
Ахир, баҳор келди.*

*Не масъуд хузур бу, ёруғ жаҳон бу,
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.
Давлатлар! Илтижо, фармон, исён бу!
Баҳор йўлларида сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!*

*Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,
Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе,
Абад қонундир элтмоқ севинчлар,
Қабоҳат, хунрезлик бўлмасин моне,
Баҳор боқий келсин!*

*Ўқ отган кемалар денгизга ботиб,
Чирисин! Тин олсин эллар, оламлар.
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!
Баҳор боқий келсин!*

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОВЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№3. Март

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”	1
Т.ДОЛИЕВ. Кўкламнинг қутлуғ қадами	4
Сув хўжалиги: режалар улкан, имкониятлар етарли	5
Илмий ёшлар аграр соҳа келажагидир	7
Ш.ТЕШАЕВ, Р.СИДДИҚОВ, Қ.ТЎРАҚУЛОВ. Ғалла парвариши мўл ҳосил заминдир	8
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, А.ПАРДАБОЕВ. Боғларда баҳор нафаси	11
Б.ЭСОНОВ. Резавор мевали ўсимликлар	12
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ. Чигит экиш сифати – ҳосил баракаси	13
Ш.РУСТАМОВ. Мўндида сув ичган кулол	14
Сувчиларнинг кўнглида кўклам	15
Ш.НОРМУРОДОВ. Жойларда бу йил сув танқислиги кузатиладими?	16
Ш.ЖАББАРОВА. “Жун” канали реконструкция қилинмоқда	17
Ғ.ОТАЖОНОВ, М.ҲАБИБУЛЛАЕВ. Маликчўлда сув муаммоси бўлмайди	18
Нукусдаги “Анасай” канали 33 йилдан сўнг қайта қазилмоқда	18
К.ЭРГАШЕВ. Эл ичра азизлардан	19
Имтиёздан манфаатдорликкача	20
С.ЖЎРАЕВА. Меҳнати беминнат сувчи хотин-қизлар	21
Х.КАРИМОВ. Сирдарёда обуна ўйинлари	22
К.ЭРГАШЕВ, А.ТОИРОВ. Анорчиликнинг фидокори	23
Тилларда достонимсан аёл	24
Р.ЮСУПОВА. Шижоатли одамлар	25
Р.ТОЖАЛИЕВА. Меҳнат завқи	26
Даромади меҳнатига яраша	26
Ш.МАДАТБОЕВ. Янги даврни бошлаб берган тарихий Мурожаатнома	27
Н.БЕРДИЕВА. Орол денгизи тақдирига бефарқ эмасман	27
Х.КАРИМОВ. Қисқа муддатда эришилган ютуқ	28
Ш.НОРМУРОДОВ. Яйловларда кўклам нафаси	29
А.АБДУҒАНИЕВ. Рақамли иқтисодиёт ва уни шакллантириш	30
Д.ЁРМАТОВА, РАКРАМОВА, С.АБДУНАЗАРОВ. Зайтун мойи – фойдали мой	31
Р.НАЗАРОВ. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги жаҳон андозаларига мосми?	32
А.АХМЕДЖАНОВ, А.МАМАРЎЗИЕВ, Э.КАРИМОВ. Ғўзанинг истиқболли янги “Зафар” нави	33
Б.АБДУЛЛАЕВ, Д.УТАМБЕТОВ, У.АБЫЛЛАЕВ. Новый перспективный сорт озимой мягкой пшеницы “Уткир”	35
С.САНАЕВ, И.АМОНТУРДИЕВ, И.САПАРНИЯЗОВ. Эртаги муддатда сабзавот (ширин) маккажўхоридан юкори ҳосил олиш технологияси	36
С.МУСТАНОВ, Г.СУВОНОВА. Нўхат навлари уруғларининг биологик хусусиятлари	37
И.БЕГИМҚУЛОВ, И.ЭРГАШЕВ, Ж.РАЗЗОҚОВ, З.САИДУРОДОВА. Турли картошка навларининг чипс тайёрлашга яроқчилигини баҳолаш	38
Р.РЎЗИМУРАДОВ. Кўракўлчиликда ургочи тўқилардан эрта фойдаланиш имкониятлари	39
А.НИГМАТОВ, А.АҚБАРАЛИЕВ, М.УЗГАНБАЕВА. Двухпозиционная защита исполнительного механизма на насосной станции в закрытых трубопроводах	41
Д.КУТЛЫМУРАТОВА. Ўтмишдош экинларни танлашнинг тупроқ унумдорлигига таъсири	42
О.ХУЖАЕВ, Р.СУЛТАНОВ, О.НАЗАРОВА, А.НАРБАЕВ. Массовое размножение серого почкового долгоносика бабочки улитки на фисташке настоящей в Узбекистане	43
С.САЛИХОВ, С.ШАРИПОВ. Ўсма нима?	44
Т.БОЙМИРОВ. Мирзачўлнинг бош агрономи	45
Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали (Зулфия таваллуди муносабати билан)	47

Журнал Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjournal_uz

© «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил 2 март. Босишга руҳсат этилди: 2020 йил 3 март. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Оффсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №2/03. Нусхаси 1750 дона.

RELIABLE PRINT
МЧЖ да чоп этилди.
Корхона манзили:

Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

Азиз юртодошлар!
Қишлоқ ва сув хўжалиги фидойилари!
Сизларни кириб келаётган
бахор байрами -

Наврўзи олам билан

муборақбод этамиз.

Хонадонингизга хуррамлик,
кўнглингизга хотиржаллик
тилаб қоламиз.

Баҳорий кайфият сизни асло
тарк этмасин.

Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани
Ирригация бўлими жамоаси

Perkins®

THE HEART OF EVERY GREAT MACHINE

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини гўзаллик, нафосат, уйғониш фасли бўлган Наврўз айёми билан чин қалбдан табриқлаймиз. Кириб келаётган Наврўз байрами файзу барака, дастурхонимизга тўкин-сочинлик олиб келсин.

“Agri Import Trade” хусусий корхонаси жамоаси

ПЕРКИНС (PERKINS) 15W-40 дизел мойи

Қишлоқ хўжалиги техникалари, юк машиналарига ҳамда барча турдаги дизель моторлар учун мўлжалланган экологик тоза ва EURO-IV, EURO-III, EURO-II халқаро стандарт ва нормаларга жавоб берадиган 15W-40 дизель мойи. 20 литрли елим идишларда қадоқланган. Ишлаб чиқарувчи корхона - Perkins Engines Company Limited (Британия). Барча мувофиқлик сертификатлари бор. Ишлаб чиқарувчи давлат – Нидерландия. Техникангиз сифатли ва узок муддат ишлашини истасангиз, биз билан ҳамкорлик қилинг.



Реклама



Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани,
ТҲАЙ кўчаси, 107-уй.

“AGRI IMPORT TRADE” ХК

Тел.: +99890 188-99-59

Тел.: +99890 176-21-54

E-mail: atkham@yandex.ru

Skype: atkham74 WeChat: atkham74

<https://agritrade.uz>